

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН»
деган ибора реал ижтимоий ҳодисага айланди



2.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА
хусусий сектор жалб қилинади...(ми?)



3.

ЎЗБЕКИСТОН ЭНДИ
диний эркинлик бўйича махсус қузатувда эмас




47.

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№47-48
(1977-1978) 2020 йил
10 — 17 декабрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МАҲАЛЛАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- МАЪНАВИЙ ТАДБИРЛАР
- ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЛАНТИЛАШ
- МАҲАЛЛА
- ИЖТИМОИЙ ЭРДАН КУРСАТ

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ АҲОЛИ ИШОНЧИННИ ОҚЛАЯПТИМИ?

4-45.

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

2021 ОБУНА ИНДЕКСИ: 148

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ДЕГАН ИБОРА РЕАЛ ИЖТИМОЙ ҲОДИСАГА АЙЛАНДИ

✓ Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан халқимизга байрам табриги йўлади. Унда ўтган йиллар давомида юртимиз қўлга киритган ютуқлар, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ислохотлар, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳақида сўз боради. Қуйида табрикда билдирилган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

✓ Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

✓ «Янги Ўзбекистон» деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда. Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга, албатта, юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

✓ «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади», деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда Учинчи Ренессанс – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

✓ Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмайд келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қақриғига муносиб жавоб бўлади.

✓ Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарур.

✓ Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга ошираемиз.

✓ Тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун 2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси устида иш олиб бормоқдамиз.


✓ Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. «Қонун – устувор, жиноятга – жазо муқаррар» деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

✓ Муҳтарам нуронийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳалларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.



✓ Сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада ошираемиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиклик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттираемиз.



ЎзА материали асосида тайёрланди.



Президент раислигида илм-фан ва инновацияни ривожлантириш масалалари танқидий кўриб чиқилди.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ХУСУСИЙ СЕКТОР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ... (МИ?)

Баъзида уйимизда электр энергиясининг тез-тез ўчиши, маҳалламиздаги мактабнинг таъмирталаб экани, боғчаларнинг етишмаслиги ёки машинада кетар эканмиз, йўлларнинг носозлигидан давлатни бу муаммоларга беэтиборликда айблаймиз. Лекин бу вазиятда давлат барча муаммоларни тезда ҳал қила олишига имконияти йўқлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклик амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бу тизим орқали давлат мавжуд муаммоларни хорижий инвестор ёки маҳаллий тадбиркорларнинг маблағи эвазига босқичма-босқич ҳал этиб боради. Мазкур йўналиш узоқ муддатли, самарали ва икки томон учун ҳам фойдалидир. Айни пайтда бу тизимдан қатор ижтимоий соҳалар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика тармоқларида кенг фойдаланилган.

Эндиликда мазкур йўналиш давлат бошқаруви соҳасига ҳам кириб келмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунга замин ҳозирлайди. Ҳўш, хужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

— **Хужжат билан «Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳаси амалга оширилади.** — дейди Адлия вазири ўринбосари Худоев Мелиев. — Унга

қўра, 2021 йил 1 апрелдан Кадастр агентлиги томонидан бериладиган малака шаходатномасига эга кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисларига, шу жумладан, кўчмас мулк объектларига бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳуқуқи берилди. Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси ўз фаолиятини юридик шахслар билан меҳнат шартномасини тузиш орқали ёки яққа тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширади. Хизматлар учун нархлар тадбиркорлар томонидан мустақил белгиланади.

Энди «радар»ларни тадбиркорлар ўрнатади... (ми?)

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, 2021 йил 1 мартдан тадбиркорларга автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганини қайд этувчи **махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситалари** (регистратор) ўрнатилишини ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Унга қўра, регистраторлар ўрнатиладиган жойларни тадбиркорларга бириктириш электрон аукцион савдолари орқали амалга оширилади. Савдоларда қолиб бўлган тадбиркорларга бундай жойлар **чекланмаган муддатга** ва бошқа тадбиркорга ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилади. Шунга қўра, 2021-2022 йилларда республика бўйича жами **3 минг 356 та** интеллектуал видеокамера ҳамда **763 та** стационар радар ўрнатилди.

Худди шундай, эндиликда тадбиркорлар автомобиль йўлларида автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича **стационар шохобчалар** ўрнатилишини ташкил этиш ҳуқуқи эга бўлади. Шу асосда 2021-2022 йилларда республикада тадбиркорлар томонидан **14 та** стационар шохобча ўрнатилди.



«Права» бериш хусусий секторга ўтказилдими?

Хужжатга мувофиқ, 2021 йил 1 апрелдан автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун** лицензияга эга тадбиркорлар барча тоифадаги автомобилотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи **ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар ўтказиш** ҳуқуқига эга бўлади.

— Бунда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ва баҳолаш **инсон омилисиз, тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади.** — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев.

— **Имтиҳонлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакилининг бевосита ёки онлайн назорати остида ўтказилади.** Имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдори тадбиркорлар томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади.

Назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган **махсус ҳимояланган сертификатлар** берилди. Сертификатларнинг барча зарур реквизитлари тадбиркор томонидан давлат хизматлари марказлари ва ички ишлар органларига **автоматлаштирилган ҳолда** тақдим этилади.

Давлат хизматларини агентлар кўрсатади

Қарорга қўра, 2021 йил 1 мартдан тадбиркорлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилишида агент** сифати-

да иштирок этиши мумкин.

— Бунда улар аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан бериладиган ва кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар турлари аниқ белгиланган **сертификатга эга бўлиши шарт**, — дейди Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими Севара Зокирова. — Сертификатлар **3 йил муддатга** берилди ва уларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Хизматларни кўрсатиш Давлат хизматлари агентлигининг **ягона платформаси** доирасида амалга оширилади. Ўз навбатида, агентлик бундай тоифадаги тадбиркорларнинг ягона электрон реестрини шакллантиради ва юритади. Фуқаролар учун ягона электрон реестр орқали ўзига қулай агентларни танлаб олиш имконияти яратилади.

Агент хизматлари учун фуқаролар томонидан алоҳида тўлов амалга оширилади, бунда **нархлар тадбиркорлар томонидан мустақил равишда** белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади. Улар томонидан хизматлар кўрсатилиши **тақиқланган давлат хизматлари** рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

* * *

Умуман олганда, ушбу қарор билан давлат яна бир нечта функцияларини хусусий секторга ўтказмоқда. Унда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши хусусий инвестициялар кириб келиши, тадбиркорлик фаолияти кўламининг кенгайиши, илғор бошқарув тажрибасининг жорий қилиниши ва самарали инфратузилма яратилишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан самарали ҳал этиш ва бюджет харажатларининг камайтилишига олиб келади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

ҚАРОР БИЛАН 2021 ЙИЛ 1 ИЮНДАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЧКИ МАЪМУРИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САҚЛАШ БЎЙИЧА ФУНКЦИЯЛАРИНИ БАЖАРИШ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЎТКАЗИЛАДИ. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЎТКАЗИШНИНГ КОМПЛЕКС ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛИБ, БУНДА ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЎТКАЗИШ УЧУН ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ ҲАР ЙИЛИ ТАНЛАБ ОЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Россия делегацияси билан учрашди.

Жорий йил бўлимимиз учун хайрли ишларга бой бўлди. 11 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога аравача, эшитиш ва юриш мосламалари берилди. Шунингдек, куз-қиш мавсуми учун махсус иссиқ кийим-кечаклар ҳам тақдим этилди.



АЖРАШИШЛАР САБАБИ НИМАДА?



Феруза МАДАМИНОВА,
Миробод тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

«Баёт» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Бегимпоша Азам-хонова ҳам ана шундай ижтимоий ҳимояга, ёрдамга муҳтож фуқаролардан бири эди. I гуруҳ ногирони бўлганлиги боис ўзи мустақил ҳаракатлана олмайди. Унга ногиронлар аравачаси зарур эди.

2020 йил гарчи пандемия сабабли оғир, машаққатли йил сифатида қаралса ҳам, Бегимпоша сингари кўплаб инсонларга меҳр ва саховат кўрсатилди. Миробод тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳомийлигида I гуруҳ ногиронлиги бўлган 5 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Эшитиш қобилиятида нуқсон бўлган шахсларга эса махсус эшитиш мосламаси берилди.

«Заминабод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, II гуруҳ ногирони бўлган Фотима Миробидовага бу мослама жуда зарур эди. 23 ёшли қизимиз эшитишидаги нуқсон сабаб жамоатчиликка қўшилиб кетишга бироз қийналарди. Энди у ҳам бошқалар сингари бемалол мулоқотга кириша олади. Ўзгалар фикрини, гагларини ҳеч бир қийинчиликсиз тинглаши мумкин. Очиги, бу мосламани қўлига олаётган ёш қиз кўзидаги қувонч-ни кўриб, биз ҳам ишимиздан мамнун бўлдик.

Давлат грантига тавсиянома

Ўтган даврда жами 2193 нафар фуқаро номига шахсий пластик карточкалари очилиб, ҳомийлар, туманимиз депутатлари томонидан ҳар ойда 1 млн. 500 минг сўмдан пул маблағи ўтказилди. Шунингдек, коронавирус пандемияси даврида ҳомийлар томонидан ҳар 15 кунда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу 2-сектор ҳудудида жойлашган «Минг ўрик», «Афросиёб», «Мовароуннаҳр», «Салар», «Фаравон», Ат-Термизий, Авлоний, Ойбек, номли маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган ижти-

Бундан ташқари, 7 нафар оғир вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизларимизга ҳам уй олишга ёрдам бердик. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан жами 270 млн. 553 минг сўм миқдоридан биринчи бадал тўлови тўлаб берилиб, уй-жой ажратилишига эришилди. Шунингдек, 39 нафар қизларга олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти тавсиянома-лар берилди. Уларнинг 4 нафари давлат гранти асосида олий ўқув юртига қабул қилинди.

Ажралишлар камайди

2020 йилнинг 10 ойида туманда жами 173 та ажралиш қайд этилиб, ўтган йилга нисбатан 48 тага камайди. Ажралишлар сабабини ўрганганимизда, асосан, оилавий келишмовчилик шунга олиб келаётгани аниқланди. Айрим ҳолатларда эса фарзандсизлик, миграция, ичкиликбозлик ва ҳатто учинчи шахс аралашуви ҳам оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ажралишларнинг олдини олиш бўйича маҳалла фаоллари, кекса фахрийлар, нуруний онахонлар ҳамда бошқа маҳалланинг нуфузли шахслардан таркиб топган Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур комиссия томонидан 206 нафар фуқаронинг муаммолари ўрганилди. 67 нафар оила яраштирилди, 41 нафарига эса яна ўйлаб кўриши учун муддат берилди. Афсуски, уларнинг 23 нафарини яраштириш имкони бўлмади.

Жазони ўтаб қайтганлар – эътибор марказида

Туманимизда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда янгича ёндашув асосида тизимли ишларни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган. Унга кўра, жиноят содир этишга мойил аёллар билан якка тартибда

профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўрин-босарлари ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчилари билан ҳамкорликда кўплаб аёллар билан суҳбат ўтказилди ва ишга жойлаштирилди. Қолаверса, аёлларга тиббий ёрдам кўрсатилди, зарур ҳолатларда маънавий ва психологик ёрдам берилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 37 нафар фуқаро мавжуд. Уларнинг 21 нафари муддатини тўлиқ ўтаб қайтган. Қолганлари эса муддатини шартли равишда ойлик маошидан 30 фоиз давлат ҳисобига тўлаш йўли билан озодликка чиқарилган. Туман тиббиёт бирлашмаси томонидан уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик давомида айримларида турли касалликлар аниқланиб, даволаниши учун амалий ёрдам берилди. Касаллик сабабли ишга лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг 2 нафарига нафақа берилди. 1 нафарига эса II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Биз афв этилган шахсларга ҳам моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйдик. Зеро, улар қилмишидан пушаймон ва келажақда барча инсонлар каби ҳалол меҳнат қилиш ниятида. Бошқалардан ажралиб қолмаслигига ва жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беришимиз зарур.

Қонуний белгиланган жазони ўтаб қайтган 5 нафар аёл ҳам бор. Биз улар билан ҳам алоҳида ишлаб, кези келганда маслаҳат ва ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдик. Уларнинг хонадони тозаланиб, турли хил ошхона жиҳозлари, озиқ-овқат, кийим-кечак кўринишидаги моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, соғлиғи текширилиб, касаллиги бўлган аёлларнинг саломатлигини тиклаш учун касалхонага текин йўлланма берилишида кўмаклашдик.

Хулоса ўрнида

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган.

МАЗКУР КОМИССИЯ ТОМОНИДАН 206 НАФАР ФУҚАРОНИНГ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ. 67 НАФАР ОИЛА ЯРАШТИРИЛДИ, 41 НАФАРИГА ЭСА ЯНА ЎЙЛАБ КЎРИШИ УЧУН МУДДАТ БЕРИЛДИ. АФСУСКИ, УЛАРНИНГ 23 НАФАРНИ ЯРАШТИРИШ ИМКНИ БЎЛМАДИ.

мойи ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, якка-ёлғиз қарияларга бериб борилди.

«Иноқобод» ва Баратхўжа номли маҳаллаларда яшовчи 2 нафар фуқаро уй шароитида касаначилик билан шуғулланиш истагини билдирди. Аммо ижтимоий ҳолати сабабли керакли ускуналарни олишга қурби етмасди. Шу боис уларнинг яшаш шароитини яхшилаш ҳамда бандлигини таъминлаш лозим эди. Буни қарангки, бўлимимиз томонидан олиб берилган тикув машиналари масаланинг ечими бўлди. Энди улар ҳам ишлаб, ҳам даромад олишни бошлашди. Бунинг учун кўчага чиқишлари шарт бўлмади, ҳозирда улар ўз яшаш шароитини аста-секин яхшилаб олишмоқда.



104 фуқаро Президент Фармони билан афв этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги оила, хотин-қизлар ва кексаларни муаммоларини ўрганиб, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш билангина чекланиб қолмайди. Балки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.



ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Зиёда ТОҲИРОВА,
Шайхонтоҳур тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган ягона давлат сиёсатини олиб борадиган тизим сифатида бизнинг бўлимимиз ҳам шубҳасиз, энг маъқул ва ижобий натижа кўрсатишга ҳаракат қилиб келмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши, албатта, ягона мақсад йўлида бир мушт бўлиб жипслашиш, ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашимизга шарт-шароит ва имкониятлар яратди. Бугун бўлимимиз белгиланган ишларни ҳудудларда самарали амалга ошириб, халқимиз учун хизмат қилаётган.

Туманда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 79 мингдан зиёд оилалар истиқомат қилади. 344 минг 497 нафар аҳолининг бирортаси ҳам маҳаллаларда ўтказилаётган тадбир ва суҳбатлардан четда қолгани йўқ. Қувонарлиси, 8 дан ортиқ миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқликда яшаб келмоқда.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этиш барча бўлимлар зиммасига юкланган вазифалардан бири. Бироқ оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштирмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Шу боис фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғи-

бот ишлари ўтказиб келинмоқда. Маҳаллаларда ҳар пайшанба куни ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши профилактика куни этиб белгиланган. Мазкур кунда ички ишлар нозирлари билан биргаликда турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Қолаверса, тумандаги жиноят ишлари, фуқаролик ишлари, маъмурий ишлар бўйича суд органларидан судьялар бириктирилган. Улар билан ҳамкорликда «Менинг маҳаллам — менинг судьям» ғояси остида тизимли ишлар ташкил қилинган. Ана шундай бирдамликда қилинаётган ишлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Соғломлаштириш йўлида...

Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, касаллик билан курашгандан кўра унинг олдини олишнинг аҳамияти катта. Айниқса жорий йилда буни барчамиз янада кўпроқ англадик. Шу сабабли аҳоли саломатлигига жиддий эътибор қаратила бошланди. Иммунитетни оширувчи, жисмоний фаолликка ундовчи турли ғоялар, платформалар яратилди. Биз ҳам тумандаги хотин-қизларни соғломлаштириш баробарида уларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Яши кайфият ҳаётга бўлган интилишни кучайтиради. «Соғлом

оила ва соғлом жамият» шиори остида ўтказилаётган соғломлаштириш тадбирлари шу мақсадга хизмат қилмоқда. Жумладан, ҳар куни «Эъзозли аёллар» клуби хотин-қизлари томонидан тонги бадантарбия машқлари ўтказилаётгани бунинг мисоли. Унда иштирок этаётган аёллар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Тонги бадантарбия машқларида нуронийлар, маҳалла фаоллари, профилактика нозирлари ҳам қатнашмоқда. Ҳатто, улар орасида юриш билан шуғулланиш ҳам анъанага айланиб улгурди.

Бугуннинг яна бир долзарб масаласи эрта турмуш ва эрта туғуруқни олдини олиш ҳисобланади. Бу бўйича «Мен оила қуришга тайёр бўлдимми?», «Оиладаги сир синоатлар», «Эрта турмушнинг салбий оқибатлари», «Оила — тарбия ўчоғи» каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказилди. Якка тартибда тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. Бу ўз самарасини бермоқда, албатта. Биргина мисол, «Қизларжонлар клуби» аъзолари томонидан «Эрта турмуш ва эрта туғуруқнинг салбий оқибатлари» мавзусидаги видеороликлар тайёрланди ва тенгдошларига намоён этилди. Биргаликда муҳокама қилинган мавзулар балоғат ёшидаги қизларимизда буни англаш ва туғри тушунчани шакллантиришда ўз самарасини берди.

Қарийб 50 фоизи ишли бўлди

Туманда шакллантирилган «Аёллар дафтари» фақат рўйхатда қолиб кетаётгани йўқ. Рўйхатга киритилган хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, доимий иш ўрни билан таъминлашга кўмаклашишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Сектор раҳбарларига, касаба уюшмалар бирлашмасига, «Хунарманд», «Тадбиркор аёл» уюшмала-

рига, «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази»га ҳамда тижорат банкларига улар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Натижада 183 нафар хотин-қизнинг (46,4 фоиз) бандлиги таъминланди. Шундан 64 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди, яна 68 нафари ўзини ўзи банд қилди. Қолган 51 нафари эса бошқа йўналишларга жалб этилиб, ишга жойлаштирилди. Ҳозирда 211 нафар аёлни (53,5 фоиз) иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Тез орада улар ҳам ўзига мос, даромад келтирадиган иш ўрнига эга бўлишига ишонамиз ва ёрдам берамиз. Йил сўнгига қадар «Аёллар дафтари»га киритилган 211 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

Ўтган ой сўнгига «Нумо Арена» кўп тармоқли мажмуасида «Имкониятлар макони» бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ҳамда «Темир дафтар»га киритилган 500 дан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Қувонарлиси, 80 нафар фуқаро ўзи истаган йўналишда ишлаш бўйича йўлланма олди. Бу каби ярмаркаларни яна ўтказишни режалаштирганмиз.

Барчаси халқимиз учун

Маҳаллалардаги ишчи гуруҳ аъзолари хонадонма-хонадон юриб, нафақат фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганмоқда, балки ўрганилган муаммони ўз вақтида ҳал қилиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган фуқаролар дуч келаётган тўсиқлар аниқланиб, сектор ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан ижобий ҳал этилмоқда.

Амалга оширилаётган барча ишлар, аввало, халқимиз манфаатини кўзлаб, уларга қулай шароит яратиш, турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Зеро, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш келгусида фуқароларни жамият ривожланишининг фаол иштирокчисига айлантиради.



Судья фаолиятининг самарадорлиги электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳоланади.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизimini янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Юнусобод туманида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик самарали ташкил этилди. Мавжуд 63 та маҳаллада мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан тарғиботлар олиб борилди.



ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ ХОДИМЛАРИ ИШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ – МУҲИМ МАСАЛА



Даврон СУЛТОНОВ,
Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Оилалар мустаҳкамлиги ва аҳоли осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти катта. Шу боисдан улар фаолиятига эътибор қаратиш баробарида, иш шароитини ҳам яхшилаш лозим. Биз туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча фаоллар билан суҳбатлашдик ва муаммоларни ўргандик. Биноларга коммунал тўловларни амалга ошириш, канцелярия жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда молиявий манбаларни шакллантириш бўйича бир қанча тақлифлар берилди. Аста-секин камчиликлар бартараф этилиб, муаммолар ечимини топа бошлади.

Жумладан, 47 та маҳаллага тадбиркорлар кўмаги билан янги, замонавий услубга эга гузар қуриб берилди. 2 та маҳаллада қурилиш ишлари ҳали давом этмоқда, яна 9 тасида эса қурилиш бошланиш арафасида. Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 35 та компьютер жамланмаси, 32 та уч функцияли рангли принтер, шунингдек, мебеллар олиб берилди. Буларнинг барчаси маҳалла ходимлари учун қулай иш муҳитини яратишга хизмат қилади.

Ҳозирда маҳаллаларда мавжуд муаммолар раис томонидан юритилаётган китобга қайд қилиб

борилмоқда. Ваколати доирасидаги масалалар жойида, ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Давра суҳбатлари самара бермоқда

Бугун одам савдоси ва мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ҳам муҳим вазифалардан бирига айланган. Инсон ҳуқуқлари, кадр-қимматини асраш, алданиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Шунини инобатга олган ҳолда Одам савдоси ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга бағишлаб давра суҳбатлари ўтказилди. Аҳолига одам савдосига учрамаслик учун ҳуқуқий тушунча ва маслаҳатлар берилди. Хусусан, «Йўлайриқ», «Хамкоробод», «Юнусота», «Кулолқўрғон», «Боғишамол» сингари кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида бир неча маротаба ана шундай суҳбатлар бўлиб ўтди. Бироқ COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида карантин қоидаларига риоя этган ҳолда тадбирлар ўтказиш вақтинча камайтирилди. Вазият яхшилана бошлагач, шароитдан келиб чиқиб хонадонмахонадон юриш жараёнида мазкур мавзу юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида туманимизда одам савдосига учраш ҳолати қайд этилмади. Бундай жиноятга

қўл уриш кузатилмади. Мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ вазият умуман аниқланмади.

Бу каби тадбирларга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари билан бир қаторда, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ўринбосарлари, туман ички ишлар бошқармасидан келган эксперт ходимлари ҳам жалб этиб келинмоқда. Асосийси, ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар, нуронийлар ҳамда вояга етган ва етмаган ёшлар иштироки таъминланмоқда.

Қандай мавзуда ўтказилишидан қатъи назар, тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Мавзу доирасида махсус баннер, плакат ва бошқа тарқатма материаллари тайёрланади. Барчаси фуқароларнинг юзаки ёндашмасдан масалани жиддий қабул қилиши ва қалбан ўйлаб кўришига эришишга хизмат қилади. Зеро, аҳолини дунё ҳамжамиятида энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралаётган одам савдосининг қурбони бўлишига йўл қўймаслик зарур. Огоҳликка чақириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг хавфсиз ҳаётини таъминлаш – асосий мақсадимиз.

Нуронийлар – эътибор марказида


Ҳар қандай мавзуда ташкил қилинган суҳбат ёши улуг отахону онахонларсиз ўтмайди. Уларнинг

дуосини олиш баробарида, сўзларини тинглаш ва маслаҳатларига қулоқ тутиш лозим. Маҳалла фаолиятида ҳаёт тажрибасига эга нуронийларнинг ўрни бўлакча. Шу сабабли туманимизда Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши шакллантирилган бўлиб, 15 кишидан иборат аъзолар таркиби тасдиқланди. Ҳозирги кунда кенгаш иш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Биз кексалар саломатлигига эътиборли бўлишни ҳам унутганимиз йўқ. Маҳаллаларда «Файратли кексалар» спорт гуруҳларини тузиш ҳамда кексаларни ёши ва ҳолатига қараб, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳамда фаол турмуш тарзига жалб этиш борасида кўшма чора-тадбирлар тайёрланмоқда. Мазкур ишлар тумандаги ҳар бир маҳалланинг ҳаётига татбиқ этилиши кўзда тутилган. Ҳатто, нуронийлар ўртасида 5 минг қадам юриш бўйича ҳам тадбир ўтказилди.

Ҳудудда 47 мингдан зиёд ёшга доир нафақага чиққан кекса ва фахрийлар бор. Улар орасида яқка-ёлғиз яшайдиган кексалар, ёши 100 дан ошган нуронийлар, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам яшаб келмоқда. «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда бу тоифадаги кекса авлод вакилларининг рўйхати ҳар бир маҳаллада тузилган ишчи гуруҳлар орқали қайта шакллантирилди. Улар ҳолидан хабар олиш, шароитини ўрганиш билан бирга, таваллуд кунларини нишонлаш ҳам йўлга қўйилган. Ана шундай тадбирларни кўрган нуронийларимиз кўли доим дуода.

Мавжуд барча маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ташкил қилинган. Қолаверса, ушбу гуруҳга кўп йиллик тажрибага эга отахон ва онахонлар жалб қилинган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган 15 нафар фахрий кексаларга ҳар ойда 3 миллион 901 минг 200 сўм миқдорида пул ажратилган. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда зарурий анти-септик воситалар ҳам берилмоқда.



Каннабис ўсимлигини саноат мақсадларида етиштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Кайсики юртда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат қилинса, уларга етар-лича имкониятлар эшиги очиб берилса, ўша жамиятда ўсиш кузатилади. Бу узоқ йиллардан буён ўз исботини топиб келаётган ҳаётини ҳақиқатдир. Зеро, кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор замирида ҳам шу ҳақиқат мужассам. Айниқса, Оролбўйи ҳудудида яшайдиган қорақалпоғистонлик хотин-қизларни иш билан таъминлаб, ижтимоий муаммоларга ечим топиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.



ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАЖАРИЛГАН ИШДА БАРАКА БЎЛАДИ

Ишсиз аёлларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди

Туманнинг олис ҳудудларда яшайдиган ва ўз тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлган 27 нафар хотин-қиз «Аёллар тадбиркорлик маркази»да ўқитилди. Шу билан бирга, тижорат банклар томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 396 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар ажратилди. 43 нафар аёлга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тавсиясига асосан, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 66 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Бандлик масаласи ҳам доимий эътиборда. Туманда жорий йилда 2 минг 533 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. Улардан 103 нафари янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга, 1 минг 586 нафари мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган бўлса, 608 нафари доимий ишларга, 38 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали, 198 нафари субсидия ажратиш орқали ишсиз аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало, уларни қийнаётган масалаларга ечим топиш керак. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш зарур. Бугун Хўжайли туманида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини, оилавий муаммоларни ҳал этиш борасида мунтазам профилактик ишларни олиб бориш, никоҳ ва оила ҳуқуқи, оила маънавияти, оила маърифати, шунингдек, ноқонуний, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот тадбирлари билан бир қаторда, уларни қийнаётган муаммоларга аниқ ечим топишни ўз олдимишга мақсад қилганмиз. Умид қиламизки, ушбу уринишларимиз қисқа фурсатда ўз самарасини бериб, туманимиз аҳли юрт равнақига ўзининг янада катта ҳиссасини қўшади.



Сулўйхан ДУРСИМБЕТОВА,
Хўжайли тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда тумандаги 26 та маҳалла фуқаролар йиғинида 61 минг 665 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Бу масалани ҳал этиш, шунча но-зик кўнгил соҳибалари қалбига йўл топиш керак дегани! Бу осон бўлмайди, албатта. Уни амалга ошириш учун, аввало, маҳалла раиси, фаоллар ҳар бир фуқаро билан унинг ижтимоий аҳволи ва дунёқарашидан келиб чиқиб мулоқотга киришиши керак. Бугун ана шундай ўрганишлар давомида туманимиздаги 631 нафар хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, уларни касбга тайёрлаш, тадбиркорликка ва хунармандчиликка кенг жалб этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш лозимлиги ойдинлашди.

Шу мақсадда «Аёллар дафтари» тузилди. Ушбу рўйхатга кўра, 212 нафар хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган бўлса, 53 нафарига субсидия ажратиш орқали иш билан таъминланди. Шунингдек, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, «Устоз-шогирд» тизими асосида хунармандчиликка йўналтириш орқали турмуш шароитларини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада жами 490 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бундай масъулиятли вазифани бажариш учун тумандаги сектор

раҳбарлари, Бандликка кўмаклашиш маркази, тижорат банклар билан биргаликда йил якунига қадар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича келишиб олинди. Зеро, ҳамжиҳатликда бажарилган ишда барака бўлади.

Аёлларга уй-жойлар ажратилди

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Айни йўналишда Ишчи гуруҳ тузилиб, ногиронлиги бўлган, ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногирон фарзандлари бўлган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ижтимоий ҳимояга, шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди.

Тасдиқланган дастур ижроси доирасида оғир турмуш шароитидаги 5 нафар хотин-қиз арзон намунавий уй-жойлар билан таъминлашга тавсия этилиб, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан уларнинг 83 млн. 525 минг сўм миқдорда бошланғич бадали тўлаб берилди.

Амударё овулида яшайдиган, қарамоғида ногирон фарзанди бор Илмира Урпетованинг уйи бахтсиз ҳодиса сабаб ёниб кетган эди. Яна бир юртдошимиз Амангул Елиубаева эса турмушдан ажрашган, 3 та фарзандидан бири ногирон ва кўп йиллардан буён ижарама-ижара сарсон эди. Махсетулла Қидирбаев эса аёли вафот этгач қарамоғидаги ёлғиз қизи билан оғир шароитда яшаб келаётганди. Жорий йилда Амударё овулида жойлашган ва туман ҳокимлиги тасарруфида бўлган 6 хонали бино қайта таъмирланиб, юқорида исмлари зикр этилган

юртдошларимизга яшаш ҳуқуқи асосида ажратиб берилди. Шу билан бирга, "Байтерек" маҳалласида жойлашган 37-уй туман ҳокимлиги ҳисобидан чиқарилиб, оғир турмуш шароитидаги Заўре Надировага тўлиқ мулк қилиб, яшаш учун уй-жой сифатида берилди.

Ҳар бир рақам ортида инсон тақдири бор

Юқоридаги ишлар баробарида кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган фуқароларнинг оғирини енгил қилишга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Хусусан, бугунги кунда коммунал тўловлар, молк-мулк солиғи ва электр таъминотидан қарздорлиги бўлган хотин-қизларнинг оилавий шароитини яхшилаш мақсадида «Саховат ва кўмак» фонди ҳисобидан 20 та оилага коммунал тўловлари учун 4 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, Саришунгул овулида истиқомат қилувчи бир нафар аёлга 4 млн. сўмлик йирик бошли қорамол, ўн нафарига 6 млн. 600 минг сўмлик майда шоҳли мол, олти нафарига 1 млн. 230 минг сўмлик парранда, оғир турмуш шароитидаги 54 нафар хотин-қизга 75 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди, 24 та оилага моддий ёрдамлар тайинланди. Қолаверса, тиббий ёрдамга муҳтож 18 нафар хотин-қизга 18 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам, 20 нафарига тикув машинаси ҳамда 18 нафарига микротўлкинли печь олиб берилган бўлса, 14 та эҳтиёжманд ва камбағал оила хонадонлари таъмирланди.

Булар шунчаки рақамлар эмас. Уларнинг ҳар бирининг ортида инсон тақдири, юртдошларимизнинг ишончи ва фарзандларимиз келажаги турибди. Шундай экан, яратилган имкониятни тўғри йўналтириш ва халқимиз ишончини оқлаш биз, маҳалла тизими ходимларининг зиммасидаги улкан вазифадир.



Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ташлаганлик учун жарималар оширилди.

Кегейли азалдан деҳқонлар, боғбонлар, чорвадорлар юрти ҳисобланади. Аҳоли ўзининг ҳалол меҳнати эвазига рўзгор тебратиб келяпти. Бугунги кунда туманда 72 минг 801 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли нуфузи 43 минг 90 нафардан иборат. Бундан кўринадикки, аҳолининг катта қисми қишлоқ жойларда, олис овулларда яшайди. Бу дегани, овулларимиздаги аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратиш кераклигини англатади. Бу борада туман ҳокимлиги ва барча секторлар билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилган.



ТОМОРҚАЧИЛАР РАҒБАТДАН ЯНГИЧА РУҲ ОЛЯПТИ



Алишер СЕЙТИМБЕТОВ,
Кегейли тумани ҳокими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Томорқадан ким қандай фойдаланяпти?

Бугунги кунда туман аҳолисининг 10 минг 874 нафари деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳисобланади. Уларнинг умумий ер майдони 1 789,2 гектарни ташкил қилади. Шу кунга қадар маҳаллаларда уйма-уй юрган ҳолда 8 минг 471 нафар аҳоли билан томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. Жойларга чиқилиб, томорқадан унумли фойдаланишда учраётган муаммолар ўрганилди. Бу жараёнда томорқа учун сув етказиб бериш, минерал ўғит билан таъминлашда ёрдам кўрсатилди. Натижада томорқага эътибор ўзгарди.

Оддий мисол: тумандаги «Бахтли» маҳалласида яшовчи Бегисбай Палўаниязов иссиқхонада бодринг, помидор, кўкатлар етиштиришни йўлга қўйди. Қувонарлиси, қисқа фурсатда ушбу оила 4 миллион сўм соф даромад қилди. Ҳозирги пайтда иссиқхонани кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. «Кўшни кўшнидан ўрнак олади», деганларидек, кўшнисининг, маҳалладошининг томорқадан кўшимча даромад олаётганини кўриб, қизиқувчилар сони анча ортди. Маҳалла фаолларидан маслаҳат сўраб, мурожаат этувчилар кўпайди.

Мурожаатларни эътиборга олиб, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг яшаш шароитини ўрганиб, субсидия асосида 120 нафар фуқарога енгил конструкцияли иссиқхона, 15 нафар юртдошимизга эса томорқа ерларини суғориш учун зарур ускуналар олиб берилди.

Айтиш керакки, юртдошларимиз айнан иссиқхонада етиштирган маҳсулотлари коронавирус пандемияси даврида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва бозорлардаги нарх-навонинг кескин ошиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, аҳоли хонадонлари ва томорқаларидан самарали фойдаланиш, йил давомида икки-уч марта ҳосил олиш тўғрисида тизимли олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари ўз натижасини беряпти.

Яна бир гап: фуқароларимиз томорқадан кўнгилдагидек ҳосил олиши учун имконият бўлиши зарур. Бу эса Кегейли туманининг табиий иқлим шароитида бир қанча муаммоларни бартараф этиш заруратини туғдиради. Жумладан, баҳорнинг охири ва ёзнинг бош-

ларида сув етишмаслиги кузатилади. Жорий йил давомида бундай ҳолат қатор олис овулларимиздаги томорқачиларда учраган эди. Бу борада жадал тадбирлар ишлаб чиқилиб, зовур ва ариқларни қазитишни амалга оширдик. Натижада аҳолининг ерни суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Ер меҳнатни талаб қилади

Ер туганмас хазина, ундан унумли фойдаланишни билиш зарур. Бу эса, албатта, меҳнатни, ишбилармонликни талаб қилади. Бу нарсаларга амал қилиш яхши яшашимизга замин яратади. Буни барча ердан фойдаланувчилар тушуниб етган. Шу йўналишда ҳар бир маҳаллани «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида мева-сабзавот етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, кўёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, ҳозирги кунда 3 та маҳалла боғдорчиликка, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича жами 14 та ва чорвачиликка 8 та маҳалла ихтисослаштирилган.



Бунга қўшимча туман ҳокими қарори билан жорий йилда «Мева-сабзавот ишлаб чиқариш кооперативлари» ташкил қилиниб, 50 нафар кам таъминланган фуқаро кооператив аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг ҳар бирига ер майдони берилиб, бандлиги таъминланди. Шунингдек, тумандаги фермер хўжаликларининг ғалладан бўшаган ер майдонидан такрорий экин экиш учун кам таъминланган 32 та оилага 20 сотихдан ер майдонлари бўлиб берилди.

Ерга шунчаки ишлов бериш доим ҳам самара бермайди. Бунда тажриба алмашиш зарур. Шу мақсадда юртимизда деҳқончилик соҳасида яхши намуна кўрсатиб келаётган худудлардан бири бўлган Фарғона вилояти деҳқонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Фарғоналик деҳқонлар тумандаги томорқа ер эгалари билан биргаликда ердан унумли фойдаланиш бўйича фикрлар алмашди. Туманимизнинг Ақтуба овулидаги аҳоли томорқаларига бориб, узумни парвариш қилиш бўйича тажриба алмашилди.

Қанча оила «темир дафтар»дан чиқарилди?

Коронавирус пандемияси даврида ишсиз, вақтинча даромадидан ажралган ва ёрдамга муҳтож 1 минг 69 оила «темир дафтар»га киритилди. Шу кунга қадар уларга субсидия ҳисобидан иссиқхоналар куриб берилиб, тадбиркорлик фаолиятлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, меҳнат ярмаркалари ташкил этиб, бўш иш ўринларига жойлаштириш натижасида 967 та оила «темир дафтар»дан чиқарилди.

Умуман олганда, бугун олис худудларда яшайдиган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга ўша худуд имкониятидан келиб чиқиб, ечим топиш зарур. Шундагина ечимини кутаётган масалаларни тезда бартараф этишга эришиш мумкин. Айни кунлардаги ишларимизни айнан шу тамойилдан келиб чиқиб белгилаб олганмиз.



Фарғонада жамоат саломатлиги тиббиёт институти ташкил этилади.

Жамиятдаги ҳар қандай инсон учун ўз ватанида яшашмоқ, халқига хизмат қилмоқ, унинг корига ярамоқлик юксак бахт. Бунинг учун тоғ чўққисига чиқиш шарт эмас. Ёнимиздаги одамлар корига ярашнинг ўзи катта гап. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ўрни беқиёс.



БАРЧА МУАММОЛАР БОШЛАНГИЧ НУҚТАДА ЕЧИМИНИ ТОПИШИ КЕРАК



Мунаввара ҚУРБАНБАЕВА,
Беруний тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Чунки улар туфайлигина жамият маҳаллага, ундаги оилаларга кира олади. Муаммолар ва ечимларни топа олади, кўра олади, десак муболаға бўлмайди. Биз ҳар куни халқ ичида, эл орасида бўламиз. Ватандошларимизнинг дарду қайғуси, қувончларига тенг шерикмиз. Ўзгаришлар, ислохотларнинг айна бошида турамыз. Зеро, ҳар қандай янгиликни маҳалладан бошланади.

Беруний тумани «намуна» сифатида танланди

Айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикасида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни юритиш бўйича Нукус шаҳри ва Беруний тумани «намуна» сифатида танлаб олинди. Мазкур

номли дафтарларни шакллантириш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, туман штаби ташкил қилинди. Худуддаги мавжуд 40 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 30 минг 857 та хонадонда анкета сўровномалари тўлдирилди. Бу орқали аёлларнинг бандлик ҳолати ўрганилди. Ишлаш истагини билдирган аёлларнинг маълумоти ёки қайси хунарга қизиқиши борасида ҳам ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давомида 4 минг 837 та муаммо аниқланиб, муаммоси мавжуд хотин-қизлар «Аёл-

Умуман олганда, «Аёллар дафтари»ни шакллантиришда шаффофлик бўлиши, бирорта ёрдамга мухтож аёл эътиборсиз қолиб кетмаслиги, уларнинг муаммоларини ўрганиш асосий вазифа эканини ҳар бир маҳалла ходими англаб етди.

Ҳар бир ишда нуронийлар кўмакчи

Халқимиз бежизга: «Қариси бор уйнинг париси бор» дея таъкидламайди. Кексалари бор хонадонда муаммоли ишлар ҳам тезда бар-

мактаби» жамоатчилик кенгаши аъзолари ва ижтимоий фаол кексалар яқдилликда ишлашмоқда. Улар нотинч оилалар ва профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан мунтазам тарбиявий-маънавий суҳбатлар олиб боришмоқда.

Эртанги кунга ишонч ортади

Барча муаммолар бошланғич нуқтада ҳал бўлса, фаолият самарали бўлади. Буни маҳалла тизими мисолида оладиган бўлсак, ҳар бир йиғиннинг ўз биноси бўлиши иш самарадорлигини таъминлайди. Шу боис келгуси йилдаги режаларимиз улкан. Худуддаги йиғинларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш бўйича «Манзилли дастури» тасдиқланган бўлиб, унга 16 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғини киритилган.

Жорий йил якунигача «Хоразм», «Бунёдкор», «Турон», Амир Темур ва «Палваш» маҳаллалари бунолари куриб битказилади. Шунингдек, жорий йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида Тинчлик ва Шимом овул фуқаролар йиғинлари идоралари биноси таъмирдан чиқарилди. Бийбозор ва Навоий овул фуқаролар йиғини биносида кутубхоналар ташкил этилди.

* * *

Келгуси йилда қиланадиган иш режаларимиз ҳам тайёр. Мақсадимиз, биринчи навбатда, одамларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш. Шундагина қолган муаммолар ҳам ўз-ўзидан ортга чекиниши мумкин. Бу борада барча маҳалла раислари ва ходимларига сўянамиз. Маҳаллани ўз уйидай қабул қилиб, ундаги барча оилалардан хабардор бўлиб турган фидойи раислар, ходимлар ва фаоллар бор экан, барча муаммолар ўша жойнинг ўзида ҳал этилиши тайин. Шундагина одамларнинг эртанги кунга ишончи ортади.

Бежизга Юртбошимиз: «Халқ биздан ва жамиятдан рози бўлиб яшаши керак», дея қайта-қайта тақдорламайди. Халқни рози бўлиши учун биз сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак. Халқнинг барча дарду муаммоларига малҳам бўла олишимиз керак. Бу эса юрт учун ва жамият учун жуда муҳим!



лар дафтари»га киритилди ва уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий, психологик ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли режалар ишлаб чиқилди. Ҳозирда 3 минг 87 нафар вақтинча ишсиз аёлни иш билан таъминлаш

борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Кейинги йилдан бошлаб рўйхатдаги барча хотин-қизлар иш билан таъминланади ва улар назоратга олинади. Бу — аёл оилада, маҳаллада ва жамиятда ўз ўрнини топади дегани.

Ҳеч қандай хунари йўқ ёки маълумотга эга бўлмаганлар учун ойлик ўқув курслари ташкил этилади. Хусусан, ишсиз фуқароларни, асосан, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида «Абай» маҳалласида ўқув маркази ташкил этилиб, 36 нафар хотин-қиз тикувчилик касбига ўқитилди. Энди улар шу ерда ташкил этилаётган тикувчилик цехига ишга жойлаштирилади.

ҳам топади. Чунки улар кўпни кўрган, ёшларга ётиги билан ўғитлар бериб, йўлга сола олишади. Баъзида ишлашга ёки ўқишга хоҳиши бўлган хотин-қизларга оилалари томонидан қаршилиқлар бўлади. Шундай вазиятларда, албатта, нуронийларимизга таянамиз.

Айни дамда туманда 15 нафар аъзодан иборат «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши» ҳамда фуқаролар йиғинларида 333 нафар аъзодан иборат 37 та «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари тузилган. Кенгаш ташаббуси билан «Беруний» истироҳат ва дам олиш маскани, «Шимом» канали, фуқаролар йиғинларида жойлашган 35 та маҳалланинг спорт майдончаларида ҳар куни кечки пайт «Саломатлик учун 5000 қадам» шиори остида пиёда юриш ташкил қилинган бўлиб, 22 та маҳаллада 248 нафар фуқаро эрталаб ва кечки пайт пиёда юриш билан шуғулланишади. Бу эса келажак авлод учун энг яхши ўрнак.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, нотинчликларга барҳам бериш, носоғлом оилаларда маънавий-тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадида «Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши», «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, «Бувижонлар

ДАРВОҚЕ...

Тумандаги 396 та эҳтиёжманд оила аъзосининг бандлиги таъминланиб, шундан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганлар сони 95 нафарни, бўш иш ўринларига жойлаштирилганлар 97 нафарни, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 119 нафарни, бошқа ишларга жалб этилганлар 85 нафарни ҳамда субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратишга кўмаклашилган фуқаролар 124 нафарни ташкил қилади.

Хар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Андижон вилояти-нинг Шаҳрихон тумани ҳам қадри баланд хунармандлари билан танилган. Айниқса, темирчилик соҳасида илдиз отган анъаналар неча йилки, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Бугун ҳам туман маҳаллаларида ана шу хунар ортидан рўзғор тебратаётган, «Устоз-шоғирд» анъанасини йўлга қўйган, хунаридан эъзоз топган уста-хунармандлар талайгина.



ХУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ



Бахтиёржон АЛИМОВ,
Шаҳрихон тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Хунармандчилик азал-азалдан ҳаёт тарзимизга сингиб кетган. Кимдир фарзандига бичиш-тикиш, гилам тўқишни ўргатса, бошқаси дурадгорлик, ўймакорлик... хуллас, ўзи билган хунарини ўргатади. Кейинги пайтда миллий хунармандчилик янгича кўринишга ўтмоқда. Илгари хунарманд маҳсулотини ўзи, оиласи учун тайёрлаган бўлса, энди бу йўналиш яхшигина даромад манбаига ҳам айланмоқда. Буни Шаҳрихон маҳаллалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шаҳрихон пичоқлари довруғи нима билан боғлиқ?

Нафақат Андижонда, балки ўзбек халқида пичоқ мардлик, жасурлик, ғурур ифодаси ҳисобланган. Яқин-яқинда ҳам ота-боболаримиз белига белбоғ боғлаб, бир томонига безакдор қинга солинган шаҳрихон пичоғини осиб юрганлар. Уйда ёлғиз қолган одам ёстиғининг остига пичоқ қўйиб ётган. Бу қутилмаган босқинчиликка қарши ҳамла учун эмас, балки ёлғизликдаги ҳамроҳлик ифодаси саналган.

Шу боис бўлса керак, Андижонда, хусусан, Шаҳрихонда пичоқчилик ривожланган. Ҳудуддаги бутун маҳаллалар, юзлаб темирчилар бу хунарни қарийб 300 йилдан буён қадрлаб келмоқда. Туманда пичоқчилик тарихи 1800 йиллардан бошланган. Қўқон хони Амир Умархон Шаҳрихон ҳудудларини ўзлаштира бошлаган кезлари Марғилондан бир гуруҳ хунармандларни олиб келади. Уларга қўним топишлари учун муносиб шароит яратиб беради. Шу тариқа янги

масканд хунармандлар маҳаллалари бунёд бўлган.

Бу маҳаллалар уларнинг амалга оширган ишлари билан аталган. Натижада «Темирчи», «Пичоқчи», «Кўнчи», «Ошпаз», «Сартарош», «Тўнчи» каби ҳудудлар пайдо бўлган. Бу ерга олиб келинган хунармандлар орасида пичоқчи Исломхўжа ҳам бўлган. У дастлаб бир ўзи шуғулланган. Кейинчалик ўғилларини ёнига олган. Шоғирдлар етиштирган. Қарабсизки, вақтлар ўтиб туманда пичоқчилар маҳалласи бунёд бўлган.

Айни пайтда ҳам туманда 300 нафардан зиёд хунарманд пичоқчилик билан машғул. Эътиборлиси, ҳар бир оиланинг ўзига хос тажрибаси бор, «устоз-шоғирдлик» анъаналарига алоҳида урғу берилади.

Хўш, Шаҳрихон пичоғининг довруғи нима билан боғлиқ? Айтиш керакки, Шаҳрихон пичоқлари энгиллиги ва тиғининг ўткирлиги билан ажралиб туради. У деярли танасининг 90 фоиз қисми билан кесади. Сопига ишланган безаклар қиммат тошдан ясалган. Бир қарашда ҳақиқий санъат асарини эслатади. Бугун маҳаллаларда ана шу соҳани янада ривожлантириш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хунармандлар шаҳарчаси бунёд этилади

Шаҳрихон хунармандлари — моҳир пичоқчи уста Раҳматхўжа Алихўжаев, дўппидўз Ёркиной Тўйчиева, маҳсидўз Муроджон Бурхонов, бешиксозлар сулоласи сардори Сирождиддин Абдураимовнинг қўли гуллигини фақат мамлакатимиздагина эмас, хорижда ҳам билишади. Биргина Ёркиной чевар тайёрлаган Шаҳрихонусха дўппиларига Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари, Тожикистоннинг Исфарасида ҳам харидорлар кўп. Дўппидўзнинг ҳар бир «иш»ида нозик дид, маҳорат мужассамлигини эшитиш муқотдек мамнун қилади.

Давлатимиз раҳбарининг қадами

етган жойда янги-янги ташаббуслар, ҳаётбахш лойиҳалар бўй кўрсатади. Президентимиз Андижонга ташрифи чоғида бунёдкор ва меҳнаткаш халқнинг орзу-интилишларини, эзгу мақсад ва режаларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, катта-ю кичикка бирдек қанот бағишлади. Хусусан, Шаҳрихонда хунармандлар шаҳарчаси барпо этиш бўйича билдирилган таклифни қўллаб-қувватлагани барча шаҳрихонликларни жуда хурсанд этди.

«Шаҳрихон — Андижон» магистраль йўли ёқасида Хунармандлар шаҳарчаси учун 1,2 гектар ер майдони ажратилмоқда. Ҳозирда қуришиш ишлари авжида бу шаҳарча-



нинг бунёд этилиши усталарнинг довруғи янада ошишига, улар учун қулайликлар яратилишига, энг муҳими, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади. Бу масканд таниқли хунармандларга савдо ва ишлаб чиқариш жойлари ажратилиши кўзда тутилаётган. Шунинг баробарида, миллий меъморий услубда меҳмонхона, чойхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олади. Туризмни ривожланишига ҳам замин ҳозирланади.

Экин экилмаган биронта томорқа қолмади

Томорқачилик борасида ҳам Шаҳрихонда ўзига хос, илғор тажриба мактаби мавжуд. Қолаверса, ҳудуддаги мавжуд ерларнинг унумдорлиги юқори. Аҳоли қафтдек ердан ҳам яхшигина даромад топишнинг ҳадисини олган. Айниқса, «Юзлар», «Кўрғонча», «Найман», «Сегаза», «Кум», «Сўзоқ» сингари маҳаллаларда бу борадаги ишлар намунали йўлга қўйилган.

Тумандаги 76 маҳаллада 46

мингга яқин хонадон бўлиб, уларга тегишли 2 минг 857 гектар томорқа ер майдони мавжуд. Жорий йил бошида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида томорқаларга саримсоқпиез, баҳорда турли резаворлар, шунингдек, помидор, булғор қалампири, карам, қалампир, бақлажон кўчатларини экиш ишлари тўла якунига етказилди. Тумандаги ҳеч бир маҳаллада экин экилмаган бирорта томорқа қолгани йўқ.

Шунингдек, жорий йилда аҳоли хонадонларида 1-1,5 сотихли 350 дан зиёд иссиқхона барпо этилди. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалар мевали дарахт кўчатлари, шунингдек, помидор, булғор қалампири, карам, бодринг, бақлажон кўчатлари билан таъминланди.

Тумандаги «Кўрғонча» маҳалласидаги 870 та хўжалик ихтиёрида 34,7 гектар томорқа мавжуд. Маҳалладан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кўчатлар етиштириш борасида ўзига хос тажриба

мактаби яратилган. Дехқончилик ҳадисини олган хонадон соҳиблари ўз эҳтиёжларидан орттириб, бозорни сифатли ва сервитамин помидор, бодринг, карам, саримсоқпиез, зиравор кўчатлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келади. «Найман» маҳалласида эса 646 та хўжаликка тегишли 35,5 гектар томорқа мавжуд. Маҳаллада ўндан зиёд хўжаликда иссиқхона барпо этилган. Иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотлар ана шу оилаларга яхшигина даромад келтирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун туманда томорқадан унумли фойдаланиш борасида кенг кўламли ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун халқимиз дастурхони тўқинлиги таъминланмоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Зеро, томорқа соҳибининг самарали меҳнати, интилиши, изланиши билан нафақат унинг ўзи, балки жамият ҳам манфаат кўради.

ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА

Андижон азал-азалдан ишнинг кўзини биладиган тадбиркору қўли гул хунармандларга, қишлоқ хўжалигида мамлакатга донг таратган уста деҳқонларга бешик бўлган юрт. Шундан бўлса керак, бугун ҳудудда ишлаб чиқарилаётган тадбиркорлик ва қўл меҳнати маҳсулотларига узоқ-яқиндан харидорлар бисёр. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа эгалари етиштирган сархил мева-сабзавот ва полиз экинларининг таърифи етти иқлимга ёйилган.

ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ



Адҳамжон МАДРАҲИМОВ,
Хўжаобод тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Энг муҳими, кўп йиллик тажриба натижаси боис хонадон шароитида даромад топиб, рўзгорини бутлаётган, иморат тиклаётган, топган-тутганини яхши кунларга сарфлаётган юртдошларимиз сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Хонадонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида Хўжаобод туманида яратилган тажриба ҳам ибратли.

Эрта кўкламда ерга уруғ тушадиган кунларда бу юрт одамларининг томорқа экинлари деҳқон бозорининг энг олди маҳсулотлари сифатида харидорга тортиқ этилади. Асосий даромад манбаи мана шу бир-икки сотихли иссиқхона ҳисобланган аксарият қишлоқ аҳлининг фаровон ҳаёти замирида меҳнатга иштиёқ самарасини кўриш мумкин.

Тадбиркорликка кўмак беришнинг янгича ёндашуви қандай?

Томорқачилик, тадбиркорлик ҳақида сўз борганда, тумандаги «Навигул» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Корхона вилоятдаги хонадонларга 12 хилдан ортиқ бозорбоп карам, булғор қалампир, помидор кўчатлари етказиб бериш ташаббуси билан чиқди. Хусусан, томорқасида бўш ери бор, меҳнат билан банд бўлмаган кишиларга замонавий иссиқхонада интенсив технология асосида тайёрланган ниҳоллар февраль ойидаёқ етказиб берилди.

Очиқ майдонга ҳамда плёнка остига экилган кўчатлар 45-50 кунда ҳосилга кирди. Агротехник тадбирларни белгиланган меъёрлар асосида олиб боришда томорқа эгаларига корхона мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Корхона ва аҳоли ҳамкорлигининг асосий жиҳати — етиштирилган маҳсулотга харидорнинг нақдлигидир. Яъни корхона кўчат етказиб берилган томорқа эгаларидан тайёр бўлган маҳсулотни бозордаги нарх-навога тенг қийматда харид қилди.

Оилавий тадбиркорликка кўмак беришнинг янгича ёндашуви кўпчилик юртдошларимизда қизиқиш уйғотди. Аввало, корхона кўчат етиштиришда хориж селекциясига мансуб, ички бозорда ҳам суйиб истеъмол қилинадиган навларни танлашга эътибор қаратяпти. Хонадонларда етиштирилган маҳсулотлар харид қилинган, корхонанинг ўзида қайта ишланиб, экспортга юбориш тизими йўлга қўйилди. Муҳими, дастлабки уринишлар ўзини оқлаб, аксарият томорқа соҳиблари икки ой ўтар-ўтмас, бир сотих майдондан ўртача 3-4 миллион сўмгача даромад олишди. Ҳамкорлик йил мобайнида давом этаверади.

«Хўжаобод трикотажи» нима дегани?

Хўжаободда тадбиркорликнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Айни пайтда ҳудудда кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган 100 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Агар корхоналар фаолиятини ўзаро қиёсласангиз, ҳар бирининг ўзига хос иш услуги, бир-бирини такрорламайдиган янги-янги жиҳатлари кўзга ташланади. Ҳар бирида 50 дан 400 нафаргача хотин-қиз иш билан банд. Демак, оилаларга кутбарака қиряпти.

Жумладан, тумандаги «Само» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланаётган эркаклар, аёллар ва болалар учун мўлжалланган кийим-кечаклар ҳам нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир. Корхона мамлакатимизнинг ўзида ўндан зиёд савдо дўконларига эга. Корхонада бандлиги таъминланганларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Таъбир жоиз бўлса, мамлакат миқёсида «Хўжаобод трикотажи» деган ибора тез-тез тилга олинапти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми узоқ-яқин давлатларга экспортга йўналтирилаётгани, энг асосийси, туман ҳудудида ишсиз хотин-қизларнинг деярли йўқлиги давлатимиз томонидан одамларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка ўргатиш борасидаги эътибор натижасидир.

Иш юритишда «Хўжаобод тажрибаси» асқатади

Хўжаобод туманида 38 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлса, бугун уларнинг ҳар бири йиғинлар фаолиятини самарали ташкил этиш, иш дафтарларини юритиш бўйича ҳам илғор тажрибага эга. Бу борада «Хўжаобод тажрибаси» республикада намунали деб топилгани ҳам

бежиз эмас. Ҳудуд тажрибасини оммалаштириш бўйича туман бўлимлари бошлиқлари, ўринбосарлари, маҳалла раислари учун семинарлар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш керакки, вазирлик томонидан белгилаб берилган иш юритиш ҳужжатларидан ташқари, ҳудуд маҳаллаларида «Маҳалла паспорти», «Хонадон дафтари», «Тўй-ҳашамларни ўтказишни рўйхатга олиш дафтари», «Хонадон томорқа паспорти», «Умра ва ҳажга кетувчиларни рўйхатга олиш дафтари», «Кириш ва чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш дафтари», «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини қайд этиш дафтари» сингари қатор иш дафтарлари юритилади. Бу, ўз навбатида, барча аҳоли қатламини қамраб олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, туманда «Намунали ҳудуд» тажрибаси ҳам амалга оширилмоқда. Унга кўра, криминоген вазияти оғир деб топилган маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида доимий профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. «Маҳаллабай» тамойили асосида жиноятчиликни жиловлаш бўйича ижобий тажриба янада ривожлантирилиб, жиноятлар сони ошган маҳаллаларда қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилди, барқарор ҳудудларда эса манзилли профилактик тадбирлар кучайтирилди.

Бугун Андижон маҳаллаларида иш қизғин, одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларига кўмакчи бўлиш, дардини олиш ҳар бир маҳалла ходимининг мақсадига айланган. Энди муаммоларнинг оқибати билан ишлаш вақти ўтди. Уларнинг олдини олишга қатъий киришиш вақти аллақачон келган. Президентимиз таъкидлаганидек, энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Бугун бу сўзлар йиғинлар фаолиятида дастуриламалга айланган.

ДАРВОҚЕ...

Жорий йилда туманда бешта — «Навбахор», «Солпи», «Кўприкбоши», «Карнайчи», «Нишоббўйи» йиғинлари учун янги бинолар қуриб берилди. «Тош ота», «Ордай», «Чимбулоқ» маҳаллаларининг биноси қайта реконструкция қилиниб, ҳозирда «Етмишмерган», «Гара-гури», «Шаҳрихонсой» йиғинларининг биноларида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Йил сўнги — сарҳисоб палласида ортга назар ташлаб, эришган натижаларимизни сарҳисоб қилиш, келгуси режаларни белгилаб олиш яхши анъанага айланган. Бугун мамлакатимиз аҳли ҳам яна янги ниятлар, режалар, эзгу ишлар бўсағасида турибди. Ана шу дамларда ҳар биримиз ҳаётимизда юз берган муҳим ўзгариш ва янги ланишларни ёдга олиб, 2020 йилда эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилишимиз табиий.



ҲАР БИР ОИЛА БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШ ОЛИБ БОРИЛАДИ

Хўш, ордда қолган йилда Андижон вилояти Пахтаобод тумани маҳаллалари ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Қайси эзгу ташаббуслар одамларимизни хушнуд этди? Йил бошида ният қилинган қайси яхши, соғлом амаллар рўёбга чиқди? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида



Пахтаобод тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Фаттоҳжон ҚАМБАРОВга мурожаат қилдик.

— **Очиғини айтиш керак, аксарият маҳаллалар ҳали-ҳануз ўз биносига эга эмас. Етарли иш шароити бўлмаган фуқаролар йиғинидан эса намунали фаолият, натижа ва самара кутиб бўлмайди. Хўш, туман маҳаллаларида бу муаммо қандай ҳал этиляпти?**

— Бугун кўпгина маҳаллалар ўз биносига эга эмас, қайсидир давлат ташкилоти биноларида ижарада фаолият юритаётгани ҳам бор гап. Мавжудларининг ҳам аксарияти таъмирталаб. Албатта, йиғинга зарур шарт-шароит яратмасдан туриб, улар ишини жонлантириш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Айни ҳолат ҳисобга олиниб, ҳудудлар кесимида «2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур» тасдиқланган. Пахтаобод туманида 9 та маҳалла фуқаролар йиғини мазкур дастурга киритилган. Жорий йил давомида 5 та («Пушмон», «Боғи-гулистон», «Юқори», «Тўраобод», «Бодроғобод») фуқаролар йиғини биноси қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг тўрттаси замонавий тарзда қурилган биноларга кўчиб ўтди. «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси эса йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Бугун ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисми-

га айланиб улгурди. Бироқ барча йиғинларда ҳам иш фаолиятида асқатадиган компьютерлар мавжуд эмас, борлари ҳам таъмирталаб. Шу боис жорий йилда 25 та йиғинга замонавий компьютер жамланмаси топширилди. Қолган йиғинларга ҳам босқичма-босқич бундай компьютерлар топширилади.

— **Азалдан маҳалла деганда, энг аввало, киши кўз олдига обод ва сўлим масканлар келади. Бугун ҳам шу анъаналар сақлаб қолинганми? Маҳаллалар ободлигига қандай эришиляпти?**

— Тўғри айтдингиз, хонадонимизни, ҳовлимизни, кўчаларимизни саранжом тутиш халқимизга хос одат. Бугун ҳам бу анъана маҳаллаларда бардавом. Айни йўналишда «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезони бўйича долзарб уч ойлик эълон қилинди. Унинг доирасида туманимиздаги таъмирга муҳтож 2 минг 876 та, шундан 2 минг 595 та яқка тартибдаги, 281 та кўп қаватли уйлардаги хонадонлар рўйхати шакллантирилиб, улар таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 450 млн. сўм сарфланиб, 395 та кам таъминланган оила хонадонидида таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, «Соҳил» маҳалласида истиқомат қилувчи Хайринисахон Нишонова хонадонига 40 млн. сўм, «Навбахор» йиғинида яшовчи Зебинисо Раҳмонова хонадонига 50 млн. сўм, вилоят ҳоқими ҳомийлигида шу маҳаллада яшовчи Лочинбек Акбаров хонадонига 100 млн. сўм вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан сарфланди.

— **Яна бир долзарб масала — ички йўллар, ичимлик суви, электр тармоғидаги муаммолар қандай ечим топмоқда?**

— Албатта, аҳолига қулай шароит яратмасдан туриб, уларнинг розилигига эришиш мушкул. Сиз айтган жиҳатлар, дарҳақиқат, юртимизнинг барча маҳаллаларида долзарб масала саналади. Боиси уларнинг айримларига тегиш-

ли тармоқлар йиллар давомида эскирган, бугунги талабга жавоб бермайди. Шу боис босқичма-босқич маҳаллаларда бу муаммоларни ҳал этишга киришганмиз.

Жумладан, жорий йилда «Андижон» йиғинидаги Мингчинор кўчасига 1,2 км., «Аҳиллик» маҳалласидаги Ўрикзор кўчасига 700 метр масофага тоза ичимлик суви тармоғи тортилди, мазкур кўчалардаги эскирган ёғоч таянчлар янгиланди. Шунингдек, Мингчинор кўчасида 1,2 км. масофадаги газ қувурлари тартибга келтирилди. «Нодирабегим» маҳалласидаги Обод ўлка кўчасида 700 метр, «Навбахор» йиғинидаги А.Навоий ва Техника кўчаларида 800 метр масофадаги газ қувурлари таъмирланди. «Соҳил» йиғини ҳудудидаги Обиҳаёт кўчасининг 400 метри асфальт қилиниб, янги бетон таянчлар ўрнатилди. Жамият кўчасига 1,7 км. масофада тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Бундай ишларни яна кўплаб йиғинлар мисолида ҳам келтириш мумкин.

— **Туман маҳаллаларида камбағалликни камайтириш бўйича қандай тажрибалар қўлланилмоқда?**

— Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули — аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш — мақсад сари дадил қадамдир. Туманимизда 3 минг 72 та эҳтиёжманд оила «темир дафтар» рўйхатига киритилган. Уларда 12 минг 747 нафар аҳоли истиқоматга лаёқатли ишсиз ҳисобланади. Бугунги кунгача уларнинг 3 минг 57 нафари (99,8 фоизи) оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, ўзини ўзи банд қилиш, такрорий экин экиш, инвестиция дастурлари, норасмий бандлик йўналишларида ишга жойлаштирилди.

Қолган 16 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Натижада ҳозирга келиб эҳтиёжманд оилаларнинг 2 минг 701 таси ёки 87,9 фоизи мазкур рўйхатдан чиқарилди.

Шунингдек, пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларга Президент фармон-қарорлари ва ҳукумат фармойишига асосан, тегишли миқдорларда пул маблағлари берилди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 3 минг 148 та оилага жами 327,1 млн. сўмлик, шундан «темир дафтар»га киритилган 2 минг 900 та оилага 500 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Албатта, бир маротаба бериладиган бу моддий ёрдам масалага тугал ечим бўла олмайди. Шу сабабли уларнинг ҳаётини изга солиб олиши, оиласига молиявий даромад манбаини яратиши учун кўмак зарур. Бу борада эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш хонадонидида ўзини ўзи банд қилиши учун кластерлар томонидан парранда, эчки, куён ва асалари оиласи тарқатилди.

Албатта, аҳолимиз яхши яшаши учун доимий даромад манбаига эга бўлиши керак. Бу — давр талаби. Бугун чорасизликдан бош қашиб ўтирадиган замон эмас. Ҳар бир инсон ўз келажаги учун имконият ахтариши, оиласи фаровонлиги учун ҳаракат қилиши зарур. Бунинг учун одамларда ерга бўлган муносабатни ўзгартиришимиз, ундан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун туманда 153 та оилага 642,2 млн. сўм миқдоридаги субсидия маблағлари ҳисобидан иссиқхона қуриб берилиб, «темир дафтар»га киритилган 1 минг 576 та оилага такрорий экин экиш учун 15-20 сотихдан ер майдони ажратилди.

Умуман олганда, яратилган шароит, берилган ваколатлардан фойдаланиб, маҳаллаларда иш тартиби ва тизимини мутлақо янги даражага олиб чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар бир оила билан манзилли ва мақсадли иш ташкил этишга урғу беряпмиз, уларни қийнаётган муаммонинг ичига чуқурроқ киришга интиляпмиз. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида тегишли давлат органлари кўмагидан ҳам фойдаланамиз, улар билан фаол ҳамкорлик юритамиз.

«Mahalla» мухбири Санжар ИСМАТОВ суҳбатлашди.

ОЛОТЛИКЛАР БАЛАНД МАРРА КЎЗЛАГАН



2020 йил олотликлар учун мураккаб йил бўлди. Бир томондан, бутун дунёни ўз ваҳмига қамраб олган пандемия балоси бартараф этилмай туриб, апрель ойи охирида Олот осмонида кўтарилган кучли шамол барчанинг сабрини, шукрини яна бир бор синовдан ўтказди.



Валишер ЖЎРАЕВ,
Олот тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Аллақандай уч-тўрт минутнинг ичида ҳаво бирдан айнаиди. Бирдан осмонни қора булут тўсиб, шамол барча нарсага гирибонидан тутди. Симёгочлар, дарахтлар йиқилди, томдаги тунукалар жойидан кўчиб осмонда «ракс» тушди, иссиқхоналар плёнкаларини шамол йиртиб, ҳосилни ер билан битта қилди.

Электр ўчган, борлиқни зулмат чулғабган, телефонлар ишламайди, алоқа йўқ...

Деярли бутун бошли бир туман вайрон бўлганди. Аммо Президентимизнинг табиий офат эртаси куниёқ туманимизга ташриф буюриб, ҳудуд аҳолиси билан учрашувлари кишиларга аллақандай руҳий мадад бўлди. Барча бу синовлар олдида ёлғиз эмаслигини, Президент, давлат раҳбарияти қўллаб-қувватлашини ҳис қилди. Айниқса, «Ҳеч хавотир олманг, барча зарарларни қоплаб берамиз. Ўн кун ичида Олот, Қоракўлни янгидан қурамыз», деган сўзларининг ўзи аҳолига жуда катта далда бўлди.

Ҳа, табиий офатнинг эртаси кунидан бошлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъмирлаш-тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Президентимизнинг Бухоро вилоятида табиий офат оқибатларини бартараф этишга қаратилган фармойишига асосан, давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

– Президентимизга, давлатимизга минг раҳмат, тез фурсат-

да талафот етган хонадонларга чоралар кўрилди, – дейди **Майсара Каримова**. – Чироқ, газ ёнди. Олдинги ҳаётимиз қайтди. 10 кун эмас, 3 кун ичида ҳаммаси изига тушди.

Талафот етган хонадонларни таъмирлаш ва тиклаш учун 11 ярим мингга яқин қурувчи жалб қилинди. Туманимизнинг талафот етган объектларини таъмирлаш учун жами 100 минг донага яқин шифер, 300 метр кубдан ортиқ ҳажмдаги тахта олиб келинди. Бунинг натижасида қисқа вақт ичида 4 минг 393 та хонадон таъмирдан чиқарилди. 12 та мактабгача таълим муассасаси, 34 та мактаб, 28 та соғлиқни сақлаш объектларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳар ёмоннинг бир яхисиси бор, дегандек, ушбу табиий офат туман аҳли учун бир синовгина эмас, янгиланишлар даври дебачаси ҳам бўлди.

Авалло, онгда ўзгаришлар бўлди. Илгари ҳар бир майда нарса учун асабийлашиб, диққати ошган одамларга эндиликда ҳаётнинг ҳар бир сонияси улкан эврилишлар олиб келишини, шу боис тинч, осойишта ўтган ҳар бир кунимиздан завқланиб, катта мақсадлар сари интилишимиз лозимлигини англади.

Иккинчидан, ҳаётимизда, турмушимизда янгиланишлар бўлди. Эски, ичдан нураган бинолар йиғилди. Сифатсиз ўрнатилган томлар учди. Барисини янгидан бошлашга тақдир ишора қилди. Бунинг натижасида иморатлар янада чиройли бўлиб таъмирланди. Алоқа, электр, табиий газ тармоқлари янгиланди. Буларнинг аксарияти Президентимиз ғамхўрлиги остида, давлатимиз маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

Бунинг натижасида эса халқ ушбу синов фонида ўзининг давлати учун, Президентни учун нақадар азизлигини яна бир бор ҳис қилди. Бошига ташвиш тушганда доимо ўзини ғамхўр кўрсатиб, сарҳадлар нарисидан туриб айюҳаннос солувчилар эмас, балки ўз

яқинидаги жон-жигарлари, хато қилса танбех бериб, яхши қилса алқайдиган раҳбар-оғайнилари ёрдамга келишини тушунишди.

Ёшлар – маҳалламизнинг эртанги эгалари

Ёшлар муаммоларини чуқур ўрганиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туманда янги гоялар, ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чунки бугунги кунда туманда жами аҳоли сони қарийб 99 минг нафарни ташкил этган ҳолда, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 22,2 минг нафарга етгани уларнинг ишчи ресурсларида салмоқли ўринга эга эканидан далолат беради.

Қолаверса, айнан ёшлар бандлиги оилалардаги барқарор даромад манбаи, «ёшларнинг бўш

Туманда ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ, 2020 йилда ҳудудда рўйхатга олинган 1538 нафар ишсиз йигит-қизнинг 1415 нафарини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

вақти – душманнинг иш вақти» тамойилидан келиб чиқиб соғлом муҳит омили ҳамдир.

Шу боис ҳам туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 657 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Шу жумладан, қурилиш соҳасида 41, тадбиркорлик йўналишида 22, қишлоқ хўжалиги йўналишида 233, жамоат ишларида 246, «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури доирасида 13, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида 23, бошқа йўналишларда 79 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Бу борада тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ташаббускорлик кўрсатаётгани диққатга сазовор. Жорий йилнинг январь ойида иш бошлаган «IMRON NIKA» масъулияти чекланган жамиятида 46 нафар ёшлар ишли бўлди. «Маърифат» маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Аббос Найимов банкдан олган 30 миллион сўм-

лик имтиёзли кредит ҳисобига ўзи ишлаётган сартарошхонаси фаолиятини кенгайтириб, 5 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади.

Туманда ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ, 2020 йилда ҳудудда рўйхатга олинган 1538 нафар ишсиз йигит-қизнинг 1415 нафарини иш билан таъминлаш режалаштирилган. Ёшларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш учун туман Халқ қабулхонаси сектор раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

155 та лойиҳа амалга оширилади

Олимпиада ва жаҳон чемпионларини етиштирган Рустам Тўраев кураш мактабини инobatта олмаганда, илгари Олот тумани ё чекка ёки қоқоқ ҳудудлар номи саналганда тилга олинарди. Аммо давлатимиз раҳбарининг туманимизга нисбатан айрича меҳри ва эътибори сабаб Олотдаги оилалар аҳоли яхшиланиб, ҳудуд иқтисодиёти ривожланиб бормоқда.

2020-2022 йилларда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича умумий қиймати 2 трлн. 711 млрд. сўмлик 155 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, 801,8 млрд. сўмлик 71 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 1 минг 342 та янги иш ўрни яратиш, шундан саноат соҳасида қиймати 587,1 млрд. сўм бўлган 22 та лойиҳани ишга тушириш орқали 699 нафар, хизмат кўрсатиш соҳасида 81,2 млрд. сўм бўлган 24 та лойиҳани ишга тушириш натижасида 274 нафар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида 133,4 млрд. сўм бўлган 25 та лойиҳани ишга тушириш натижасида 369 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, туман марказида 1 минг 236 та хонадондан иборат 47 та 5 қаватли уй-жой, 96 та тадбиркорлик объекти, туман Маданият ҳамда «Ёшлар марказлари» ва IT парк, давлат хизматлари агентлиги биноси, Ёшлар хиёбони ва амфитеатр, Хотира ва қадрлаш майдони, 150 ўринли боғча қурилиш ишлари бошланди.

Амалиётга жорий этилаётган бу каби лойиҳалар эса, албатта, туманимиз ривожини, аҳоли даромадларини оширишни таъминлайди.



Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўз касбининг устаси унвони учун кўрик-танлов ўтказилади.

«Зандани» — азал-азалдан ўзининг бетакрор кашталари, зардўзлик, патдўзлик, куроқчилик маҳсулотлари ва миллий либослари, жимжимадор ёстиқлару гулдор кўрпачалар, миллий намунада тикиб тайёрланган кўғирчоқлари билан донг таратган. Шу боис ҳам ушбу қадим маҳаллада туманимиздаги «темир дафтар»га киритилган, аммо қўлида хунари, қалбида шижоати бўлган аёлларни йиғиб, туманда тадбиркорликни ривожлантириш, бу орада банклар томонидан таклиф этилаётган кредитлар тўғрисида тақдимот ва маҳаллий маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этдик.



Жўрабек УМИДОВ,
Пешкў тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Шахло Тўраева «Янгиобод» маҳалласининг Офандар қишлоғида истиқомат қилади. У бир нафар фарзанди билан ота-онаси уйда яшайди. 2020 йил бошида «темир дафтар» рўйхатига киритилган чевар кўргазмада ўз қўли билан тиккан маҳсулотларини, бежирим аёллар чопонларини намойиш қилиб, эътирофга сазовор бўлди.

— Уйда тикувчиликдан ташқари, паррандачиликка қўл уриб, товук боқяпмиз, — дейди Шахло Тўраева. — Ҳозирда парваришлайётган броллер товуғимиз сони 700 тадан ошди, яна 10 бош куркамиз ҳам бор. Муҳими, ҳалол меҳнатимиз билан даромад орттириб, кам таъминланганлар рўйхатидан чиқяпмиз. Бунинг учун маҳалламизга, раҳбарларимизга раҳмат!

Таъкидлаш жоизки, туманда ўтган даврда 89 та муаммоли оила қайд этилиб, 53 та ажрим ёқасига келиб қолган оила яраштирилди. Шунингдек, 20 та низоли, 16 та норасмий никоҳда яшаб келаётган оила аъзоларига психологик ва ҳуқуқий маслаҳат берилди. Турмушдаги қийинчиликлар сабабли жиноят йўлига кирган 3 нафар хо-



ДОВОН ИНТИЛГАННИКИ, МЕҲНАТ ҚИЛГАННИКИ БЎЛАДИ

тин-қизни тўғри йўлга қайтариш, уларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатиш, касб-хунарга ўқитиш чора-тадбири белгиланди. Бугун туманда 3 минг 800 нафардан ортиқ ишсиз аёл рўйхатга олинган бўлса, «Аёллар дафтари»га турмуши оғир кечаётган 300 нафардан ортиқ хотин-қиз киритилган. Айни пайтда улардан 150 нафарга яқини доимий иш билан таъминланди.

Меҳнатининг роҳатини кўраётганлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва даромадини ошириш, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бугун ҳудудда 100 дан ортиқ оилавий корхоналар фаолият юритмоқда

— Маҳалламизда 2937 нафар аҳоли 550 та хонадонда истиқомат қилади. 41 та оилавий тадбиркорларимиз асаларичилик, новвойлик, иссиқхона фаолияти билан шуғулланади. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида ёшларни тадбиркорликка жалб қиляпмиз, — дейди

«Чиқирчи» маҳалла раиси Ҳаким Ҳамроев. Шодлик кўчасида истиқомат қилаётган Мизроб Рўзиев хонадонидан ташкил қилинган уч сотихли иссиқхонадаги ҳосил кўзни қувонтиради. Ҳовлининг бир томонида 10 та асалари оиласи қатор турибди.

— Авваллари қурилишда ёлланма меҳнат билан шуғулланардим, — дейди ўз ишидан мамнун ёш тадбиркор Мизроб Рўзиев. — Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон ва қарорларидан хабардорман. Бугун меҳнат қилишга, тадбиркорликка иштиёқи баланд ҳар бир инсонни Юртбошимиздан бошлаб, туман раҳбарияти маҳалла фаолларига барча ҳар томонла-

ма қўллаб-қувватлаётди. Ҳозир сиз хонадонимизда кўриб турганингиз иссиқхона ва асаларичилик фаолиятини охиригича икки ойда йўлга қўйдик. Банкдан 24 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим. Таъминотчи «Пешкў агро хизмат» МЧЖ ишчилари келиб, уч сотихли иссиқхонани қуриб беришди. Ерни тайёрлаб, 700 донна помидор кўчатини ўтқазиб, парваришладик. Меҳнатимиз самараси сифатида ҳосил баракали бўляпти.

Мизроб асаларичилик фаолиятини ҳам кенгайтириб, яна 30 та асалари оиласи парваришига



киришмоқчи, оилалар сонини 40 тага етказмоқчи.

«Чиқирчи» маҳалласи Талисароб кўчасида яшовчи Отабек Шарипов иссиқхонасида стандарт ҳолда етилган помидорлар кўзни қувнатади. Яна 200 туп лимон кўчатлари ҳозир уч ёшда, шу йил илк ҳосил нишонлари кўриниб қолди. Яна икки йилдан сўнг лимондан ҳам яхшигина даромад олинади.

Отабек томорқадан олинган ҳосилдан даромад топиш билан чекланиб қолмай, ўтган йили яна бир тадбиркорлик ишига қўл урди. Банкдан 40 миллион сўм кредит олиб, шлакаблок ишлаб чиқарадиган цехини ташкил қилди. Бугун цехда 2 нафар қишлоқдош ёшлар иш билан таъминланган. Иссиқхонада ҳам уч нафар мавсумий ишчи ишлайди.

Отабекнинг умр йўлдоши Нилуфар Холова ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Оила ҳалол меҳнат ортидан тўқис, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Зеро, «Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз» дея беҳуда таъкидламайди халқимиз. Меҳнат қилган, албатта, унинг роҳатини ҳам кўради.

Ёшлар бандлигини таъминлаш — устувор вазифа

Пешкў тумани аграр соҳага ихтисослаштирилганлиги боис деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳар томонлама шароит яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрсатилаётган эътибор ва амалий ёрдамдан руҳланган ёшлар мамлакатимиз тараққиёти, юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун ўз хиссасини қўшиш мақсадида ташаббус кўрсатиш, шижоат билан меҳнат қилиш масъулиятини ўз зиммасига олишмоқда.

«Ҳар бир ёшга — бир гектар» лойиҳаси доирасида «Садир» маҳалласи ҳудудида ажратиб берилган 10 гектар ерда 35 нафар ёшлар 50 минг донна тут ниҳолларини экиб, улар орасидаги 4 гектар ерга поллиз ва 3 гектар ерга сабзавот ҳамда 0,5 гектар ерга картошка уруғи экишди. Ёш деҳқонлар илк ҳосилни ҳам йиғиб олишди.

«Зандани» маҳалласи ҳудудидан 26 нафар ёшларга деҳқончилик учун 3 гектар ер ажратиб берилди. Шижоатли ёшлар бу ерга 686 донна турли дарахт кўчатларини ўтқазиб, улар орасидаги 2 гектар ерга поллиз, 1 гектар ерга донли экинлар экиб, ҳосил олишди.

Туман ҳокими қарори асосида тумандаги Навоий 2-участка массивида интенсив мевазор ва узумзорлар барпо этиш мақсадида «Пешкў боғи» ишлаб чиқариш кооперативи ташкил қилинди. Мазкур кооперативга туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан 99,5 гектар экин ери ажратилиб, 60 нафар камбағал оила ёшларининг аъзолик бадали учун 133,8 миллион сўмлик субсидия маблағлари ажратилди. Кооператив ташкил этилган ҳудудда сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадида Т-9 Шимолий коллекторига 2 донна насос агрегатини ўрнатиш режалаштирилган. Янги қуриладиган насос орқали интенсив мевазор ва узумзорларни суғориш учун 5 километр узунликдаги лоток тармоқларини қуриш ишлари давом этмоқда.

Ёшларнинг бу каби ташаббуслари натижасида қарийб 56 миллион сўмлик кўшимча қиймат яратилиши кўзда тутилган.



Бугун МДХ ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси ўтказилади.

Эл соғлиги — юрт бойлиги, деган нақл замирида улкан ҳақиқат ётади. Халқнинг саломатлик даражаси талаб даражасидами, демак, бу юртнинг тараққиёт поғонасига олиб чиқувчи омиллардан биридир. Республикамиз миқёсида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг каттагина қисми аҳоли саломатлигини сақлаш билан узвий боғлиқдир. Бу эса республикадаги барча ҳудудлар қаторида Бухоро туманига ҳам дахлдор вазифа ҳисобланади.



ТИББИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА ҚАНДАЙ

ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ?

Туман аҳолиси саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи кўникмасини шакллантириш, тиббий саводхонликни эгаллашга қай даражада эътибор қаратиляпти? Коронавирус инфекцияси оммавий тарқалган жорий йилда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими аҳоли кенг қатламлари саломатлигини муҳофаза қилишга қай даражада ҳисса қўшди? Ана шу саволлар доирасида **туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шукурбек ТОШЕВ** ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.



Аҳоли саломатлиги муҳофаза қилинади

— Давлатимиз раҳбари тиббиёт соҳасидаги барча муаммолар профилактика тизими шаклланмагани оқибатида келиб чиқишини айтади. Касаллик аниқ, аммо унинг келиб чиқиш сабаблари аниқланмай туриб, чала-чулпа, билар-билмас ҳолатда даволашга киришилмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида инфаркт, инсульт, қандли диабет, жигар циррози, артериал гипертония каби касалликлар кўпайишига шарт-шароит яратиб қўяди.

Туманимизда 167 минг 100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу шаҳар типда яшовчилар 15,1 фоиз, қишлоқда турувчилар 84,9 фоизга тўғри келишидан далолат

беради. Мавжуд аҳолига 22 та даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий хизмат кўрсатиляпти. Очиғини айтганда, туман аҳолиси саломатлигини сақлашда профилактика тизимини янгилашимиз зарур. Биламизки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш учун қанчалик эрта ҳаракат қилинса, бари осон кўчади. Охириги йилларда туманимизда аҳоли саломатлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, кексалар ва фахрийларнинг умр кўриш даражасини яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-реабилитация хизматини ташкил қилиш каби энг муҳим йўналишларга бўлинганини таъкидлаш жоиз. Бу жараённи Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими иштирокисиз амалга ошириш мумкин эмас. Туман тиббиёт бишлашмаси аҳоли сони, ёш даражаси, жинси ва бошқа жиҳатларни аниқлашда биз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро туманидаги 36 та маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» шиори остида ўтказилаётган тадбирларга кенг жалб этилган. Мақсад — аҳоли кенг қатламлари орасида янгиланаётган Ўзбекистонга нисбатан янгича тафаккурни шакллантиришдан иборат. Биринчи галда маҳалла фаоллари аҳоли вакиллари тўлиқ хатловдан ўтказиб, ёш

даражасини аниқлашга киришдилар. Бу эса улар билан тиббий йўналиш бўйича қай тарзда иш олиб боришни белгилайди.

Ким, қайси маҳаллада яшаши, ёши, жинсидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро тиббий хизматдан баҳраманд бўлиши, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги керак. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасига кўра: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга». Ана

яшовчилар умумий аҳолининг 84,9 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, бирламчи бўғинда тиббий хизмат кўрсатиш учун бу рақам етарли эмаслиги аён бўлади. Давлат дастурларига кўра, яқин йилларда улар сонини кўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларида тиббий хизмат бир нечта йўналишда ташкил қилинмоқда. Булар орасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсмир қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш, аҳоли тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган буклетлар алоҳида ўрин тутаяди. Туман бўйича ўсмир қизлар 4 минг 221 нафарни ташкил қилаётган бўлса, шундан ҳозирга қадар 3 минг 916 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Турли



шу тамойилга туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу ишнинг тағ-замирида фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишдек эзгу мақсад ётади.

Жорий йилнинг 10 оyi мобайнида туман маҳаллалари аҳолисининг 70 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, пандемия сабабли 40 фоиз (66 минг 840 нафар) фуқарогина бу жараёнга қамраб олинди. Тиббий кўриқ йил охирига қадар давом этади. Қишлоқ оилавий поликлиникалари бу борада асосий кучга айланмоқда.

Бирламчи бўғин — аҳоли хизматида

Бухоро туманида 12 та қишлоқ врачлик пункти ва 8 та қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда. Агар қишлоқда

даражадаги касаллик аниқланган 373 нафари амбулатор шароитда даволанди. Айниқса, «Работак», «Туркон», «Работикалмоқ», «Шергирон», «Новметан», «Гулшанобод» каби маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги қишлоқ оилавий поликлиникалари хизмати элга манзур бўлмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10, ирсий омиллар 15, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Туманимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишда бу жиҳатлар муҳим аҳамият касб этишини тарғиб этишда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамиша ўз ўрнини аниқ белгилаб олишига ишонамиз.

«Mahalla» мухбири
Хулқар КУЗМЕТОВА ёзиб олди.

Мавзуга оид маълумот:

Бухоро туманида рўйхатга олинган биринчи гуруҳ ногиронларидан 179 нафари, иккинчи гуруҳга мансуб 1864 нафарига амалда белгиланган тартиб-қоидага кўра, зарурий даражадаги тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистонда илк маротаба магистрантлар биратўла учта диплом олади.

Бешариқ тумани ўзининг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари билан ажралиб туради. У бир томони кўшни Тожикистон Республикасининг Конибод вилояти билан чегарадош. Ушбу ҳудудга йўлингиз тушса, аҳоли ҳаёт тарзида юз берган ўзига хос ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида янги маҳалла, кўча ва хиёбон, дам олиш масканлари қад ростламоқда. Асосий мақсад — аҳоли фаровонлигини таъминлаш, одамларнинг кундалик ҳаётдан розилик ҳиссини уйғотиш.



ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА?



**Бешариқ тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
Гулчехра ЮЛДАШЕВА** билан

кечган суҳбат мавзуси ана шундай ҳаётбахш ишлар хусусида кечди.

— Туманимизнинг меҳнатсевар, мард одамлари ҳаммаша бунёдкорлик, ташаббускорлик ишларида собитқадам, — дейди **Гулчехра Юлдашева**. — Тилими тилни ёрар Андархон қовунлари, Рапқон боғларида пишиб етилган сархил мевалар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Муҳими, бу ишларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва фаоллари бевосита иштирок этаётганидир. Туманимиздаги 40248 хонадонларда 56721 та оила яшайди. Уларнинг 17583 таси (31 фоизи) ёш оила ҳисобланса, 551 таси кўп болали, 3873 таси кам таъминланган, 2075 таси камбағал, 319 таси боқувчисини йўқотган оилалардир.

— Ҳаёт бор экан, унинг ўзига яраша муаммолари бор. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, шундай. Аҳолининг кундалик яшаш тарзидаги ўзгаришлар уларни ҳаётга янгилик билан қарашга ундамоқда. Кейинги пайтда аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича «маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» тамойили асосида ҳамкорлик тизими жорий этилди. Ўтган қисқа даврда шу тамойил асосида самарали ҳамкорлик тизими йўлга қўйилиб, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк бўлиши амалда таъминланди. Фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги родини кучайтириш, аҳоли муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида 62 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар чоракда туман ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фао-

лияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тизими жорий этилган. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомаларини туман ҳокимлигига юбориш, бу баённомаларнинг ҳисобини юритиш, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш йўлга қўйилди. Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига 2020 йил 9 ойи давомида туман ҳокимлиги томонидан 117 та, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси орқали 456 та ёзма, 1077 та оғзаки ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 95 фоизи ижобий ҳал этилди.

— «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтарини» юритиш бўйича таянч туман сифатида танлаб олинди. Бу ишлар қай жабҳаларда кўринадими?

— Президентимизнинг топшириқлари ижроси юзасидан туманда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Барча маҳаллаларда уйма-уй юриб хатлов ўтказиш мақсадида 8 нафардан, жами 496 нафар аъзолардан иборат ишчи гуруҳлар таркиблари тасдиқланди ҳамда хатлов натижаларининг базага киритилишини назорат қиладиган туман штаб фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам хатлов натижасида тўлдирилган сўровнома-анкеталарни электрон базага киритиш чоралари кўрилди. Хатловда тумандаги 39 593 та хонадонларда яшовчи жами 30 ёшдан ошган 45 580 нафар аёллардан 45 579 нафари сўровномада қатнашди, улар бўйича тегишли сўровнома-анкеталар тўлдирилди. 1 нафари ҳозирги кунда жазони ижро этиш муассасасида бўлганлиги сабабли хатловда иштирок этмади.

Хатлов натижасига кўра, 30 924 нафар аёллар меҳнатга лаёқатли. Хатловдан ўтказилган 12 535 нафар аёллар ишлаш истаги йўқли-

гини билдирган. 30 ёшдан ошган 1623 нафар аёллар тадбиркорлик учун 29 433 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари олиш, 958 нафари касбга ўқиш ва 159 нафари касбга қайта ўқиш истагини билдирган. Шунингдек, 327 нафар аёлларнинг уй-жойга муҳтожлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган хатлов натижалари таҳлили асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда амалга оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Жумладан, «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган «SHERWOOD» ХК томонидан тикувчилик цехини ишга тушириш орқали 200 нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, «Ворух – Дашт» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги фойдаланилмай келинаётган 20 га ер майдонида «Аёллар кооперацияси»ни ташкил этиш, «Қияли» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ун ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

— «Соғлом оила — соғлом жамият» ғояси асосида нотинч ва муаммоли оилаларга қандай манзилли кўмак кўрсатилмоқда?

— Бу масала кундалик иш амалларимизнинг асосини ташкил этади, десам муболаға бўлмайди. Чунки оилани соғломлаштирмай туриб, бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Жойларда «Соғлом оила — соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, оилавий қадриятларни сақлаш ва

ривожлантириш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Шу кунга қадар ажрим ёқасига келиб қолган 116 нафар оиланинг 110 нафари яраштирилди.

Туман ФХДЁ бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигидаги тарғибот ишлари амалга оширилди, юздан ортиқ оилаларнинг никоҳи расмийлаштирилди.

Маҳаллалардаги нотинч, муросага келолмаётган оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бирига ҳудудлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, имом-хатиб ва отиноийлар бириктирилди. Ушбу тоифадаги оилалардан манзилли хабар олинди, нотинчлик сабаблари ўрганилди ва уларни бартараф қилиш чоралари кўрилиши натижасида ажрим ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 тага камайган.

Лекин айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси фаолияти самарали ташкил этилмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу боис 17 та маҳаллада ажрим ҳолатлари ошиб кетган. Бу жойларда бажарилган ишлардан кўра бажарилмагани кўплигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, «Қизлар саломатлик марказлари», «Аёллар маслаҳатхоналари» билан ҳамкорликни янада яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида ўсмир-қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар билан давра суҳбатлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Хулоса ўрнида айтганда, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ бўлган иш кўлами шунчалик кўпки, уни бир суҳбатга жойлаб бўлмайди. Чунки ҳар бир оиланинг кундалик ҳаёт тарзидаги ҳар бир ўзгариш ва янгиликни маҳалла билан боғлиқ.

Суҳбатдош: Расул КАМОЛ «Mahalla»



Ўзбекистон Россияга коронавирусга қарши вакцинани биргаликда ишлаб чиқариш таклифи билан чиқди.

ҲАММА ИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ, ФАҚАТ СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғинлари иш самарадорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошири-лаётган ислохотлар кўла-ми кундан-кунга кен-гайиб бормоқда. Бугун маҳалла кириб бормаган хонадон, соҳа қолмади, десак, муболаға бўлмай-ди. Олтиариқ тумани ҳокими ўринбосари,

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Қудратилло Тўйчиев

ЧИЕВ билан кечган суҳбатимиз жойларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ечимига қаратилди.

— Кўҳна маскан ҳақида гап кетганда, бу юртининг узумчилик соҳасидаги амалий иш тажрибаси муҳим ҳисобланади, — дейди **Қудратилло Тўйчиев**. — Кейинги уч йилда туманимизда узумчилик тармоқларини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида катта тажриба тўпланди. Хусусан, туманда ўтган йили 300 гектар, жорий йилда 1350 гектар ерда узум плантациялари ташкил этилди. 2021 йилда 1600 гектар майдонда узумзор боғлар барпо этиш мақсадида ишлаб чиқилган бизнес-лойиҳалар тасдиқланди.

2019 йили туманда 47 минг тоннадан ортиқ узум етиштирилиб, унинг 65 фоизи Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Бирлашган Араб Амирликлари давлатларига экспорт қилинди. Туманининг умумий экспорт кўрсаткичида узумнинг улуши ўртача 40-45 фоизни ташкил этди. Бу йил 50 минг тоннадан зиёд ҳосил олиш, экспорт географиясини янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, тадбиркор Абдурахмонов Олтиариқ узумини араб мамлакатларига экспорт қилишни йўлга қўйиш ҳаракатида юрган бўлса, Исақжон Бойматов Ҳиндистондан олиб келган узум



навини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш ниятида.

Айни пайтда туманда кишмиш, майизбоп узум навларини экишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугун туманда мева-сабзавот сақлашга ихтисослашган 60 минг тонна сиғимли 70 та музлаткичли омборхоналар бор. Соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

— **Ободлик бор жойда файз-барака, ривожланиш бўлади. Бу борада туман маҳалла фуқаролар йиғинларида қандай ташаббуслар илгари сурилмоқда?**

— Туманимиздаги 72 та маҳалла фуқаролар йиғинида сентябрь ойига қадар жами 6480 та, шундан 6286 та хонадон ва кўп қаватли уйларда яшовчи 194 та хонадонни кўп қаватли хонадонларни таъмирлаш режалаштирилган. Шу кунга қадар 6280 та ҳовли уйлар, 194 та кўп қаватли уйлар таъмирланди. Бундан уй-жойларнинг том, олди, ички хоналар, деворларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 1034 та тандирлар, 605 та молхона ва кўйхоналар, 484 та товухона таъмирланди. 616 та кўчалар намунавий ҳолатга келтирилди. 34 та қабристон ва 10 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Мавжуд дарахларга шакл берилди, ариқ ва лотоклар тозаланди, 626 та тунги ёриткичлар қўйилди, 25 та кўчаларга оқова сув олиб келинди.

— **Саховат ва кўмак кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Бу ишларда олтиариқлик саховатпеша кишилар ҳам четда тургани йўқ.**

— Дарҳақиқат, шундай. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги «Саховат ва кўмак»

жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида очилган «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисоб варағига жами 309.5 млн. сўм маблағ келиб тушган бўлиб, бугунги кунда шу маблағлар 2580 нафар фуқарога кунлик эҳтиёж учун манзилли етказилди. Улардан 1472 нафарини ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп фарзандли оилалар, 395 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар, 84 нафарини ёлғиз қариялар, 291 нафарини ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган шахслар ташкил этди. Бундан ташқари, Рамазон ҳайити муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 76,8 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари 1200 та кам таъминланган оилаларга етказиб берилди. «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан шу кунга қадар «темир дафтар»га тушмаган 82 нафар муҳтож, ишсиз оилаларга 8 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

— **Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги иш кўламларига ҳам тўхталсангиз.**

— Ўтган давр мобайнида ўтказилган ўрганишлар натижасида 3800 нафар ишлаш истагини билдирган хотин-қизлар аниқланиб, 1332 нафарининг бандлиги таъминланди. 11 ой давомида 1352 нафар ишсиз хотин-қизлар ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этилди. 1116 нафарининг мавсумий ва бошқа турли йўналишлардаги ишлар бўйича бандлиги таъминланди. 11 ой давомида 289 нафар хотин-қизлар Бандликка кўмаклашиш маркази ва вилоят «Тадбиркор аёл» маркази томонидан ўқитилиб, сертификатлар берилди. Ишсиз аёллар шароити ўрганилганда, улардан 784 нафари ижтимоий оғир аҳволдаги ишсиз хотин-қизлар эканлиги қайд этилган эди. Шулардан 444 тасининг бандлиги таъминланди.

Йил охирига қадар барча ҳудудлар бўйича ижтимоий оғир аҳволдаги 35 нафар хотин-қизлар касбга қайта ўқитилади.

Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 40 та лойиҳаларга 512 млн. сўм кредитлар ажратилиши режалаштирилди. «Хунармандчиликни ривожлантириш дастури» доирасида «Агробанк»дан ва «Халқ банки»дан 46 нафар аёлларга лойиҳалари бўйича кредитлар ажратилди. «Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар» кўшма дастури асосида туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан рўйхатга олинган оғир ижтимоий шароитда яшаётган 61 нафар ишсиз бўлган хотин-қизни тумандаги мавжуд бўш иш ўринларига жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиш истагида бўлган 57 нафар хотин-қизга кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

— **Маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалалар хусусида ҳам сўз юритсангиз.**

— Асосий масала, эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ. Шу кунга қадар оилавий ажралишларнинг олдини олиш юзасидан ҳамкор ташкилотлар, фуқаролик суди ҳамда ФХДЁ бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда кўшма дастур ишлаб чиқилди. Дастур доирасида тумандаги нотинч оилалар базаси яратилди. Қайсики оиланинг иқтисодий аҳволи танг бўлса, ўша оилада нотинчлик, ажралишлар юз беради. Шунинг назарда тутган ҳолда базага киририлган 79 та нотинч оилалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўрганилиб, уларни юмшатиш чора-тадбирлари белгиланди. Ўтган 10 ой давомида 118 та оилавий ажралишлар қайд этилди. Айниқса, ёш оилалар ўртасида ажралишлар кўпаймоқда. Ана шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида никоҳ ёшидаги йигит ва қизлар билан ишловчи «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари» иш олиб бормоқда. Келгусида «Бўлажак келин-куёвлар мактаби»ни туман миқёсида ташкил этиш ниятидамыз.

Суҳбатдош: Расул КАМОЛ «Mahalla»



Ўзбек астроном олими Бобомурод Аҳмедов Ислон дунёси фанлар академияси аъзоси бўлди.

ТОМОРҚА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЕЧИМИ БЎЛАДИМИ?

Кадим-қадимдан Фарғона зироатчилик гуллаб-яшнаган воҳа бўлиб келган. Водий халқи ҳовлисида бўйрадеккина жой бўлса ҳам, нимадир экиб, ҳосилдан рўзфорининг каму кўстини бутлайди. Вилятининг қайси туманига борсангиз ҳам шиғил-шиғил ҳосилга кирган боғ-роғларни, иссиқхоналарни кўрасиз. Олтиариқ бодринги ва турпи билан тилга тушган бўлса, Кува анори, Данғара эса узуми билан машҳур. Қўштепаликлар эса мева-сабзавотнинг барча турларини етиштириб, халқимиз дастурхонига армуғон этиб келмоқда.



Зоҳиджон КОМИЛОВ,
Қўштепа тумани ҳоқими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ҳар бир сектор — ҳаракатда

Юртимиздаги барча туманлар сингари Қўштепада ҳам сектор тизими йўлга қўйилди. Туман ҳоқими, прокурори, ички ишлар бўлими бошлиғи, давлат солиқ инспекцияси раҳбари бошчилигидаги ҳар бир сектор давлат миқёсида қўйилаётган муҳим вазифа — томорқачиликни ривожлантиришда ўз ўрнини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилмоқда. Мавжуд 51 та маҳаллага 35 минг 574 та хонадон тўғри келади.

Сектор раҳбарлари маҳаллаларга тез-тез чиқиб, ҳар бир оиланинг имкониятларини чамалаб кўришади ва зарурий маслаҳатларини беришади. Ота-боболаримиз нақл қилганидек, «Ерни боқсак, у ҳам бизни боқади». Астойдил тер тўққан кишига она замин қўшқўллаб ўз неъматини беради. Вазирлар Маҳкамасининг «Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари, ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори жорий йил 30 январдан кучга киргач, барча маҳаллаларимизда мева-сабзавот турларини етиштириш оммавий ҳаракатга айланиб кетди.

Сектор раҳбарлари эса туман ҳоқимининг 10 февралда қабул қилган қарорига мувофиқ, ўзларига бириктирилган маҳаллаларда экин экиш прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқишди. 1 минг 648 гектар майдонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларидан мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олинди.

24 фоизи экспортга

Ерга уруғ қадаган, боғ яратган киши борки, унинг даромадига кўз тикади. Бунга уй таъмирлашни, тўй қилишни, машина харид қилишни, ҳаж зиёратига боришни, фарзандининг ўқишига тўлов-контракт қилишни мўлжаллайди. Етиштирилган мева-сабзавот турлари ички бозорда улгуржи нархга арзонроқ нархда кетса, ташқи бозорга экспортбоп бўлиши керак. Яъни сархил, сифатли, витаминга бой маҳсулот четга экспорт қилинса, бу нафақат Қўштепа тумани деҳқонларига, балки бутун Ўзбекистонга шон-шараф келтирадиган ҳодисага айланади.

Жорий йилда эпидемиологик вазият ҳукм суришига қарамай, туманимиз маҳаллаларида томорқачилик, боғдорчилик анча ривожланди. Эртанги экилган экинлардан 18 минг 302 тонна сабзавот, 718 тонна полиз, 195 тонна дуккакли дон, 55 тонна мойли экинлар, 4 минг 15 тонна мева ва 23 минг 350 тонна узум етиштирилди. Маҳсулотнинг 24 фоизи, яъни 16 минг 34 тоннаси экспортга чиқарилган

бўлса, 50 минг 773 тонналик она замин неъматини ички бозорда ўз халқимизга тортиқ этдик.

Экспортга жўнатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти дунё миқёсида қабул қилинган стандартларга жавоб бериши керак. Бунинг учун мева-сабзавот уруғидан тортиб, уни то истеъмол даражасига етказгунча бўлган ҳар бир жараёнда ана шу талабларга эътибор қаратилади. Туманимизнинг «Эшонгузар», «Баландмасжид», «Сармозор», «Қўмтепа», «Қамиштепа», «Қизилариқ», «Катта болтақўл», «Ватан», «Бўстон» ва «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинлари, асосан, узумчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, маҳсулот Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. «Йўлдошбод», «Оқтепа», «Қайрағоч», «Халқобод» каби маҳаллаларда етиштирилаётган сабзавот хиллари ҳам кўшни давлатларга жўнатиляпти. «Даромадга яраша — буромад» деганларидек, деҳқончилик билан шуғулланиш туфайли аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам ошиб бормоқда.

Камбағал оилалар қўллаб-қувватланади

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани моддий қийинчиликдан фақат томорқани ривожлантириш орқалигина олиб чиқиш мумкин. Бир-икки марталик пул ёки озиқ-овқат бериш билан ночор оиланинг фаровонлигини таъминлай олмаймиз. Ҳаракатда — баракот. Интилган одам йўқдан бор қилади.

Туманимизда камбағал оилалар рўйхати шакллантирилган. Улар учун «темир дафтар» ҳам юритилмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан фақат боғ-роғ қилиш, экин экиш орқалигина камбағал оилаларнинг

аҳволини ўнглаш мумкинлиги тарғиб этиляпти. «Қўштепа томорқа хизмати» МЧЖнинг савоб иши ҳам айнан ана шу мақсадга йўналтирилди. Туман ҳоқими фармойишига асосан, маҳаллий бюджетдан 10 млн. сўм кам таъминланган оилаларга сабзавот кўчатлари тарқатиш учун ажратилди. 350 та кам таъминланган оилага 49 минг 200 дона сабзавот кўчати ана шу тадбиркорлик субъекти томонидан тортиқ қилинди.

Кооператив ташаббусига кенг йўл!

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда дунё давлатлари тажрибаси туманимизга ҳам кириб келмоқда. Кластер ва кооператив шаклида иш юритиш деҳқон зотини замон талабларига кўра янгича ишлашга ундаяпти. «Иқболжон умидли ери» кооперативи ташкил этилгач, туман ҳоқимининг тегишли қарори билан «Солижонобод» маҳалласи худудидан 13,58 гектар ер майдони ажратилди. 50 нафар фуқарога ажратиб берилган 0,20 гектар ер майдонларида картошка, сабзи, булғор қалампери, помидор каби сабзавот турлари етиштирилди.

Бундан ташқари, баҳорда экилган тарвуз, қовун, ошқовоқдан ҳам мўл-кўл ҳосил олинди, бозорга чиқарилди. Экспорт талабларига жавоб берадиган она замин неъматларини хорижий давлатларга чиқариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. «Иқболжон умидли ери» кооперативи аъзоларининг ўртача ойлик маоши 2,1-3 млн. сўмга тўғри келмоқда. Келаси йили ушбу кооператив ўз иш доирасини янада кенгайтириб, кўпроқ даромад топишни ният қилиб турибди.

Қўштепанинг иқлими, тупроғи ва суви деҳқончилик билан шуғулланиш учун жуда қулай. Ер ўз бағрини очиб турса, халқимиз меҳнатдан қочмайди. Тер тўққан инсон зоти борки, бунинг баракасига эришади. Пандемия балоси ҳукм сурса-да, элимиз мавжуд имкониятларга таяниб, хирмон-хирмон ҳосил олди. Баракасини берсин! Кейинги йилда эса мўлжални янада каттароқ олиш ниятимиз бор.

“ Мавзуга оид маълумот:

Жорий йилда Қўштепа туманининг 270 та хонадони енгил конструкцияли ўз иссиқхонасига эга бўлиб, бунинг натижасида 300 нафардан зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Ўзбекистонда коронавирусдан соғайиш
кўрсаткичи 97 фоизга етди.

Чиройли номидан кўриниб турибдики, Бахмал — ажойиб, хушманзара табиатга эга маскан. Бу ерлик одамларнинг қалби ҳам ана шу гўзалликдан улгу олган. Танти, меҳнаткаш, бағрикенг, самимий, мард, шижоатли... Уларни таърифлаш учун яна кўп сифатларни келтириш мумкин. Энг асосийси, ана шундай инсонлари сабаб туманимиз бугунги кунда янгиликлар, ўзгаришлар оғушида. Буни ҳар бир қадамда сезишингиз мумкин.



ОИЛАВИЙ ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЛОЗИМ



Бегзод МИРЗАБЕКОВ,
Бахмал тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ўзгаришларни янада жадаллаштириш, гўзал ҳаёт барпо этиш учун одамларни жипслаштириш, бошини бириктириб эзгу мақсадларни самарали ва муваффақиятли амалга ошириш сари ундаш, руҳлантириш энг муҳим вазифадир. Бу ишни ким бажаради? Албатта, биринчи ўринда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллалар бу борада етакчи куч ҳисобланади. Чунки маҳаллагина ўз худудида яшаётган ҳар бир инсоннинг қувончу ташвишидан яхши хабардор.

Муносиб шароит фаолият самарадорлигига хизмат қилмоқда

Айни кунда маҳаллалар зиммасига катта вазифалар юклангани, уларнинг фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Хусусан, бизнинг туманимизда ҳам мазкур йўналишда жиддий қадамлар қўйилмоқда. Маҳаллалардан иш талаб қилишдан аввал уларга шароит яратиб берилаётгани энг оқилона ишдир. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-

ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида маҳаллий бюджетнинг ошириб бажарилган маблағлари ҳисобидан сарфланган 642 млн. сўмлик маблағ эвазига туманда 17 та хонадан иборат барча қулайликларга эга бўлган замонавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида «Маҳалла маркази» мажмуаси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мажмуа зарур мебеллар жамланмаси, компьютер техникалари билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ходимлари яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, иш фаолиятини самарали ташкил этишга аҳамият қаратишяпти.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатларга кўра, туманда 2020 йил 15 апрелда 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Дастурга мувофиқ «Ғаллақон», «Янгибоғ», «Бунёдкор» ва «Ўрмончи» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари тадбиркорлар томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Саховат ва кўмак» ҳаракати доирасида жонбозлик кўрсатилди

Маълумки, пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда маҳаллалар асосий ўринда турди. Бунда биринчи эътибор моддий ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёлғиз кексалар ва шу каби кам таъминланган қатлам вакиллари қаратилди. Аввало, уйма-уй юриб ўрганишлар натижасида ушбу тоифадаги инсонлар аниқланди. Албатта, маҳалла фаолларининг жонбозлиги, туну кун тиним билмасликлари эвазига давлатимиз ва ҳомийлар томонидан ажратилган кўмаклар ўз манзилларига

етказилди. Амалга оширилган ишларни рақамлар кўринишида ифодаласак, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 6250 та эҳтиёжманд оилага, жами 3 млрд. 414 млн. 932 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» шакллантирилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида маҳаллаларда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари жорий қилинаётгани ижтимоий муҳофазага муҳтож



аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлашда айни муддао бўлмоқда.

Туманимизда октябрь ойидан бошлаб, фуқаролар йиғинларида 4 тадан кичик ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Ушбу ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир маҳаллада ҳудудлар бўлиб олинди ва анкета сўровномаларини тўлдириниш ўтказилмоқда. Бугунги кунга қадар туманда мавжуд жами 24 585 та хонадондан 21 389 таси, яъни 87 фоизи ўрганиб чиқилди.

Дастлабки маълумотларга асосан, ўрганилган хонадонларда 18-30 ёшгача бўлган ёшлар сони 35 621 нафар, 30 ёшдан юқори бўлган аёллар сони 25 955 нафарни ташкил этади. Аёллар орасидан 7786 нафарининг оилавий аҳоли яхши, 10382 нафариники қоникарли, 6671 нафариники қоникарсиз деб топилган, 1116 нафари «темир дафтар»га киритилган. Шунингдек, уларнинг бандлик ҳолати ва таълимий маълумотлари аниқланди. Ҳозирда ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Оғир ижтимоий шароитга тушиб қолган 448 нафар ишсиз аёллар рўйхати шакллантирилиб, шундан 427 нафари ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари 10 нафар шу тоифадаги аёлларга имтиёзли уй-жойлар олиш учун субсидиялар ажратилди, 55 та уй-жойи таъмирга муҳтож, кам таъминланган оилаларга 248 млн. 300 минг сўмлик қурилиш материаллари берилди.

Куч — бирдамликда

Ушбу ўрганишлардан келиб чиқиб, бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Биринчидан, туманимизда оилавий психолог хизматини йўлга қўйиш лозим. Айни пайтда ҳар бир маҳаллада аёлларга психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этиш яхши самара беради. Шунингдек, улар билан психологлар, раҳбар аёллар иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар уюштиришни кўпайтириш зарур.

Иккинчидан эса, ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш учун ҳудудий жойлашуви ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга ўргатиш ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан илғор ва намунали тадбиркорлар билан доимий учрашувлар ҳамда кичик ишлаб чиқариш технологиялари кўрғазмаларини уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Нима бўлганда ҳам, маҳалла ўз худудида яшаётган аҳолининг муаммоларини ечиш, уларга зарур кўмак беришга доимо шай бўлиши керак. Бу эса маҳалла фаолларидан, биринчи навбатда, аҳоли билан ишлаш, уларнинг ичига кириб бориш, жипсликда бир-бирига елкадош бўлиш ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш орқали шундай муҳитни яратишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Энг муҳими, аҳолининг маҳаллани энг ишонган суянчи ва таянчи деб ҳис қилишига эришиш йўлида саъй-ҳаракатларимизни кучайтирсак, ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни том маънода амалга оширган бўламиз.



Давлат активларини бошқариш агентлиги коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро сертификатни қўлга киритди.

ТИЗИМДА ЎЗГАРИШЛАР КАТТА, БИРОҚ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФАЛАР ҲАМ КЎП

Маҳалла деганда, аҳиллик, тотувлик, жипслик, бирдамлик муҳити кўз олдимизга келади. Зеро, бундай шароитда ҳар қандай муаммони ҳал қилиш имкони бўлади. Қолаверса, юртимизда юз кўрсатаётган ободлик, бунёдкорлик, тинчлик-осойишталик, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга маҳаллалар муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш мумкин эмас.



Шарофат САФАРОВА,
Ғаллаорол тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ғаллаорол туманидаги маҳаллалар фаолларининг жонбозликлари туфайли бугунги кунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Дарҳақиқат, бу йил маҳалла тизимида туб ўзгаришлар юз бериб, соҳа вакиллари зиммасига бир қатор кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юклангани қизғин фаолият олиб боришимизга сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда туманимизда 41059 та оиладан 11364 таси эҳтиёжманд оилалар сифатида «темир дафтар»га киритилган.

«Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!»

Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини жорий қилиш ишлари туманимизда намунали тарзда амалга оширилмоқда. Халқимиз ободлик, саришталликни хуш куради. Ўзи яшаб турган жойни гуллаб-яшнашига иштиёқи баланд. Шу боис ушбу юмушларга ундовчи «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори барчанинг қалбида акс-садо бермоқда, шу даъват остида қатор ишлар

амалга ошириляпти. Айни пайтда туман ҳокимлиги, халқ депутатлари туман кенгаши аъзолари, ташкилотлардан фуқаролар йиғинларига бириктирилган масъуллар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан бу борада аҳолига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, 1792 та хонадон тартибга келтирилди, 13450 таси таъмирланди, 514 тасида такрорий экин экиш ишлари бажарилди, 965 тасининг томорқасига ишлов берилди ва ҳоказо.

Мисол учун, Мулкуш қишлоқ фуқаролар йиғини Муллабулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Замира Норматова оиласи яшаётган уйни сувоқ қилиш, эшик ва дераза ромларини янгилаш, тандирхона ва ўчоқларининг устки қисмини ёпишга амалий ёрдам берилди. Шунингдек, Қашқабuloқ қишлоқ фуқаролар йиғини Обуз қишлоғида жойлашган эҳтиёжманд ва кам таъминланган оила — Қизларсора Қоржовова уйининг ташқи томони оқланди, Лариса Бобонованинг уй-эшик ромлари янгисига алмаштирилди, Хўжааҳмад Эшбековнинг уйи қайтадан қурилди.

Бундай ёрдам «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини Ю.Бегимкулов кўчасида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд, ёлғиз яшовчи Насиба Қувондиқовага ҳам кўрсатилди. Ишсиз аёл яшаётган уй атрофи сувоқ қилинди, тандирхона ва ўчоқларининг устки қисмига навес ўрнатилди. «Аламли» маҳалла фуқаролар йиғини А.Қодирий кўчаси 44-уйда яшовчи Искандар Мамарасуловнинг ҳам уй-жойи, ошхонаси сувоқ қилиниб, кўча томони деворлари оқлаб берилди.

Шу билан бирга, «Самарқанд» маҳалласи Меъмор кўчаси 28-уйда яшовчи, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оила вакили, 2 нафар фарзандли Зулайхо Холиқназарова, Маржонбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини «Ўзбекотин-2»

маҳалласида яшовчи Нодира Бўтаева ҳамда «Сарбозор» маҳалласи Сарбозор-2 қишлоғида яшовчи Яхшигул Йўлдошевага эҳтиёжманд оила бўлганлиги учун уй-жойини таъмирлаш, ҳовлисини тартибга келтириш масаласида кўмак кўрсатилди.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилалар хонадонларида «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» шиори остида ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб бориш йўналишида 579 та тадбир ўтказилди.

Томорқачилик оммалаштириляпти

Неча йилдирки, айниқса, қишлоқларда ишсизлик муаммоси одамларни қийнаб келади. Шу сабабли бошқа давлатларга иш излаб кетаётган ҳамюртларимиз кўпчиликти ташкил қилиши, улар орасида хотин-қизларнинг сони ҳам ортиб бораётгани ташвишли ҳолатдир. Бунда кўплаб омиллари келтириш мумкин, лекин бор имкониятлардан фойдаланилмаётгани ҳам ҳақиқат. Хусусан, томорқа масаласини олайлик. Айни кунда туманимизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилган бўлиб, аҳолига томорқалардан самарали фойдаланишларида ёрдам берилмоқда.

Мисол учун, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган хонадонларга енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, кўчатлар ва суғориш воситалари хариди учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 139 та аҳоли хонадонларига 243,7 млн. сўм субсидия тўлаб берилди. Жумладан, иссиқхона ўрнатиш учун 60 та хонадонга 165,0 млн. сўм, уруғлик ва кўчат сотиб олиш учун 5 та хонадонга 6,9 млн. сўм, суғориш воситаси сотиб олиш учун 74 та хонадонга 71,8 млн. сўм ажратилди.

Шунингдек, 519 нафар хотин-

қизлар ташкилот ва корхоналардаги бўш иш ўринларига, 29 нафари квота ўринларига жойлаштирилди. Қолаверса, жорий йил бошида оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида 2020 йил дастурига жами 36 нафар хотин-қизлар рўйхати шакллантирилган бўлса, шу кунгача улардан 34 нафари ишли бўлишди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, жамоат ишларига жалб қилиш ҳам кўплаб фуқароларни иш билан таъминлаш имконини беради. Жорий йилнинг апрель-июль ойларида туманимизда 2784 нафар кишининг шу йўл билан банд қилиниши ва уларга 2065,0 млн. сўмлик маблағлар иш ҳақи тўлови учун йўналтирилгани фикримиз тасдиғидир.

Ижобий натижалар кафолати

Бандлик масаласининг ечими кўп томонлама тадбиркорлик соҳаси ривожини билан чамбарчас боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Боиси, тадбиркор киши ўз оиласининг даромад манбаини йўлга қўйиш билан бирга, бошқаларни ҳам ишли қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда туманимизда аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бу юмушга қўл ураётган инсонларни қўллаб-қувватлаш диққат марказида. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 302 та оилага 3,5 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, уй шароитида оилавий тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш орқали бандлиги таъминланди.

Айниқса, хотин-қизларга бу борада яратилаётган имкониятлар эътиборга сазовор. Бугунги кунга келиб жами 2670 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 130 нафар аёл тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб фаолият олиб боришаётган бўлса, 145 нафари хунармандчилик йўналишида ишни йўлга қўйишган. Жумладан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 59 нафар хотин-қизларга субсидиялар ажратилди ҳамда ушбу мақсадлар учун 83.800 млн. сўм маблағ сарфланди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла тизими вакиллари, фуқаролар йиғинлари ходимларининг фаолияти самарали йўлга қўйилиши соҳада ижобий натижалар қўлга киритилишини кафолатлаш билан бирга, аҳоли учун ҳар томонлама манфаатли ишларни амалга ошириш имконини яратмоқда.



Арнасой тумани бугунги кунда туризм салоҳияти билан меҳмонларни ўзига жалб қилмоқда. Биламизки, туризм дунёда энг сердаромад соҳалардан бўлиб, ҳудуднинг ривожланишига катта ёрдам беради.

Фидойилик фаолиятимиз



МЕЗОНИ БЎЛМОҒИ КЕРАК



Гулзода ХАЙДАРОВА,
Арнасой тумани ҳоқими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Бир қарашда чўл ҳудуди бўлиб туюлувчи Арнасой нимаси билан сайёҳлар эътиборини тортиши мумкин, деган савол уйғониши табиий. Лекин ҳозирги даврда дунёда экотуризм йўналишига қизиқиши ошганини ҳисобга олсак, туманимизда бу имконият ортиғи билан бор. Шу маънода яқинда ишга туширилган «Айдар-Арнасой» замонавий кемпинглар мажмуаси бу борада яққол тасаввур беради. «Наврўз» аҳоли пункти яқинида замонавий стандартларга мос равишда қад кўтарган ушбу маскан 20 ўринли барча қулайликларга эга кемпинглар мажмуаси, жонли табиатни яқиндан кузатиш имконини берувчи ов машғулотлари, тоза ҳавода от ва туяларда сайр қилиш каби қатор қизиқарли саёҳатларни ўзида мужассам этган.

Айтиш жоизки, туманимиз бошқа соҳаларда ҳам илғорликка интилоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, sanoat ривожини билан боғлиқ кўрсаткичларимиз ошмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, муаммоларини тизимли равишда ҳал этишда кўмак бериш, улар учун кенг қулайлик ва шароитлар яратиш биринчи даражали масалага айланган. Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллаларнинг мақомини ошириш, фаолиятини кучайтириш масаласига катта эътибор қаратилаётгани бу соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш имконини бермоқда.

Оғир вазиятда беминнат кўмакчига айландик

Коронавирус пандемияси шароитида бу борадаги фаолиятимиз жиддий синовдан ўтди. Қатъий карантин чекловлари жорий этилган даврда маҳалла фаоллари кунутун тиним билишмади, десак муболаға эмас. Ҳудудда яшовчи ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиш, кам таъминланган, эҳтиёжманд қатлам вакиллари аниқлаш ва уларга зарур кўмак бериш, ёрдам сўраб мурожаат қилган инсонларнинг муаммоларини ҳал этиш кўп вақт ва ҳаракатни талаб этди. Бу даврда амалга оширилган ишларнинг салмоғига назар ташлайдиган бўлсак, туман бўлимига «1197» қисқа рақамли ишонч телефони орқали апрель-май ойлари давомида 334 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар юзасидан Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди томонидан жами 20 млн. 244 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиниб фуқаролар йиғинлари орқали ўз эгаларига етказилди.

Бундан ташқари, Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғини Қозғистон кўчасида яшовчи эҳтиёжманд, ногирон фуқаро Нуриддин Болтаев хонадонига юзага келган коммунал тўловлар, яъни электр энергиядан қарздорликни бартараф этиш учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 млн. 218 минг 881 сўм маблағ туман электр тармоқлари корхонасига ўтказилди. «Ғолиблар» маҳалла фуқаролар йиғини «Самарқанд» кўчаси 2-уй 8-хонадонда истиқомат қилувчи эҳтиёжманд фуқаро Феруза Жўраевага ҳам шундай кўмак берилиб, электр энергиясидан қарздорлигини қоплаш учун 550 минг сўм тўлаб берилди.

Хайрли ишлардан яна бири — соғлиғида муаммо бор эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериш ҳам доимий эътиборда бўлди. Жумладан, Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини Ғафур Ғулом кўчаси рақамсиз уйда истиқомат

қилувчи фуқаро Жасмина Рўзиевага жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 млн. сўм ажратилишига ёрдам берилди.

Бандлик — ижтимоий фаоллик демек

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уйма-уй юриш тизими орқали қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йил март ойида 48 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилган бўлса, ўтган даврда 26 нафари ўз соҳаси бўйича, 19 нафари жамоатчилик асосида ишларга, 1 нафари туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира вазифасига ишга жойлаштирилди. Шунингдек, Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини Халқлар дўстлиги кўчасида ташкил этилган «Арнасой барака чеварлари» тикувчилик мажмуасида 100 нафар ҳамда мажмуанинг «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ишга туширилган кичик филиалида 80 нафар хотин-қизлар ишли бўлишди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кредит олиш истагида бўлган 12 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Қолаверса, туман аҳолини бандликка кўмаклашиш маркази томонидан июль ойида 41 нафар ишсиз хотин-қизлар тикувчилик йўналишида ўқитилди.

Барча маҳаллаларимизда жорий этилган «Аёллар дафтари» асосида 392 нафар ишсиз аёллар рўйхати шакллантирилган бўлса, қисқа вақт ичида улардан 32 нафарининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда бу йўналишда ишлар давом эттириляпти.

Бошпанали инсонгина чинакам бахтни ҳис қилади

Ўзбек ҳамиша уй қуриш орзусида яшайди, шунга интилади. Аммо

кам таъминланган оилалар учун бу юмуш катта қийинчилик туғдириши тайин. Айниқса, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган, ёлғиз аёллар орасида ўз уйига эга бўлмаганлар ёки хонадони жиддий таъмирталаб аҳволга келиб қолганлар кўп учрайди. Уларни бундай шароитда ташлаб қўйиш эса инсонгарчиликдан эмас. Шунга мувофиқ, туманимизда бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Кенгаши, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, Жиззах вилоят ҳокимининг Арнасой туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастурига асосан жорий йилда 18 та уй-жой таъмирига муҳтож оилга 102 млн. 488 минг сўмлик қурилиш моллари тарқатилди.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан 8 та хонадон уй-жойининг том қисми таъмир талаблиги учун 500 дона шифер маҳсулотлари берилди. 2020 йилда дастурга киритилган уй-жойга муҳтож 3 нафар хотин-қизлар, яъни Чинобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2-гуруҳ ногирони бўлган фуқаро Сурайё Мамирова, Ғолиблар шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи 2 нафар фарзанди бор, бир нафари болаликдан ногиронлиги бўлган, боқувчиси йўқ Феруза Мавлонова ва 2 нафар вояга етмаган фарзанд тарбиялаётган турмуш ўртоғи вафот этган Феруза Ядгароваларга Ш.Рашидов туманидан уй-жой ажратилиб, ипотека кредитлари учун бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Инсон кўмакка муҳтож бўлиб қолганида кимдандир мадад кутади. Бундай вазиятда маҳалланинг беминнат кўмаги халқимизга ҳамиша асқатиб келган. Кимда-ким қийин аҳволга тушиб қолса, дардини маҳалла билан бўлишади. Шу маънода маҳалла аҳлининг бошини қовуштириб турадиган, керак бўлса уларга ёрдам кўрсатадиган фаолларнинг саъй-ҳаракатлари қанчалар савобга бой эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Айни шу нарса тизимимиз вакиллари янада ғайрат-шижоат, фидойилик билан фаолият кўрсатишга ундамоқда.



Ижтимоий ҳимоя тизимини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Якунланаётган йил бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам катта синов даври бўлди. Жумладан, гурланликлар учун ҳам йил мураккаб ўтди. Коронавирус пандемияси ҳаётимизда аввал кузатилмаган, янги муаммоларни юзага келтирди. Айрим камчиликларимиз, хатоларимизни очиб ташлади. Шунга қарамай, Президентимизнинг қатъий позицияси, олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юз бериши мумкин бўлган инқирозларнинг олдини олишга эришилди.



ОБОДЛИК КЎНГЛИМИЗДАН БОШЛАНИБ, КЎЧАМИЗДА АКС ЭТАДИ



Рустамжон ДЎСИМОВ,
Гурлан тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қў-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ҳимоя мустаҳкам бўлиши керак

Жорий йил, айниқса, маҳалла тизими ходимларидан ўзига хос фаоллик, фидойиликни талаб қилгани ҳам рост. Зеро, карантин шароитида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кекса ва ногиронларни мустаҳкам ҳимоя қилиш айнан бизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифалардан саналади.

Бу даврда кекса ва фахрийларнинг саломатлигини сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Зеро, туманимизда 1 минг 176 нафар ногиронлиги бўлган кексалар истиқомат қилади. Уларнинг 12 нафари яқка-ёлғиз яшайди. Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар сони 5 нафарни ташкил қилади. Бундай инсонларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб турилди. Туман ҳокимлиги, ҳудудимиздаги йирик ташкилотлар, маҳалла раислари кексаларимизни ёлғизлатиб қўйишмади. Дори-дармон, гигиена воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлади.

Яқка-ёлғиз фахрийларнинг ҳар бирига тиббиёт ходимлари, ҳамширалар ҳар куни, шифокорлар эса ҳафтада икки марта карантин қоидаларига амал қилган ҳолда бу инсонлар аҳволидан хабар олиб турди. Натижада ҳудуди-

мизда коронавирусга чалинган ёлғиз кексалар учрамади.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар

Умуман, туманда мазкур йўналишда ишлар самарали йўлга қўйилган. Мисол учун, ўтган давр мобайнида кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича 5 та лойиҳа амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бунда нуронийларнинг айнан моддий ва маънавий манфаат кўриши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, халқимизда «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган нақл ҳам бор.

Лойиҳалар 1 минг 200 нафардан зиёд кекса ва фахрийлар, 61 нафар нуроний онахонлар, 6 нафар яқка-ёлғиз кексаларни қамраб олди. Октябр ойида ўтказилган «Кексалар ҳафталиги» доирасида ўтказилган лойиҳаларда «Соғлиқ учун 5 минг қадам» пиёда юриш марафонларида 1000 нафардан зиёд фахрийларимиз иштирок этди.

Маълумки, жорий йил карантин туфайли белгиланган кўплаб тадбирлар маълум муддат қолдириб турилди. Жумладан, бўлигимиз ҳам фахрийлар учун белгиланган ёзги туристик тадбирларни кечиктиришига тўғри келди. Аммо карантин қоидалари юмшатилиши билан саёҳатлар яна жонланди. Мисол учун, 24 октябр куни вилоят туризмни ривожлантириш департаменти ҳамкорлигида «Ичан Қалъа» давлат музейи кўриқхонасига кекса авлод вакилларининг саёҳати уюштирилди.

Шунингдек, Шовот туманида жойлашган «Юсуф Ҳамадоний», «Султон бобо» зиёратгоҳига сафарлар ташкил қилдик.

Замонавий шароитлар иш самарадорлигига хизмат қилади

Албатта, иш самарадорлигини оширишда маҳалла ходимларига яратилаётган шароитларнинг ҳам ўрни беқиёс. Кейинги йилларда бу борада туманда катта ишлар амалга оширилди. Масалан, туманимизда 50 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг деярли ярми — 22 таси шу пайтгача ўз хизмат биноларига эга бўлмаган. Кўпчилик ижара хоналар, мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари биноларидан кичик жой ажратиш фаолият юритиб келарди. Тўғриси, бунинг ортидан турли келишмовчиликлар ҳам чиқиб турган.

Шу боис хизмат биноларига эга бўлмаган фуқаролар йиғинлари учун бинолар барпо этиш бўйича «Манзилли дастур» ишлаб чиқилди. Аввало, Маҳалла ва оилани қўлаб-қувватлаш бўлими учун алоҳида бино ажратилди. Бино бўлим тасарруфига тўлиқ ўтказилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Худди шундай бошқа ташкилотлар балансидаги иншоотларда фаолият юритаётган 28 та йиғин биноси ҳам маҳалла тасарруфига тўлиқ ўтказилди.

Худудлар энг зарурлиги бўйича танланиб, «Зиёкор», «Фидокор», «Оққум» маҳаллаларида йиғин

бинолари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 10 та фуқаролар йиғини биноси жорий таъмирланди. Қолган йиғинларга янги бинолар қуриш учун туман ҳокимлиги томонидан ер ажратилиб, қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Қуруқ бинонинг ўзи билан ишни замон талаблари даражасида таъминлаб бўлмалиги тайин. Албатта, янги иншоотлар жиҳозлар ва замонавий техника воситалари билан таъминланиши керак. Айниқса, алоқа воситалари, узлуксиз интернет тизимининг мавжудлиги фаолиятимиз учун жуда зарур. Бу борадаги ҳукумат талабларини бажариш мақсадида шу пайтгача 4 та йиғин — «Янги боғ», «Гулшан», «Ёрмиш», «Мевазор» маҳаллалари интернет тармоғига уланди. Режага кўра, янги йилдан туман маҳаллалари доимий алоқадаги ягона тизим сифатида фаолият олиб бора бошлайди.

Бандлик эътибордан четда эмас

Барча ҳудудларда бўлгани каби аҳолини иш билан таъминлаш, муносиб даромад манбаларини шакллантириш Гурланда ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳам туманда ишлар тўғри йўлга қўйилган.

Мисол учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида давлат рўйхатидан ўтказилган кичик бизнес субъектлари 1 минг 257 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 329 тага кўпайди. Бу жараёнда минглаб фуқароларимиз ишли бўлди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 627 нафар тадбиркор ва фуқароларга 22 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди ҳамда 874 та янги иш ўринлари яратилди.

Умуман, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Мисол учун, туманда ташкил қилинган «Воҳа гиламлари» МЧЖ томонидан қиймати 10 миллион долларга тенг гилам ишлаб чиқариш цехининг ташкил этилиши 100 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга имкон яратди. Бу каби савобли ишлар 2021 йилда ҳам янги куч ва ғайрат билан давом эттирилади.



АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ СЕЗИЛЯПТИМИ?

Туманимиз бутун Хоразмда бўлгани каби тарихий обидалар, зиёратгоҳларга бойлиги билан машхур. Айниқса, Бешмерган қишлоғида жойлашган «Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний» мажмуаси доимо зиёратчилар билан гавжум. Ислом оламида доврў таратган Аҳмад Яссавийнинг устози ҳисобланган бу улў зотнинг дунёнинг турли қисмларида мақбаралари, зиёратгоҳлари борлиги маълум. Ҳазратнинг оёғи теккан, муридлари қолган масканлар қаторида бизнинг худуд ҳам борлигидан доимо фахрланиб юрамиз.



Илҳом ҲОЖИЕВ,
Шовот тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қў-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Шу ўринда улўларнинг амаллари қазосидан минг йиллар ўтиб ҳам авлодларга асқатишини таъкидлаш керак. Зеро, Маҳалла ва оилани қўлаб-қувватлаш бўлими доимо Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний меросидан ёшларни тарбиялаш, ажралишлар, жиноятчилик ва бошқа иллатларнинг олдини олиш, Ватанни севиш каби ҳислатларни тарғиб қилишда самарали фойдаланиб келади.

Туризм — янги иш ўринлари демакдир

Масалан, ноябрь ойида туманимиз ҳокимлиги, вилоят туризмни ривожлантириш департаменти, Маҳалла ва оилани қўлаб-қувватлаш бошқармаси ҳамкорликда «Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний» зиёратгоҳида вилоятимизнинг барча туманларидан келган кекса авлод вакиллари учун саёҳат уюштирилди. Тадбирда 80 нафардан зиёд кекса-нуроний иштирок этди. Куръон тиловат қилиниб, Юртбошимиз, халқимизга соғлиқ-саломатлик, омонлик сўрадилар. Меҳмонларга дастурхон ёзилиб, кекса-нуронийларнинг мароқли ҳордиқ олишлари таъминланди, эсдалик совғалари улашилди.

Бу каби амаллар тажриба алмашишимиз, тарғибот ишларимизда жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари, туризмни ривожлантириш маҳаллий аҳолининг иш билан

таъминланиши, даромадларининг ортишига ҳам сабаб бўляпти. Худудда эсдалик совғалари ишлаб чиқариш савдоси билан шуғулланадиган ўнлаб корхоналар фаолият юритади. Бўлимимиз томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасида касб ўрганиш истагини билдирган ўнлаб ёшлар, хотин-қизлар ана шундай касбларга ҳам йўналтирилди.

Жумладан, ўқув марказларимизда чеварлик, сўзана, чўғирма тикиш, сопол буюмлар ясаш, ёғоч ўймакорлиги каби касблардан таълим берилмоқда. Ёшлар ясаган бундай эсдаликлар туризм масканлари, зиёратгоҳлар атрофида харидоргир бўляпти. Натижада юзлаб ёшлар иш билан таъминланыпти.

Эҳтиёжманд аёлларга уй берилмоқда

Жорий йил пандемия туфайли кўплаб режалар ортга сурилганига қарамай, туманда бир қатор бинолар, кўприклар фойдаланишга топширилди. Бу аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилашда қўл

амаллар янада кенг кўлам ёзиши кутилмоқда. Масалан, «Қирғоқбўйи» массивида 5 та янги 120 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони ажратилган. Тураржойларни лойиҳалаштиришда маҳаллий иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талаблари ҳамда халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига хос бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган.

Белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли амалга ошириш мақсадида худудда 5 та пудратчи ташкилот иштирокида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирда бўлимимиз томонидан ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд, фарзандини ёлғиз тарбиялаётган аёллар рўйхати шакллантириляпти. Рўйхатга кўра, ажратилган уйлар қурилиши тамомланиши билан улўларга топширилади.

Жорий йил туманимизда Рақамли технологиялар ўқув марказининг иш бошлагани ҳам бунёдкорликнинг намунасидир. Ўқув марказини ташкил этиш учун «Ўзбектелеком» АК Хоразм

филиалига қарашли бўш турган бино танлаб олинди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Рақамли технологиялар ўқув маркази замонавий компьютер техникалари, робототехника жиҳозлари, принтер, киберспорт ўйинлари ускуналари ва бошқа энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди. Қисқача қилиб айтганда, ўқув марказида аҳоли

ва ёшларнинг замонавий ахборот технологиялари соҳасида билим эгаллашлари ҳамда малакасини оширишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозирда туман ёшлари мазкур муассасада компьютер технологиялари билан яқиндан танишиб, дастурчилик ва соҳа билан боғлиқ бошқа касблар асосини ўзлаштирмоқдалар.

Кексалар — доимо эъзозда

Кекса ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласида ҳам туманимизда ибрат олса арзигулик ишлар йўлга қўйилган. Шу ўринда аниқ мисоллар келтирсак. «Кексалар маслаҳат гуруҳлари» ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллик кўрсатмоқда. Тумандаги ҳар бир хайрли иш улўнинг маслаҳатисиз амалга оширилмайди.

Қурилишлар, маҳаллаларда моддий кўмак ажратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, тарғибот ишлари, тадбирлар, буларнинг бари отахону онахонларимизнинг дуолари олинган бошланади. Бундан ташқари, маслаҳат гуруҳлари аъзолари оилаларнинг мустаҳкамлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, тарбия сингари йўналишларда ҳам фаолият олиб боришмоқда.

Бугунги кунда туманимизда жами кексалар сони 17 минг 625 нафарни, ногиронлиги бўлган кексалар сони 347 нафарни ташкил қилади. Нотинч оилаларга 300 нафар нуронийни бириктирганмиз. Ўтган давр мобайнида кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича 15 та лойиҳа амалга оширилди. Тадбирларга икки минг нафардан зиёд кекса ва фахрийлар, 250 нафар нуроний онахон, 3 нафар якка-ёлғиз кексалар жалб қилинди. Шунингдек, «Кексалар ҳафталиги» доирасида «Соғлиқ учун 5 минг қадам» пиёда юриш марафонига 2000 нафар иштирокчи қамраб олинди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, якка-ёлғиз, ўзгалар кўмагига муҳтож кексалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиниб, хонадонларида ободонлаштириш ишларига кўмаклашилмоқда, тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда улўнинг саломатликлари назорат қилиниб келинмоқда.

Бу каби эзгу ишлар ҳали бардавом бўлиши, юртимиз, жумладан, туманимиз янада ривожланиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилиши эса сизу биз — ҳар биримизнинг виждонан ҳаракатимизга боғлиқ.



келмоқда. Айниқса, туман марказида 120 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилгани қувонарли ҳол бўлди.

Бу уйда ижтимоий аҳоли оғир бўлган 10 нафардан зиёд хотин-қиз учун квартиралар ажратилди. Шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга зарурати бўлган бошқа аҳолига берилди. Келгуси йилда бу



«Шўртан газ кимё мажмуаси»да тозаланган метан гази негизида суюқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугун маҳалла фуқаролар йиғинлари, уларнинг раисларининг вазифалари жуда сертармоқ. Фаолларимиз камбағалликни камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, оилалар бутлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби ўнлаб йўналишларда самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, Хива тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими фаоллари, тизимдаги раислар ва бошқа ходимлар ҳам юқоридаги барча йўналишларда халқ манфаати учун меҳнат қилиб келади.



ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИДАН

ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ?



Малика ИСМОИЛОВА,
Хива тумани ҳоқими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Ёрдам пуллари қандай тақсимланди?

Тан олиш керакки, жорий йил маҳалла раислари, фаоллари учун масъулиятли келди. Коронавирус пандемияси туфайли кўпчилик бир муддат доимий ишини тўхта-тиб туришга, даромадидан айрилишига сабаб бўлди. Бу даврда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш айнан раислар зиммасидаги масъулиятли вазифа этиб белгиланди.

Туманимиз маҳаллаларида камбағал оилалар рўйхатлари шакллантирилиб, уларга «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 1 миллиард 131 миллион сўм пул маблағлари аниқ ва адолатли етказиб берилди. Тақсимлашда нафақат маҳалла раислари, балки ўша ҳудуддаги нуроний отахону онахонлар, имомлар, обрў-эътиборли инсонлар ҳам бевосита иштирок этишди. Бу эса маблағларнинг бўлинишида шаффофликни таъминлаш, турли гап-сўзларнинг олдини олишга хизмат қилди.

Ҳаракатда — барокат

Биламизки, камбағалликни камайтириш бугун мамлакатимиз раҳбари томонидан олдимишга қўйилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ишсизлик, камбағаллик турли иллатларнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳаммамизга аён. Бу борада давлатимизда аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, ўзини ўзи банд қилиш, боқимандаликни тугатиш йўли танланган. Зеро, «Ишлаган — тишлайди», «Ҳаракатда — барокат» дейди халқимиз. Давлат, маҳалладан умидвор бўлиб, бор имкониятдан фойдаланмай ёт-

ган кимсаларга эса иш ўргатиш, кредитлар, субсидиялар ажратиш орқали ўз йўлини топишга кўмаклашиш — бош вазифамиз.

Юқоридагиларга кўра, камбағал оилаларнинг 106 тасига субсидия орқали иссиқхоналар қуриб берилди. Бу жараёнда ҳам юқорида келтирилган шаффофлик тартибига амал қилингани адолатни таъминлаш ва аҳоли орасида норозиликнинг олди олинишига хизмат қилди. Бугунги кунда мазкур иссиқхоналарда аҳоли томонидан кўкатлар, бодринг, помидор ва бошқа неъматлар етиштирилмоқда. Айрим ҳудудларда бундай янги иссиқхона эгалари зарур уруғлар ва ўғитлар билан ҳам таъминланди.

Шунингдек, бу борада, айниқса, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аёл оиланинг асоси, оила эса жамият таянчидир. Шу боис хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга 32 та тикув машиналари бепул берилиб, ижтимоий аҳолини яхшилашга кўмаклашилди. Хиванинг туризм имкониятидан фойдаланиб, туманда ташкил қилинган ўқув марказларида хотин-қизлар нақшли жимжимадор сумкалар, миллий камзуллар, бош кийимлари, кўйлақлар ва бошқа сайёҳларни қизиқтирувчи маҳсулотлар тикишга ўргатилмоқда.

Тикув машиналар билан таъминланган аёлларимизнинг аксарияти аввал тикувчилик сирларини ўрганишган бўлса-да, уларга янги йўналишларда фаолият ўргатилди. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларни сотиш — реализация қилиш бўйича сабоқлар берилмоқда. Натижада бу аёлларимиз оилаларига реал даромад олиб кириш имконига эга бўлмоқдалар.

Тадбиркорлик ташаббусни яхши кўради

Турли тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали фуқароларни ишли қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, туманда

«Интизор» МЧЖ ва «Ўзбекипак-саноат» уюшмаси томонидан 6 млрд. сўмлик инвестиция ҳамда банк томонидан 2,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари ҳисобига ҳам ипак, ипак момиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинган. Корхонада 120 нафар ишчи ходим доимий иш билан таъминланган. Улар учун барча зарур шароитлар яратилган.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 100 фоиз экспорт қилинмоқда. Ҳозирги кунда маҳсулот сотиш бўйича Хитой давлатининг 2 та корхонаси билан



1,1 млн. долларлик шартномалар имзоланиб, маҳсулот етказиб берилмоқда. Экспортнинг мунтазамлиги, харидорнинг тайинлиги эса корхонанинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Бундан ташқари, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилган хайрли ишлар салмоғи ҳам кенг. Масалан, туманда кам таъминланган аёлларни чорва моллари билан таъминлаш ва шу орқали мунтазам даромадга эга қилиш борасида манзилли дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур асосида 17 нафар аёлга чорва моллари, 4 нафар хотин-қизга 50 тадан парранда, 4 нафарига новвойхона қуриб берилди. Шу орқали уларнинг бандлиги таъминланиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишлари билан оилавий шароитларини яхшилашга замин яратилди.

Кредитлар ривожланишга хизмат қилмоқда

Режасиз ош пишмайди, дейилади халқимизда. Дарҳақиқат, ҳар бир эзгу ҳаракат, аввало, яхшилаб режалаштирилиши, пухта дастурга асосан, олиб борилиши лозим. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди орқали аёллар учун ажратилган кредитларни тақсимлаш ҳам ана шундай пухта режага асосан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда талабгор аёлларга бизнес-режалар тузиш тартиблари тушунтириляпти.

Тайёр режалар мутахассислар таҳлилидан ўтказилиб, камчиликлари тўлдирилиляпти.

Шу кунгача мазкур лойиҳалар учун ажратилган 340 миллион сўм маблағнинг 190 миллиони 5 нафар фуқарога бизнес-режаларини амалга ошириш учун топширилди. Қолган 150 миллион сўм эса 4 та лойиҳани амалга ошириш ва иш ўринларини яратиш учун

мўлжалланган. Ҳозирда топширилган бизнес-режалар кўриб чиқилмоқда. Эътиборлиси, бизнес-режалар таҳлили кредит маблағларига даъвогар бўлган аёлларнинг бевосита иштирокида ўтказилиб, эътироз ва таклифларнинг шаффофлиги таъминланмоқда.

Шубҳасиз, маҳалла, бу — аҳоли ва давлат ўртасидаги кўприк саналади. Биз аҳолини қийнаётган муаммолар, уларнинг дарду қувончлари ичидамиз, бунини керакли ташкилотлар, вазирликлар эътиборига ҳавола қилиш бевосита бурчимиздир. Шунингдек, давлат сиёсати, ислохотларнинг мақсади, танлаган йўлимиз қандай эканини ҳам яхши тушунамиз. Бунини аҳолига тушунтириш, юрт тараққиёти йўлида бирдамликни шакллантириш асосий вазифамиз бўлиши лозим. Мазкур масъулиятли вазифани шараф билан уदдалаймиз.



Мамлакатимизда биринчи марта Конституциямиз Брайл алифбосида китоб ҳолида нашрдан чиқди.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПАДИ



Тинчлик ва хотиржамлик дунё неъматларининг энг аълосидир. Чунки инсоннинг жамики орзу-ҳаваслари осойишта муҳитдагина амалга ошади. Халқимизда тинчлик-осойишталик қадрини, унинг ҳаётимизда тутган ўрнини теран ифодаловчи ўғит ва мақоллар жуда кўп. «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади» каби нақллар нафақат бир хонадон, балки маҳалла, юрт тақдирига дахлдор бўлиб, ҳар бир фуқаро бу ҳикматлар мазмун-моҳиятини ҳамиша чуқур англаб етиши керак.

Етти иқлимга машҳур, табаррук масканлардан бири — Нурота тумани аҳли ҳам тинчлик-хотиржамликка шукрона айтиб, юрт осудалиги, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳалла эса ана шу хайрли амаллар бошида туриб, оммани улўғвор масадлар сари етакловчи тизимга айланиб борапти. Хўш, Навоий вилояти Нурота тумани маҳаллаларидаги бугунги ҳолат қандай? Худудда қандай ўзгаришлар бўляпти? Бунда маҳаллаларнинг ўрни сезиляптими? Аини саволларга жавоб топиш мақсадида **Нурота тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Алишер ШОКИРОВ**га мурожаат қилдик.



— Ҳар қандай қувонарли натижага мақсадни тўғри қўйиш ва шунга монанд саъй-ҳаракат билангина эришилади. Биз жорий йил бошиданоқ ўз олдимизга қўйган «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» дастурини кам-қўстсиз бажаришга киришдик. Худудимиздаги мавжуд 32 та (айни пайтда 28 та, Ҳозғон шахри ташкил этилиб, 4 таси шахар тасарруфига ўтди) маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳаммасида ана шу дастур ижросини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хонадонма-хонадон кирилиб, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, кайфияти, руҳияти ўрганиляпти. Юзма-юз мулоқотда аён бўлган муаммолар ва нохуш ҳолатларни бартараф этиш керак, албатта. Қайсидир маҳаллада кўшчилар келишмай қолса, нотинч оила аниқланса, дарҳол бу ҳолатнинг сабаблари ўрганилади ва вазиятни

яхшилаш чораси кўрилади. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят қилишга мойиллиги бўлган шахсларга маҳалладан мураббийлар бириктирилди.

Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб дунёга келмайди, инсон яшаётган муҳит, ён-атрофдаги муносабатлар унинг тақдирида яхши ёки ёмон изини қолдириши мумкин. Профилактика нозир, психолог мутахассис иштирокида ана шундай шахслар билан алоҳида суҳбат ўтказилиб, уларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилинди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи давомида худудимиздаги 26 та маҳаллада ҳеч қандай жиноят қайд этилмади. Бу тумандаги 90 фоиздан ортиқ фуқаролар йиғинида ҳеч ким қонунни бузмади, деганидир. Сарҳисоб қувонарли бўлса, фахрланасан, киши.

Оилавий ажралишлар камайди

— Аллоҳ муҳри босилган никоҳ бузилса, Арш ларзага келади, дейдилар. Никоҳ бузилиши бир оиланинггина эмас, балки бутун жамиятнинг ижтимоий муаммосидир. Бу эркак, аёл, фарзандлар тақдирига дахлдор масала бўлгани учун ҳам бефарқ қарай олмаймиз. Ҳар бир маҳаллани жиноятдан холи, обод худудга айлантирмай туриб, оила мустаҳкамлигига эриша олмаймиз.

Оила муқаддаслигини тарғиб қилиш, эр-хотиннинг бир-бири олдидаги ҳуқуқ ва бурчлари, ота-оналик масъулиятини оширишга доир тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда. Нотинч оилалар муаммосини психолог ва ҳуқуқшунос иштирокида ўрганиб, ажралишга қарор қилган жуфтликка психологик ёрдам, ҳуқуқий тушунча бериш натижасида судга даъво ариза билан мурожаат қилган 20 та оилани сақлаб қолишга эришдик. Оилавий ажралиш ўтган йилдагидан 8 тага камайди. «Қўш-

нинг ҳам уяси бузилмасин». Кимнингки, уйи бузилса, унинг кўнгли ҳам бузилади.

Туризм ривожига ҳисса қўшяпмиз

— Нурота — зиёратгоҳга бой маскан. Нур чашмаси ва ислом оламида машҳур бир қанча авлиё-анбиёлар қабрини зиёрат қилиш учун туманга нафақат мамлакатимиздан, балки хориждан ҳам сайёҳлар келишади. Пандемия туфайли халқаро туризм имкониятлари чекланган бўлса-да, ички жараённи ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Нурота тумани ҳамиша ўз-

ҳар бир эркак мармар тошга ишлов бериб, рўзгор буюми ясашни билиши шарт бўлган. Карантин пайтида ана шу ҳунарларни ўрганувчи ишқибозлар сони ортди. Оилаларда ота-ўғил, бобо-невара, она-қиз, буви-невара томонидан «уста-шогирд» аънанаси давом эттирилди.

Сув танқислиги боис халқи деҳқончиликдан бирмунча йироқ, асосан, чорвачилик билан шуғулланувчи маҳаллаларда туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда суғориш имкониятлари яратилди. Бунинг учун хонадонларга субсидия эвазига сув насоси ўрнатиб берилди. Натижада томорқачилик ривожланиб, ички бозорга иссиқхонада етиштирилган помидор, бодринг, лимон, булғор қалампери каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш йўлга қўйилди, одамларнинг ерга муносабати ўзгарди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари тавсияси билан 300 киши «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида тижорат банкларидан жами 600 миллион 463 минг сўм имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорлигини бошлади.

Мурувват – борича бермақдир

— Олий Мажлис Сенати қарори асосида «Нурота туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастури» қабул қилинган бўлиб, дастур асосида жорий йилнинг шу давригача 70 нафар оғир шароитдаги аёлларга 80 миллион сўм маблағ берилди. Оғир шароитдаги 10 нафар хотин-қизнинг коммунал тўловдан қарздорлиги тўлаб берилди. Камбағаллик рўйхатига олинган 12 нафар хотин-қиз бепул тикув машинаси билан таъминланиб, даромад топишга киришди.

Аҳолининг ночор қатламини қўллаб-қувватлаш, етмаганга енг, йиқилганга ёқа бўлиш — маҳалла тизимининг биринчи галдаги вазифаси. Чунки маҳалла — меҳр маскани, оқибат ошени. Шундай экан, биз келгусида ҳам ижтимоий ҳимоя тадбирларини шаффофлик билан, адолат тамойиллари асосида давом эттираверамиз.

«Mahalla» мухбири
Холбиби Сафарова ёзиб олди.

“**Нурота чашмасининг суви минглаб километр ерости йўлагидан сониясига 290 литр миқдориди оқиб чиқади. Чашма суви қишин-ёзин бир хил 19,5 даража илиқдир.**”

бекистоннинг тўрт томонидан келадиган меҳмонлар билан жанжум. Бу биз учун ҳам имконият, ҳам масъулиятдир. Маҳаллий хунармандлар ишлаб чиқараётган миллий буюмлар, яъни Нурота кашталари ва сангтарошлик маҳсулотлари растасидан одам аримайди. Мезбонлик одобини сақлаб, меҳмонларга муносиб хизмат кўрсатаётган нуроталиклар юзиди ҳамиша табассум ва лутф. Нурота маҳаллаларида ҳар бир фуқаро муомала маданиятига амал қилиши, тоза-озодаликка катта эътибор қаратиши зарурлигини «Энг обод хонадон» ва «Энг обод маҳалла» танловлари орқали шакллантиряпмиз.

Карантин қатъий, аммо ҳеч ким бўш ўтирмади

— Хунарли киши — хор бўлмас. Карантин шароитида бу нақл яна бир қарра ўз исботини топди. Пандемия туфайли ишсизлик авж олиб, ҳамма уйда қолишга мажбур бўлган паллада нуроталик хунармандлар «Нима бўлса бўлар!» деган боқибегамликка берилмади. Бизда азалдан ҳар бир уй бекаси кашта тикишни,



Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари улуши 2,5 бараварга оширилади.

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оила жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал қилишга ҳамisha масъулдир. Хўш, бу борада Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги маҳаллаларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?



Бу саволга жавоб топиш мақсадида Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Зухра РАШИДОВАга мурожаат қилдик.

— Аёл ўзини бахтли ҳис қилса, оилада тинчлик-тотувлик, хотир-жамлик ҳукм суради. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишга ҳеч қачон ҳозиргидек эътибор қаратилмаган. Оиладаги саранжом-сарихталлик, қут-барака, фарзанд тарбияси, бир сўз билан айтганда, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит кўп жиҳатдан аёлнинг руҳиятига, кайфияти ва ақл-идроки ҳамда салоҳиятига боғлиқ. Йил бошидан буён туманимизда 1 минг 316 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. 149 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди. Хонадонма-хонадон кирилиб, юзма-юз суҳбат ўтказиш жараёнида шароити оғир хотин-қизлардан бир гуруҳи «Аёллар дафтари»га киритилиб, ҳозиргача уларнинг 26 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит олиб берилди.

Аёлларни қийнаётган энг долзарб муаммо, бу — ишсизликдир. «Ғойибон» маҳалласида 100 та иш ўрнига эга «Қизилтепа чеварлари» корхонаси ўз фаолиятини бошлагани, «Ванғози» маҳалла фуқаролар йиғини худудида ҳам шунча иш ўрнига эга «Қизилтепа чеварлари» тикув-трикотаж цехи барпо этилгани муаммо ечимида катта имконият бўлди. Бу ишлаб чиқариш нуқталарида 200 нафар маҳаллий хотин-қиз бандлиги таъминланиши билан бирга, янги корхоналарнинг бунёд этилиши худуд инфратузилмасини ҳам ўзгартириб юборди.

Ҳамкорлик самараси қандай?

Туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази билан ҳамкорлик-

«ҲАР БИР ОИЛА, ҳАР БИР ХОТИН-ҚИЗ ЭЪТИБОРИМИЗДА»



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қизилтепа туманида истиқомат қилаётган 40 мингга яқин оиладан 3 минг 163 таси ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд ҳисобланади. 786 та оилада ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилса, 259 та боқувчисини йўқотган оила мавжуд. «Саҳоват ва кўмак» умум-халқ ҳаракати доирасида 5970 та оилага қарийб 2 миллиард 830 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

102 та яраштирилган оила бахтли яшаштирими?

Оилалар тотувлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш, нотинч-ноқобил оилалар билан мунтазам равишда профилактик ишларни олиб бориш — биринчи галдаги вазифамиздир. Маҳаллалар кесимида ажрим ёқасига келиб қолган 120 та оила рўйхати шакллантирилиб, уларга профилактика инспекторлари, имомхатиб ва отинойилар, кексалар маслаҳат гуруҳи бириктирилди.

Натижада 102 та ажралиш ёқасига келиб қолган оилада юзага келган зиддият муросайи-мадорага келтирилди. Аслида бир оилани парокандаликдан сақлаб қолиш ҳам катта савоб. Хўш, «Бош ёрилса — дўпи тагида, қўл синса — энг ичида» дея юзхотирлик қабилида иш тутиб, яраштирилган, никоҳи сақлаб қолинган оиланинг кейинги турмуши қандай кечяпти? Биз устувор билган, ёшларга ўқирган сабр-қаноатнинг охири ростдан ҳам бахт бўляптими, андишанинг оти кўрқоққа чиқмаяптими, яъни оилалар бахтли яшаштирими? Ана шу жиҳатни эътиборга олиш шарт ва зарур. Чунки лойқаланган сув яна аввалги ҳолига қайтиши мумкин. Биз яраштирилган 102 та оиладан кунда-кунора хабар оляпмиз. Тинч-тотув турмуш кечирининг сирини мадада, ёшларга тўғри йўналиш бераймиз.

Кўпчилик бир фикрни такрорламақда: 2020 йил инсоният учун ташвишли келди. Аслида, бизга берилган ҳаётнинг ўзи бир синов. Зиммамиздаги ҳар бир масъулиятни астойдил ҳис қилиб, оқилона бажарсак, ишу амалимиз адолат мезонларига мос келса, демак, биз бу синовдан яхши ўтгямиз. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз, хусусан, маҳалла тизими ходимлари ҳам англаб етмоғи лозим. Бизнинг ҳулосамиз шундай: келгуси 2021 йилда ҳам адолат ва шаффофлик тамойилларига амал қилиб, халққа, ҳар бир оилага, ҳар бир юртдошимизга янада яқин бўлиш бош мақсадимиздир.

«Mahalla» мухбири
Холбиби САФАРОВА
ёзиб олди.

да 149 нафар хотин-қизга субсидия асосида иссиқхона куриб берилди. Улар йил якунига қадар ўз маҳсулотларини деҳқон бозорига тортиқ этиб келишмоқда. Бундан ташқари, «Ғойибон» маҳалласида 20 нафар, «Ванғози» йиғинида 30 нафар, «Зарметан» маҳалласида эса 15 нафар «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз хотин-қизлар «Уста-шоғирд» анъанаси асосида тикувчилик, каштачилик, тўқувчилик хунарига ўқитилмоқда.

Томорқа хўжалиklarини ташкил этиш орқали маҳаллаларда ҳақиқий мулкдорлар сафи кенгайиб борапти. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар изчил ўтказилмоқда. Аввало, ана шу ниятда бўлган аёллар рўйхати шакллантирилиб, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси билан ҳамкорликда худудимиздаги мавжуд 48 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида касб-хунарга ўқитиш тизими йўлга қўйилган. 18 нафар хотин-қизнинг ўзини ўзи банд қилиши учун 45 миллион 360 минг сўм маблағ ажратилиб, тикув дастгоҳлари олиб берилди.

Уйларнинг бошланғич тўлови тўлаб берилди

Пандемия туфайли хорижда ишлаётган кўплаб юртдошларимиз ўз уйларига қайтишди. Бу ишсизлар сони ошишига сабаб бўлди. Биз туман ИИБ, тиббиёт бирлашмаси, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда мигрантларни аниқлаб, тиббий кўриқдан ўтказдик ва иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. 13 нафар хорижда ишлаб қайтган аёл ўзининг доимий иш ўрнига эга бўлганидан мамнун. Чет элда ишлаб келган 18 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қиз-

ларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароитларга эга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш» ҳақидаги қарорига асосан, 6 нафар аёл намунали лойиҳа асосида қурилган арзон уй-жой билан таъминланди. Мазкур тураржойларнинг 10 фоизлик, жами 82 млн. 776 минг сўм бошланғич тўлови Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тўлаб берилгани эҳтиёжманд оилалар учун катта имконият бўлди.

Бундан ташқари, 3 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг ҳар бирига 15 миллион сўмдан маблағ ажратилиб, уларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 22 нафар саломатлигида муаммоси бор аёлларнинг давола-ниши учун жами 92 миллион сўм маблағ уларнинг пластик карталарига кўчириб берилди. 7,5 миллион сўм маблағ ажратилиб, 15 нафар хотин-қизнинг коммунал тўловдан қарздорлиги сўндирилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларнинг ҳаёт кечирини сифатини яхшилаш мақсадида 3 нафар аёлга жами 1 миллион 760 минг сўмлик ортопедик воситалар, яъни ногиронлик аравачаси, ҳасса ҳамда эшитиш мосламаси олиб берилди.

Бугунги кунда Конимех туманида ўн олтидан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун кенг шароит яратилган. Туман аҳолисининг 35 фоизи қозоқ миллатига, 38 фоизи қорақалпоқ миллатига, 22 фоизи ўзбек миллатига мансуб бўлса, қолган 10,5 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Айтиш керакки, турли миллат вакиллари билан барчаси маҳалларда бирлашиб, урф-одатлари ва анъаналари ҳам ўзаро мужасамлашиб кетган. Миллати турли бўлса-да, шарқона ҳурмат-иззат, бола тарбияси, оилавий муносабатларда барчаси уйғун. Бунда эса маҳалла раислари ва фаолларининг алоҳида ўрни бор, албатта. Чунки уларнинг зиммасига ҳар қандай миллат ёки элатнинг урф-одатини ҳурмат қилиш билан бирга, уларнинг бўрттирилиши ёки ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олишга бўлган жараёни назорат қилишдек улкан вазифалар юклатилган.

Турли миллатга мансуб фуқароларнинг она тилида таълим олиши учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Туман бўйича таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар жами 36 та бўлиб, шундан 3 таси қорақалпоқ тилида, 27 таси қозоқ тилида ва 2 таси рус тилида ўқитиладиган умумий ўрта таълим мактабларидир. Уларда жами 7 минг 224 нафар ўқувчига дарс берилмоқда.

Маданият халқларни бирлаштиради

Қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни кучайтириш мамлакатимизнинг ташқи сиёсатидаги энг муҳим тамойиллардан биридир. Тумандаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари ҳар йили Қозоғистон Республикасида ўтказиладиган «Қазақстан ата журтим, қасиетим ана тилим» шиори остидаги халқаро олимпиадада қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишади.

Жумладан, шу йили ўтказилган танловда туманимиздан 3 нафар ўқувчи биринчи ўринни, яна 3 нафари иккинчи ўринни, 7 нафари учинчи ўринни қўлга киритди. Яқин кунларда Қозоғистон таълим вазирлиги томонидан ғолиб бўлган ўқувчиларни диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш режалаштирилган.

Бугунги кунда туманда иккита қозоқ ва қорақалпоқ миллий маданий марказлари фаолият юритади. Миллий маданий марказлар иш олиб бориши учун туман маънавият ва маърифат марказидан алоҳида хона ва компьютер

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК МАҲАЛЛАЛАРДАН БОШЛАНАДИ



Самандар РИСБЕКОВ,
Конимех тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ДАРВОҚЕ...

Конимех туманида тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 минг 990 та субъектга 129 млрд. 662 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган.

жиҳозлари ажратилган. Туманда ташкил этиладиган барча маънавий-маърифий тадбирлар миллий маданий марказлари билан ҳамкорликда олиб борилади. Маданият бўлимида ташкил этилган «Жас тулек» ашула ва рақс оркестри ҳамда «Нур олкем» ҳаваскорлик жамоаси томонидан қозоқ ва қорақалпоқ миллий чолғу асбоблари, миллий куй-қўшиқларини ўргатиш юзасидан тўғарақлар фаолият олиб бормоқда.

Кооператив фаолияти йўлга қўйилган

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Жорий йилда карантин туфайли жуда кўпчилик хориждан қайтиб келди, айримлар эса иш ўринларини йўқотди. Шу боис аҳолини иш билан банд қилиш борасида турли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Юртбошимизнинг 2020 йил 1 майдаги «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, Конимех туманида 9 та ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилди. Ушбу кооперативларда турли миллат вакиллари жамулжам меҳнат қилмоқда.

Жумладан, «Fruits et legumes Konimex» қишлоқ хўжалиги кооперативига ишсиз, вақтинча ишини йўқотган 49 нафар фуқаро жалб қилиниб, ҳар бирига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 млн. 230 минг сўмдан, жами 109,3 млн. сўм миқдоридagi субсидия ажратилди. Туман ҳокимининг қарорига кўра, туман захира ерларидан кооперативга 16,9 гектар майдон

ажратилиб, ҳар бир фуқарога 20 сотихдан озиқ-овқат маҳсулотлари экиш учун ер ажратиб берилди.


Худди шундай «Konimex ragandachilik» ишлаб чиқариш кооперативи ҳар бир аъзосига 200 тадан, жами 10 мингта бир ойлик жўжа етказиб берилди. Кооператив ва аъзолар ўртасидаги хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот етказиб беришга оид муносабатлар оилавий пудрат шартномалари асосида камида 5 йил муддат давомида амалга оширилади. Шартномага кўра, кооператив аъзоси паррандачилик маҳсулотлари(товуқ гўшти, тухум)ни етиштирилади ва уни келишилган нархларда кооперативга сотади.

Яна бир корхона — «Konimex asal export» ишлаб чиқариш кооперативига ҳам туманда яшовчи 40 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилиб, 89,2 млн. сўм миқдоридagi субсидия ажратилди. Улар асаларичилик билан шуғулланишади.

Хулоса ўрнида

Бугун минтақадаги барча мамлакатлар билан қўшни бўлган ягона давлат сифатида Ўзбекистон дўстлик, бирдамлик халқасини тобора мустақамроқ боғлапти. Бу эзгу ташаббусга қардошларимизнинг хайрихоҳлиги эса, табиийки, дилимизни, руҳимизни равшан қилмоқда. Биз бугун нимагаки эришсак, ҳамжихатликда, бирликда эришишимиз мумкинлигини теран англаб етгаймиз. Бунини маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар жараёнида яққол кўриш мумкин.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг кейинги пайтда сиёсий иродаси ва ўзаро интилишлари туфайли дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустақамлаш йўлида ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришилди. Худудларимиз ўртасидаги яқин алоқалар, одамларнинг ўзаро очик мулоқоти ва дўстлиги, маданий алоқаларнинг фаоллашгани энг эзгу мақсад — халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон Очик маълумотлар рейтингида жаҳон бўйича 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

ИШИМИЗГА БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади. Охириги йилларда уни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳалла институтига оид янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, 50 дан ортиғи такомиллаштирилди. Аксарият маҳалла идоралари янгидан қурилди, айримлари реконструкция қилиниб, қайта таъмирланди.

Туман ва шаҳар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилиб, маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди. Бу ислохотлар туманимиз ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Маҳалла ташаббускор бўлиши керак

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тизим ходимлари пандемия даврида икки ҳисса масъулия билан иш олиб боришди. Ҳар бир хонадон ўрганилиб, ёрдамга муҳтожларга кўмак берилди. Хусусан, 636 та оиланинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан, 970 та оиланинг 3931 нафар аъзосига (жон бошига 220 минг сўмдан) 864 миллион сўм, 983 та оиланинг 2 минг 75 нафар 16 ёшга тўлмаган фарзандларига 953 миллион сўм бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, уй-жойларини таъмирлаш, тартибга келтириш ва янги уй қуриб бериш каби хайрли ишлар ҳам бевосита маҳалла ташаббуси ва бошчилигида амалга оширилди. Жумладан, Наманган тумани «Олаҳмак» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Матлуба Абдуллаеванинг хонадонига 31 миллион, Турсунхон Қосимхўжаевага 30 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилиб, янги уй қуриб берилди. «Чағир» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Хусанбой Ғаниев ҳамда «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғинидан Моҳидил Дарвешованинг уйи ҳам таъмирланди. Ҳасанбой Ғаниевга кўшимча 2 сотихли иссиқхона қуриб берилди.



«Темир дафтар» қандай шакллантирилди?

Маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолининг ижтимоий аҳволини ўрганиб, кам таъминланган, ногирон оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, камбағалликдан чиқариш, ижтимоий аҳволи ҳамда турмуш шароити оғир бўлган оилаларни доимий бандлик ва даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида «темир дафтар» шакллантирилди. Дастлаб туманда 2228 та оила (2985 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари) рўйхатга киритилган бўлса, манзилли режа асосида бажарилган ишлар натижасида бу рақам қисқаришига эришилди. Қайта хатловдан ўтказилганда 488 та оила (563 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари) «темир дафтар» рўйхатига олинди.

Жорий йил 15 ноябрь ҳолатига бандлиги таъминланган ва доимий даромад манбаи яратилган 1911 та оила (2 742 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари) «темир дафтар»дан чиқарилди. Бугунги кунда туманда кам даромадли, эҳтиёжманд 317 та оила (243 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари) қолмоқда. Уларнинг ижтимоий аҳволи таҳлил қилинганда 84 та оила ижтимоий ҳимояга муҳтож, 14 тасида яқка-ёлғиз кексалар, 8 та оиланинг ногирони борлиги аниқланди. 64 та оила кўп болали

(5 ва ундан ортиқ) бўлса, 67 таси пандемия даврида даромаддан айрилган оилалардир. 21 та оилада боқувчисини йўқотган аёллар яшаши маълум бўлди. 59 та бошқа оилалар ҳисобига тўғри келади.

«Темир дафтар»дан қандай чиқаряпмиз?

Коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаи яратилмоқда. Сектор раҳбарлари томонидан «темир дафтар»даги эҳтиёжманд оилаларнинг 2985 нафар вақтинча ишсиз, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг барчаси ишга жойлаштирилди.

Жорий йил якуни билан «темир дафтар»да қолаётган 317 та оиланинг 243 нафар меҳнатга лаёқатли аъзоларининг даромадини ошириш чоралари кўрилмоқда. 1-секторда 140 та, 2-секторда 24 та, 3-секторда 43 та, 4-секторда 110 та оила рўйхатда қолмоқда.

«Темир дафтар»даги эҳтиёжманд оилаларнинг вақтинча ишсиз аъзоларининг 354 нафари оилавий тадбиркорлик бўйича, 42 нафари ҳунармандчилик билан банд қилинди. 193 нафари жамоат ишларига жалб этилди. 1186 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 187 нафари инвестиция лойиҳалари асосида ишга тушган корхоналарга, 273 нафари агросаноат, 33 нафари қурилиш объектларига ишга жойлашди. 191 нафари аввалги иш жойига қайтарилди. 130 нафари ҳам қизиқиши ва хоҳишига қараб, бошқа йўналишларга ишга жойлаштирилди.

Аслида ҳам «темир дафтар» рўйхатини шакллантиришдан мақсад — оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлаб, муҳтожликдан чиқариш ҳисобланади. Чунки қачон оила аъзолари доимий иш жойига



Дилбар ҲОШИМОВА,
Наманган тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

эга бўлса, даромад киради. Бу эса оиланинг баракасидир. Биз шу йўналишда тайёр иш ўринларига ишсизларни жойлаш билан бирга, пул топишнинг бошқа йўлларини ҳам ўргатяпмиз. Хусусан, иссиқхоналар қуриб бериш, мол-қўй олиб бериш, товуқ боқиш каби ташаббусларни амалиётга киритяпмиз. Иссиқхона қурилган хонадонларга кўчат етказиб берилмоқда, чорвани парваришлаш йўллари ўргатиляпти.

«Темир дафтар»даги оилаларга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?

«Темир дафтар» ҳақида гап кетганда, кўпчилик рўйхатга олинган оилаларга қайси манбалар асосида кўмак кўрсатилади, деб сўрайди. Бу оилалар, асосан, «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан қўллаб-қувватланади. 1 ноябрь ҳолатига жамғарма ҳисоб рақамига 1,2 миллиард сўм маблағ келиб тушди. Туман халқ депутатлари кенгашининг қарорига асосан, 2228 оилага 720 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 85,1 миллион сўмлик кундалик истеъмол маҳсулот, 1,1 млрд сўмлик нақд пул берилди.

Куз-қиш даврида эҳтиёжманд оилаларни 2020 йил маҳаллий бюджетда ортиб қолган маблағлар ҳисобидан моддий қўллаб-қувватлаш режалаштирилган. Айтилган пайтда бу оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш режалаштирилган. Шунингдек, озиқ-овқат захираси яратиш ва болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш ҳам доимий эътиборимизда бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда «темир дафтар»даги 317 та хонадонга 25 тонна суюлтирилган газ, 150 тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган. Мазкур харажатларни «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган бюджет даромадлари режасини ошириб бажарилган қисмидан тўлаб берилади.



Пойтахтда «Саломатлик йўлаклари» ташкил этилади.

ТИЗИМНИНГ ТАКОМИЛИ ТЎҒРИ ЁНДАШУВГА БОҒЛИҚ

Ўтган йилларда маҳалла тизими демократик институт сифатида шаклланди. Айниқса, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши натижасида тизим ходимларининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги фаоллиги янада ошди.

Аёллар қандай қўллаб-қувватланмоқда?

Жамиятда аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга моддий-маънавий кўмак кўрсатишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Бу йўналишда туманимизда ҳам яхши ишлар қилинмоқда. Тадбиркор, давлат ва нодавлат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган раҳбар аёллар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман ва вилоят кенгаши депутатлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Туманда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида 25 нафарига ҳимоя ордерлари берилди.

274 нафар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларнинг 78 нафари ўқув марказида ўқитилди. 8 нафари оилавий МТМ ташкил этди, 10 нафари ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланмоқда, 15 нафари қандолатчилик соҳасида, 6 нафари маиший хизмат, 16 нафари тикувчилик йўналишида фаолият юритмоқда. 590 нафар хотин-қиз томорқадан унумли фойдаланиб, даромад топмоқда. Ҳамкор ташкилотлар кўмагида банклар томонидан 100 нафар аёлга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратилди.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан рўйхатга олинган оғир ижтимоий шароитда яшаётган 195 нафар хотин-қиз бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Норасмий иш билан банд бўлган 180 нафар хотин-қизларни вақтинчалик ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сифатида расмийлаштирилди. Иш билан таъминланмаган, қарамоғида ногирон фарзанди бор 224 нафар



хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. Уларни кичик бизнес, хусусий ҳамда оилавий тадбиркорликка жалб этиб, уй шароитида доимий даромад манбаига эга бўлишга имконият яратилди.

Туман бўйича 2020 йилда 2283 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 600 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 548 нафарига субсидия ажратилди, 339 нафари вақтинчалик ўзини ўзи банд қилди. Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали 62 нафари бандлиги таъминланган бўлса, 154 нафари хусусий тадбиркорлик субъектларида ишга жойлашди.

Оғир ижтимоий шароитда яшовчи 10 нафар уй-жойга муҳтож бўлган хотин-қизларга «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида қурилган кўп қаватли уйларнинг бошланғич тўлови — 11 миллион 70 минг сўмдан жами 111 миллион 700 минг сўм миқдоридagi маблағлар тўлаб берилди.

«Темир дафтар»да турган аёлларга секторлар томонидан коммунал тўловлар тўлаб берилмоқда.

Маҳалла ёшларга мадад бўлмоқда

Ёшлар тарбияси, уларни баркамол инсон сифатида улғайишида ҳам маҳалладаги муҳит катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда отахону онахонларнинг бу ишга жалб этилаётгани кўл келмоқда. Бунда маҳаллалардаги «Ота-оналар университетлари», «Кексалар маслаҳат» гуруҳининг фаолиятини эътироф этиш ўринли. «Оила —



Адиба АСРАҚУЛОВА,
Чортоқ тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

қувватлаш, пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик кадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда уларнинг иштироки ҳамда ролини ошириш бўйича кенг қўлламли чора-тадбирлар бажарилмоқда.

Нуронийларимиз иштирокида «Кексаси бор хонадон — файзли хонадон», «Кексалар дуосини олайлик» мавзуларида тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Уруш ҳамда меҳнат fronti фахрийлари, ёлғиз кекса ва ногиронлар учун саёҳатлар уюштирилди.

Тадбиркорликка эътибор — фаровонлик асоси

Бугун маҳаллани тадбиркорларнинг энг яқин кўмакчиси, дейиш мумкин. Фуқаролар йиғинлари ҳузурда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари фаолияти йўлга қўйилгач, унинг бу борадаги фаолияти янада жадаллашди. Айни чоғда маслаҳат марказларига мутахассислар таклиф этилмоқда, улар томонидан маҳаллаларда тадбиркорликни, жумладан, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Натижада тадбиркорлик, хусусан, оилавий бизнеснинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлари изчил ривожланмоқда.

Бунда ҳудудимизнинг хусусият ҳамда имкониятлари ҳисобга олинаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шаҳар марказида оилавий тадбиркорликнинг савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш йўналишларига катта эътибор қаратилаётган бўлса, чекка қишлоқларда ҳунармандчилик, чорвачилик ҳамда асаларичилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга шароит яратилипти. Туманимиз боғдорчиликка ихтисослашгани учун бу соҳа ҳам аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам бермоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳалла фуқаролар йиғини давлат ва халқ ўртасида боғловчи ришта вазифасини бажармоқда.



маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва оиланинг муқаддаслигини тушунтиришга йўналтирилган тарғибот тадбирлари ҳам изчил давом эттириляпти.

Ёшлар тарбияси ҳамда камолотида спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Туманимиз маҳаллаларида бу борада ҳам кенг қўлламли ишлар олиб борилмоқда. 20дан ортиқ маҳаллада замонавий болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Спорт заллари, майдончалар ва иншоотларда оилавий спорт ҳамда ижодий тўғарақлар ташкил қилинди. Жойларда аҳоли, хусусан, ёшларни спортга оммавий жалб этиш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажак» республика кубоги бунда алоҳида ўрин тутди. Эътиборлиси, мазкур мусобақада қатнашаётган маҳаллалар ҳамда ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» баҳслари оилаларнинг сеvimли мусобақаси даражасига кўтарилди.

Фахрийларга эҳтиром

Кексаларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш, ҳурматини жойига қўйиш миллий қадриятдир. Фуқаролар йиғинлари томонидан нуронийларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-



ТАШАББУС БЎЛМАСА,

ЙИҒИНДА МУАММОЛАР ЙИҒИЛАДИ

Маҳаллалар қадимдан юртимизда тарбия ўчоғи, урф-одатлар, анъана ва қадриятлар эъзозланадиган маскан сифатида эътироф этиб келинади. Айтиш керакки, кейинги пайтда тизим фаолияти янада такомиллаштирилди.



Музаффар СОТИББОЕВ,
Косонсой тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

ташкил этилган бўлиб, 50 нафар кам таъминланган ва ишсиз фуқаролар унга бириктирилди.

Ёшлар — доимий эътиборда

Туманимизда ёшлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Уларнинг муаммоларини ўрганиш, қизиқишларига кўра ишга жойлаштириш, тадбиркорликка рағбатлантириш йўлида амалий ишлар қилинмоқда. Сектор раҳбарлари ёшларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб бормоқда. Бунда улар билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Хусусан, «Соҳибкор» маҳалласидаги «Кушон» маданият марказида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ёшларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилди. Жумладан, 22 нафар ёш турли мазмундаги мурожаатларини айтдилар. Масалан, тикув машинаси олиб бериш, таълим олиш учун шартнома пулига кўмаклашиш, тадбиркорлик қилиш учун саноат ҳудудидан ер ажратиш, иш билан таъминлаш, кредит олиш, туманда спорт тўғрисидаги ривожлантириш масалалари ва бошқалар. Ушбу мурожаатлардан 4 таси, жумладан, 2 та кредит ажратиш, 1 та тикув машинаси олиб бериш, 1 та иш билан таъминлаш масалалари жойида ҳал этилди. Ечилмай қолган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ва корхона раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Тадбирнинг иккинчи қисми амалий саёҳат тарзида ташкилланди. Яъни ўқувчи-ёшлар тумандаги саноат корхонаси — «As-Group Tex» МЧЖда бўлдилар. Ишлаб чиқариш жараёнларини кўздан кечиришди ва ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу саёҳат кўплаб косонсойлик ёшларнинг тадбиркорликка қизиқишини ошира олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизimini янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Фармон асосида ҳудудий бошқарма ва бўлимлар таркиби шакллантирилди.

Косонсой тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тасарруфида 59 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Айрим камчилик ва муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Мисол учун, «Чорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинининг ўз хизмат биноси йўқлиги учун шу кунгача таълим муассасаси биносида фаолият юритиб келарди. 2020 йил сентябрь ойида тадбиркорлар томонидан замонавий лойиҳалар асосида янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозирда «Гулистон-2», «Соҳибкор» ва «Юмалоқ шайх мазор» маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам хизмат бинолари қуриш ишлари бошланган.

Ижтимоий ҳимоя тадбирлари

Эътиборлиси, пандемия даврида ҳам мутахассислар бир зум дам олишмади. Аксинча хонадонма-хонадон юриб, тарғибот тадбирлари, тушунтириш ишлари олиб боришди. Айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди. Хонадонларга бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришди. Синовли кунларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобига мавсум бошидан шу кунгача 759484.2 миллион сўм миқдорида маблағ келиб тушди. Шунинг ҳисобидан 514 та оилага маҳалла бошчилигида 141277.1 миллион сўмлик нақд пул ва 20100 миллион сўмлик маҳсулотлар билан ёрдам кўрсатил-

ди. Бунда жонбозлик кўрсатган ходимлар меҳнати ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. Туманимизнинг 88 нафар фуқаролар йиғини раислари, уларнинг ўринбосари «Меҳр-саховат» кўчрак нишони билан тақдирланди.

Тозалик ва озодаликка эътибор ҳам ҳар бир маҳалланинг виждон ишига айланган. Зеро, ободлик кўнгилдан бошланади. Шу мақсадда «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойили асосида барча хонадон, кўча, маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлган 4 та маҳаллада гузарлар ва бошқа бўш турган жойларда касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди.

Хотин-қизлар қандай қўллаб-қувватланмоқда?

Қизларимизга миллий қадриятлар асосида таълим-тарбия бериш, уларни касб-хунарга ўргатиш, оилага тайёрлаш ўта долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Қизларжон», «Мустақил ҳаёт оstonасида», «Ораста қизлар» каби клублар самарали фаолият олиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги «Олий таълим муассасаларига кўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида 123 нафар хотин-қизларга тавсиянома берилди. Шундан 4 нафари давлат гранти

асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси томонидан хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий ва аёллар спортини ривожлантириш, тўй ва маросимларни ихчам ўтказиш бўйича тадбирлар ўтказилди.

Маҳаллада нотинч оила қолмаслиги лозим

Маҳалла тинчлиги, аввало, оилалар тотувлигига боғлиқ. Бу йўналишда туманимиздаги маҳаллаларда фаоллар томонидан оилалар тинчлигини таъминлашга эътибор берилмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини куттирмаяпти. Мисол учун, бугунги кунда нотинч оилалар сони ўтган йилга нисбатан 24 тага камайди. Туманда жами 47 та нотинч оила бўлса, ўтган йили бу рақам 71 тани ташкил этарди.

Хўш, бунга қандай эришиляпти? Аввало, ҳар бир хонадон билан индивидуал ишлаш тизимини йўлга қўйдик. Шунингдек, 2020 йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, муаммоли, нотинч оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида уларни намунали оилаларга бириктириш ишлари олиб борилди. Фуқаролар билан ишлаш тизимини осонлаштириш, янгиликларни тезкор етказиш мақсадида маҳаллаларда телеграм гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйдик. Унга ҳар бир хонадондан бир нафар киши аъзо бўлган. Шунингдек, гуруҳга тумандаги барча ҳамкор ташкилотлар ходимларини ҳам улаишини ташкил этганмиз. Фуқаролар ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб олмоқда.

Туманда томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида 3 та «Томорқа хизмати» МЧЖлар ташкил этилган. Улар томонидан аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатилиб келинмоқда. 1 та МЧЖни молиявий қўллаб-қувватлаш учун жамғарма томонидан 1,2 миллиард сўм ресурс ажратилган. Шунингдек, туманда 1 та кооператив



Оҳангаронлик талаба БМТнинг нуфузли анжуманида иштирок этади.

БЕФАРҚЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИК ХОТИРЖАМЛИК БЕРМАЙДИ

Бугун чин маънода янги Ўзбекистонни барпо этиш, унда ўзимиз истагандек, инсон манфаатлари ва кадр-қиммати энг биринчи ўринда турувчи демократик жамият яратиш йўлида катта қадамлар қўяётимиз. Маҳаллаларимизда ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳудудларимиз ободлиги, аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун фуқаролар йиғинларига муҳим вазифалар қўйилмоқда.

Уларнинг ижросини таъминлаш, олдинга қўйилган марраларни забт этиш учун эса фаолият тизимли ташкил этилиши лозим. Йил давомида биз айна мезонга амал қилдик.

Ўз уйингни ўзинг асра!

Ҳудудларда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ишладик. Жиноятлар, асосан, ишсизлик, бекорчиликдан келиб чиқади. Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлашга жиддий ёндашяёмиз. Ёшларимиз учун ўз ҳудудларида спорт, қиз болалар учун тикувчилик, тўқувчилик тўғрисида йўлга қўйилляпти.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Ғалаба ўрмон хўжалигидан 3 гектар майдон ажратилиб, 15 нафар ёшга 50 сотихдан бўлиб берилди. Шунингдек, «Ҳар бир ёшга – бир гектар» шоири остида «Соҳибкор», «Оқжангал», «Қатағон», «Истиклол», «Маймаоқ» маҳаллаларидаги ишсиз ёш оилаларнинг 125 нафарига 1 гектардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши учун ер ажратиб берилди. Маҳаллаларимизда ишсизликни бартараф этиш учун томорқачиликни ривожлантириш, хонадонларда иссиқхона ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида жиноятчиликка мойиллиги бўлган 164 нафар аёлнинг рўйхати секторлар ва маҳаллалар кесимида шакллантирилди. Улар билан профилактик



тадбирлар ўтказилиб, ҳар бирига мураббийлар бириктирилди. Олиб борилган яқка тартибдаги суҳбатлар натижасида уларнинг 106 нафарини рўйхатдан чиқаришга эришдик.

Хотин-қизлар – эътиборда

Энг долзарб муаммолардан яна бири, бу — оилавий ажралишлар, эрта никоҳ, ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқдир. Оила мустаҳкамлиги, аввало, эр-хотин, фарзандлар, қайнона-келин, қолаверса, унинг барча аъзоларига боғлиқ. Агар оила муқаддаслигига путур етса, бизнинг азалий эзгу ниятларимиз кадр-қимматини йўқотади. Бундай таназзулнинг олдини олишда маҳалла фаоллари, кўпни кўрган отахону онахонлар, тажрибали нуронийлар жамоатчилиги билан биргаликда бел боғлаши керак.

Маҳалла фаоллари билан оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, оила аъзолари билан яқиндан мулоқотлар ўтказиш натижасида 29 та оиладаги турли низолар, 49 дан зиёд ажралишларнинг олди олинди. Эрта никоҳ ҳолатлари қайд этилмади. 115 нафар ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган 10 нафар хотин-қиз арзонлаштирилган уй-жой билан таъминланди. 16 нафарининг иш билан бандлиги таъминланди.

Қандай ишли қилиш мумкин?

Аёл киши рўзгордан бўш вақти-



да даромадли фаолият билан банд бўлгани яхши, албатта. Шу орқали оила бюджетига ҳам қўшимча фойда келади. Аҳамиятлиси, бугун ишлаб, турмуши фаровонлигига ҳисса қўшиш истагидаги хотин-қизларимиз кўп. Бекор ўтиришни ўзига эп билмайди, қўлга тегадигани яхши бўлса, меҳнат қилмайман, дейдигани йўқ. Президентимиз илгари сурган 5 муҳим ташаббусдан бири ҳам шу муаммони самарали ҳал этишни кўзда тутди.

Хўш, хотин-қизларни қандай қилиб доимий даромад манбаи билан таъминлаш мумкин? Аввало, аёлларга мос келадиган муқим иш ўринлари яратиш орқали. Бунда шубҳасиз тадбиркорлик фаолиятининг имконияти кенг. Тегишли ташаббус доирасида биринчи галда жойларда ихчам қувватлар – тикув-трикотаж корхоналарини кўпайтириш асосий вазифа қилиб олингани ҳам бежиз эмас. Сал кунт қилса, тикувчилик – ҳамма хотин-қиз уддалайдиган иш. Қолаверса, ушбу йўналиш бизнинг шароитимизда ҳар томонлама ўзини оқлайди.

Шу мақсадда бизнесини бошла-



Азамат РАЖАБОВ,
Касби тумани ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

моқчи бўлган маҳаллаларимиздаги 16 нафар тадбиркор аёлга 223 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, кам таъминланган оила қизларининг 9 нафари турли хунарларга ўргатилиб, тадбиркорликка жалб этилди.

Томорқадан унумли фойдаланиб...

Таъкидлаш ўринли, хотин-қизларнинг уйдан чиқмай ҳам даромад кўришига имконият бор. Бунинг учун томорқадан унумли фойдаланиш кифоя. Аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиш маданиятини ошириш бўйича 41 та фуқаролар йиғинида жамоатчилик назорат гуруҳлари тузилиб, томорқаси мавжуд 34 минг 872 та хонадоннинг 616,3 гектар томорқа ер майдонидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, жами 1138 та иссиқхона ташкил этилди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан томорқадан фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида кам таъминланган 105 та оилага 1036 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, вилоят ва туман ташкилот раҳбарлари кўмагида 29 нафар яқка-ёлғиз фуқаронинг томорқа ер майдонлари ободонлаштирилиб, тўқсонбости экинлари экиб берилди.

Умуман айтганда, маҳалла фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, одамларда қонунларга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳалла фаоллари бирдамлик билан самарали иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ.



Ўзбекистонда илк маротаба ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича клиника очилади.

МАҚСАД ЯГОНА БЎЛМАСА, ФАОЛИЯТДА НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

Миришкор тумани Қашқадарё вилоятининг Туркменистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган бўлиб, 119 мингдан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Асосан, этник қатлам туркманлардан иборат бўлган Помуқ қишлоғининг туманда ўзига хос ўрни бор, заҳматқаш ва омилкор инсонлар яшайди бу манзилда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаёти ўзгача чирой касб этди, аҳоли турмуш фаровонлиги ошди. Чўлларга туташ, одамларининг феъли ҳам теғрасидаги яйловлари каби кенг. Қишлоқда кўпчиликни ташкил этувчи туркман миллатига мансуб аҳоли билан бирга, ўзбек, қозоқ, уйғур, тожик, татар, рус, қорақалпоқ кишилари иноқ яшаб, ҳамжиҳатликда маҳалла, юрт ободлиги учун меҳнат қилишяпти.

Ободлик кўнгилдан бошланади

Обод қишлоқ! Бу сўз бугун кўз ўнгимизда янги қиёфа, фаровон турмуш тарзини гавдалантиради. Жойларда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Обод қишлоқ» дастури асосида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг муносиб турмуши учун етарли шарт-шароитларни яратиш, янги иш ўринлари яратиш каби кўплаб масалаларни қамраб олган йирик дастурнинг амалга оширилаётгани одатий қарашларимизга ана шундай таъсир этди.

Тан олиш керак, обод қилиш, ободонлаштириш деганда бўяш, оқлаш, текислашни тушуниб қолган эканмиз. Бу ободликни одамлар ҳаётида, қалбида ҳам акс эттиришни ўйламабмиз. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз кўрсатмаси билан тайёрланган «Обод қишлоқ» дастури қамрови, мақсади, мукамаллиги билан амалда бизни халқ манфаатлари йўлида ишлашга ўргатди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳар бир қишлоқ сўлим ва мафтункор бўлиши керак. Қаердаки, йўллар текис-равон бўлса, ариқларда сув шарқираб оқиб турса, боғларда сархил ноз-неъматлар етиштирилса, томорқалар даромад манбаига айланса, ўша гўшани том маънода обод ва файзли



қишлоқ дейиш мумкин. Туманимизда бундай масканлар тобора кўпайиб бормоқда. Яъни Жейнов ва Чандир қишлоқлари ҳам ички имкониятлар ишга солинган ҳолда обод қишлоққа айлантирилди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, Чандир вилоятимиздаги энг катта ва кўп миллатли қишлоқлардан бири саналади. Мазкур қишлоқ аҳли учун энг асосий саналган муаммолардан бири – ичимлик суви таъминоти эди. Улар учун ичимлик суви турли техникалар ёрдамида туман марказидан ташиб келтирилди. Оралик масофа эса нақ 18 километр. Бир вақтлар бутун қишлоққа обиҳаёт улашган сув йиғиш ва тарқатиш иншооти эса аллақачон носоз ҳолатга келиб қолганди. Айна вақтда ушбу иншоотда ҳам кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Худудда «Жейнов пахта тозалаш» АЖ ташаббускорлигида амалга оширилган йирик лойиҳалардан яна бири – замонавий тикувчилик цехининг ишга туширилишидир. У фаолият бошлаши билан қишлоқ ҳудудидаги «Маданият», «Истиқлол», «Янги ҳаёт» ва «Чандир» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 200 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

Ўтган йили Жейнов қишлоғидаги марказий бозоримиз бутунлай қайтадан қурилди. Бахтиёр Рўзиев деган тадбиркоримиз эски ҳаммомни таъмирлаб, чойхона курди. Ҳозир қишлоқда ўнлаб новвойхона, машиналарни таъмирлаш устaxonаси, 3 та кичик футбол майдончаси ишлаб турибди. Йўлларимизга йўлчиноқ ўрнатилди. Энди Жейнов қишлоқ эмас, кичикгина шаҳарча, ҳа!..

50 гектар майдонда лимонзор барпо этилди

Янги Миришкордаги самарадорлиги паст дея баҳолаб келинган 100 гектар ер майдонида замонавий ишлаб чиқариш массиви барпо этилиши кимнинг хаёлига

келибди дейсиз.

Туман иқтисодиёти ва саноатини ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида бу жойда ҳар бири 1 гектардан иборат 52 та лимонарий бунёд этилди. Лимонлар ҳосилга киргунга қадар улар орасида помидор, бодринг, булғор қалампири каби маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Жами 100 гектарлик майдоннинг қолган қисмида эса интенсив усулда бодомзор, ўрикзор ва токзор ҳосил қилинади. Бундан ташқари, мазкур мажмуадан пар-



рандачилик фабрикаси, интенсив балиқ кўли, 1000 тонналик совуқкич, сутни қайта ишлаш, томат пастаси ишлаб чиқариш мини заводлари ўрин олади. Худуд атрофида жойлаштирилаётган контейнерларда тикувчилик, маҳсулотларни қадоқлаш ва қадоқлаш идишларини тайёрлаш, ширинликлар тайёрлаш, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқариш, музқаймоқ тайёрлаш, асал, писта қадоқлаш, прессланган исирик ишлаб чиқариш цехларининг фаолияти йўлга қўйилади. Натижада бир нечта янги иш ўринлари яратилади.

Эътиборлиси, «Қарши-Миришкор» йўли ёқасида жойлашадиган мазкур мажмуа учун "ақлли бекат",



Баҳодир ИБРАГИМОВ,
Миришкор тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

тадбиркорликка ўқитиш маркази барпо этилди, 7/24 тизимида ишловчи мини маркет ва кафе, шунингдек, ўғитлар ва кимёвий воситалар ҳамда уруғликлар дўкони қурилди. Бир сўз билан айтганда, сув бор пайтда бор, йўқ пайтда хор бўлиб ётган бу ерларда ҳаёт қайнамоқда.

1 миллиард 140 миллион сўм кредит асосида 7 та истиқболли лойиҳа

Туманимиз ҳудуди улкан. Қаерга бормайлик, янгилик, ўзгариш, тадбиркорлик кўзга ташланади. Бу борада ёшларимиз ҳам ҳаракатда. Айна пайтда «Ёшлар – келажгимиз» Давлат дастури доираси асосида 7 та истиқболли лойиҳа амалга ошди.

Масалан, ёшларимиздан Фаррух Кенжаев қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. Малика Пардаева эса 15 та тикув машинаси сотиб олиб, чеварларни бирлаштирди. Бундан ташқари, кичик-кичик лойиҳаларга қўл ураётган ёшларимиз ҳам кўп.



Ўзбекистонда икки нафар олим биринчи марта диссертация ҳимоясиз фан докторлик илмий даражасига эришди.

ШАҲРИСАБЗ сайёҳларни ўзига чорлайди

Дунё давлатларининг мавқеи ва нуфузини унинг иқтисодиёти, спорти ва маданиятидан ташқари, туризм салоҳияти ҳам белгилайди. Шу боис ер юзининг барча қитъаларида сайёҳлар оммасини бу ерга кўпроқ жалб этиш, давлат ғазнасига даромад келтириш жараёни кечади. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини ҳам ривожланган давлатлар даражасига етказиш мумкин. Энг муҳими, республикамизнинг деярли ҳар бир минтақасида ҳам ички, ҳам ташқи сайёҳликни ривожлантириш имконияти бўлган ҳудудлар топилади.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабзиде бўлган киши тарихий зиёратгоҳ — Оқсарой мажмуасига қадам ранжида этмасдан кетмайди.

Буюк аждодимиз руҳи мангу кезади

Ўтмишдан то бизга қадар етиб келган тарихий бинолар қандай кўринишда сақланмасин, бу ўша маҳалла аҳолиси учун фахр ҳисобланади. Шаҳримизнинг «Ўрда» маҳалласида жойлашган Оқсарой зиёратгоҳида бўлган киши бу ерда буюк аждодимиз — Соҳибқирон Амир Темур руҳи кезиб юрганидан таъсирланади. Кўкка бўй чўзиб турган бу осориатика гўёки тарих билан бугунни бир-бирига боғлаб тургандек тасаввур уйғотади.

Тарихий маълумотларга кўра, Оқсарой 24 йилда барпо этилган бўлиб, Амир Темурнинг туғилиб ўсган шаҳри — Шаҳрисабздаги қароргоҳи бўлган. Сарой бир нечта ҳовлидан иборат бўлиб, улар гир айланаси хоналар билан ўраб олинган. Ҳар бир хонанинг ичи тилла суви юритилган нақш билан безатилган. Ташқи томони эса куйфий, сулс услубидаги арабий ёзув, кошкорлик безак, ислимий гирих нақшлари билан жилоланиб туради. Сарой томидаги ҳовуздан фавво-



ра отилиб турган. Айтишларича, мажмуанинг тахминан 300 йиллар аввал қулаб тушган арки минтақада энг йирик ҳисобланган. Ҳозирги келиб саройда сақланиб қолган атиги иккита минора атрофидан сайёҳларнинг қадами ҳамон узилмайди. Қадамжони зиёрат қилган киши гўёки буюк тарихий шахснинг ўлмас руҳи қаршисида таъзим бажо айлагандек, унинг тарих олдидаги хизматлари олдида бош эгандек бўлади.

Маҳалла ёдгорликлари асраб-авайланмоқда

Шаҳримиз маҳаллалари кўркамлашиб, аҳоли турмуш даражаси тобора юксалиб борапти. Мавжуд 40 та маҳалламизда 139 минг 425 нафар аҳоли истиқомат қилар экан, уларнинг аксариятида қайсидир даврга мансуб меъморий ёдгорлик сақланиб қолган. Бу эса аҳолида ўз аждодлари пойқадами теккан зиёратгоҳларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш кайфиятини пайдо қилади. Таъбир жоиз бўлса, 26 минг 297 та хонадон таркибига кирган 33 минг 290 та оиланинг ҳар бир аъзоси ўша ҳудуддаги моддий мерос объекти билан фахрланади.

Эътиборлиси, Шаҳрисабз шаҳрида сақланиб келаётган 29 та архитектура ёдгорлиги, 26 та археологик объект, 6 та монументал санъат мажмуасидан 22 таси ЮНЕСКО рўйхатига кири-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Шаҳрисабзда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб қайта ташкил этилган туризм ва сервис коллежига 265 нафар ўқувчи қабул қилинди.

тилган. Айниқса, сайёҳлар қадами узилмайдиган тарихий обидалар — Оқсарой, Дорут-тиловат, Доруссаодат, Чубин мадрасаси, Чорсу савдо мажмуаси, Коба карвонсаройида бўлган киши маҳаллий аҳолининг уй шароитида тайёрлаган миллий хунармандлик маҳсулотларидан лол қолади ва, албатта, харид қилади.

Сайёҳ ҳам хурсанд, хунарманд ҳам!

Туризмни ривожлантириш нима учун керак? Бунда иккала томон учун ҳам бирдек манфаат бор. Сайёҳ ўзга юрт мўъжизалари билан танишса, мезбон меҳмонга хизмат кўрсатиб, даромад топади. Ақл билан иш тутган одамнинг иши ҳамини «беш».

Шаҳримизнинг барча маҳаллаларида хунармандлик билан оиласини моддий жиҳатдан таъминлаётган кўлигул кишилар жуда кўп. Шаҳрисабз қадим-қадимдан хунармандлар юрти бўлиб, «Буюк ипак йўли» карвонлари шу ердан ўтган. Хунармандлар ўртасида давом этган олди-сотди жараёни ҳали-ҳануз тўхтагани йўқ. 500 нафар уста-хунарманд қўлида тайёрланаётган миллий маҳсулотлар нафақат ички бозоримизда харидоргир, балки шаҳримизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиш ва эътиборини оширмақда. Айниқса, уларнинг 370 нафари дўппи, тўн, жойнамош, кашта, ҳамён ва бошқа эсдалик совғаларини дид ва қунт билан тайёрлайдиган опасингилларимиз эканлиги қувонарлидир. Хунармандлар ўз маҳсулотини турли зиёрат масканларида



Шахло РАҲМОНОВА,
Шаҳрисабз шаҳар ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.



очиб кўйилган 20 та дўконда харидор ҳукмига ҳавола этмоқда.

Уй меҳмонхонасига марҳамат!

Жорий йилда оммавий тарзда тарқалган коронавирус пандемияси таъсиридан шаҳримиздаги сайёҳлик объектлари ҳам анчагина зарар кўргани ачинарлидир. Аммо бу борада барқарорликни таъминлашга Президентимизнинг шу йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони замин яратгани эътиборга молик, албатта. Фармонда ички ва ташқи сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳаракатига кенг имконият яратиш масалалари белгиланган.

Шаҳрисабз шаҳрида сайёҳлик тизими ривожига 9 та хусусий меҳмонхона ўз улушини қўшиб келмоқда. Бундан ташқари, яна 6 та меҳмонхона бунёд этиляпти. Йирик тигдаги иншоотлар қаторида шаҳар маҳаллаларида сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилган 40 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. Уй меҳмонхоналарининг аксарият қисми «Куллик», «Зингирон», «Қушқовуз», «Қозигузар», «Ўрда», «Хабарлик», «Кунчиқар» каби маҳаллаларда вужудга келди.

Уй меҳмонхонасини тадбиркор ўз маблағи ёки банкдан олинган имтиёзли кредит эвазига бунёд этмоқда. Унда ўзбек маҳалласининг муҳити яратилиши керак. Хонтахта, кўрпача, ёстиқ, ҳаттоки, идиш-товоқлар ҳам сопол ёки пахта гулли нусхада бўлса, меҳмон учун таом тандир ва ўчоқда тайёрланади. Биз ана шу жиҳатларимиз билангина хорижлик дўстларимизни ҳайратлантира оламиз.



Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ОДАМЛАРДА

боқимандалик йўқолиб, дахлдорлик туйғуси ортмоқда



Жорий йилнинг бошида маҳалла бошқаруви тизими ўзгариши билан кўплаб фаол хотин-қизлар мазкур янги тизимда раҳбарлик лавозимларига тайинландилар. Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Феруза РАҲИМОВА шундай фидоийи аёллардан бири. Опа билан суҳбатимиз маҳаллада бўлаётган ўзгаришлар ва одамларнинг бу ўзгаришларга муносабатидан бошланди.

— Айтинг-чи, Каттақўрғон маҳаллаларида йиғин ходимлари ва аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келган муаммолар қандай ечим топяпти?

— Мен ҳокимлик тизимида 7 йилда буён фаолият юритаман. Ундан аввал 8 йил давомида мактаб директори лавозимида ишлаганман. Илгари маҳалла фуқаролар йиғини раиси тўй-ҳашамларни очиб бериш, одамларга моддий ёрдам уюштириш билангина шуғулланарди. Ҳозирда эса вазият мутлақо ўзгариб кетди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига ишга ўтганимдан сўнг оилалар билан ишлашда нақадар муаммолар кўпчилигини англаётдим. Маҳалла, бу — ноёб тизим эканини, одамларни қийнаётган ижтимоий масалалар жиддий муаммога айланиб кетишдан олдин уларга ўз вақтида самарали ечим топиш кераклигини, аммо бу борада маҳалланинг ўзигагина бу ишни амалга ошира олмаслигини тушундим.

Бундан уч йил илгари Каттақўрғон шаҳридаги мавжуд 36 та маҳалла биноларининг деярли барчаси яроқсиз, таъмирталаб ҳолда, бунинг устига кадастр ҳужжатлари ҳам йўқ эди. Дастлаб ишни мазкур муаммони ҳал қилишдан бошладик. Чунки йиғин ходимларининг фаолият самарадорлиги кўпгина уларни муносиб иш шароити билан таъминлашга боғлиқ. Вилоят ва Каттақўрғон шаҳар ҳокимликлари, тегишли мутасаддиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати билан бу масала нисбатан қисқа муддатда ечим

топди. Натижада бугунги кунда шаҳардаги йиғинларнинг барчаси тўлиқ ўз бинолари ҳамда кадастр ҳужжатларига эга бўлдилар.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими биноси ҳам 1920 йилда қурилган маданий мерос объекти бўлиб, жуда ачинарли ҳолатга келиб қолган эди. Вилоят ҳокимининг амалий ёрдами билан бу бино ҳам капитал таъмирланди ва бугунги кунда барча қулайликларга эга бўлган бинога айланди.

— Ижтимоий муаммолар ҳақида гап кетганда, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи барибир тилга олинади. Шаҳар ва туманларда бу борада бири-бирига ўхшамайдиган турли юмушлар амалга ошириляпти. Кимдир ночор оилаларга жўжа, тикув машинаси ёки қорамол тарқатса, яна кимдир уларга ер берапти. Бу борада Каттақўрғон тажрибаси қандай?



— Агар таъбир ижоиз бўлса, маҳалла — халқ билан давлат ўртасидаги кўприқдир. Сиз айтган йўналиш бўйича «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида хонадонлардаги муаммолар ўрганиб чиқилди ва 1 минг 83 та камбағал деб топилган оила «темир дафтар»га киритилди. 225 хонадон сектор раҳбарлари, ҳомийлар ва маҳалла раислари ташаббуси билан таъмирланди.

Шу билан бирга, кам таъминланган, боқувчиси йўқ 4 та оиланинг электр токи улаб берилиб, уларнинг уйлари янги ҳисоблагичлар ўрнатилди. Шунингдек, 6 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила газ плитаси билан таъминланди, 1 нафарининг газдан қарздорлиги тўлаб берилди, 1 нафар тураржойи йўқ аёлга уй-жой бириктирилиб берилди. Бундан ташқари, чин етим бир нафар ёш қиз моддий рағбатлантирилди, чин етим бўлган коллеж битирувчисига диплом олишида кўмаклашилди, 13 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларга қурилиш материаллари



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Каттақўрғон шаҳрида ҳозирги кунда 87 минг 901 нафар аҳоли 18 минг 359 та хонадонда истиқомат қилади.

тарқатилди. 35 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга қишки иссиқ кийим ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Айрим ҳолларда бунча оила «темир дафтар»дан чиқарилиб, камбағаллар сафидан ўчирилди,

нотинч оилалар кўпчилигини ташкил этади. Оилада аёлга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳозир қай аҳволда?

— Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида «Зомин» маҳалласида нотинч оила аъзолари иштирокида маънавий-маърифий тадбир, бундан ташқари, маҳалла фаоллари, отинойилар, вилоят тарғибот гуруҳини жалб этган ҳолда, «Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзусида семинар ташкил этилди. Мазкур семинар давомида ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган бир оиланинг никоҳи расмийлаштирилди, ижтимоий кўмакка муҳтож оилада яшаётган 2 нафар болага туғилганлик ҳақида гувоҳномалар олиб берилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 13 нафар жиноятчиликка мойил бўлган, пробация ҳисобида турадиган хотин-қизларга тиббий психологик ёрдам кўрсатилиб, шаҳар ҳокими ва Республика ишчи гуруҳи, ички ишлар бўлими масъул ходимлари билан яқка тартибда суҳбат ўтказилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди, собиқ турмуш ўртоғидан иқтисодий тазйик ва зўравонликка учраган бир нафар аёлга «ҳимоя ордери» берилди.

«Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» тамойиллари асосида Каттақўрғон шаҳрида 26 та кўча таъмирланди. Бу борадаги барча ишларимиз давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонида асосан амалга оширилмоқда.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Ёрмамат РУСТАМОВ
суҳбатлашди.



Ўзбекистон 3-босқич клиник синовлари ижобий ўтган вакцинани харид қилади.

МУАММОЛАР ДАФТАРЛАРГА КИРИТИШ БИЛАНГИНА ҲАЛ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ...



— Сизнингча, бу борада яна нималарга эътибор бериш ва қандай юмушларни амалга ошириш лозим?

— Туманда хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, ёшлар билан аёлларга жуда катта шароит яратиш бўйича «Манзилли йўл хариталари» ишлаб чиқилмоқда. Менимча, номли дафтарларни шакллантириш ҳамда аниқланган муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида сектор раҳбарларининг ҳафтада бир маротаба муаммоли оилалар ва ижтимоий химояга муҳтож оилалардаги аёллар билан сайёр учрашувларини тизимли равишда ташкил этиш керак.

Шунингдек, дафтарлар электрон базасига киритилган аёлларнинг аниқланган муаммоларининг ҳал этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат «Жамоатчилик назорати» ишчи гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд барча маҳалларда уй бекалари ва ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Хунарманд» уюшмасининг жамоатчилик асосида ишлайдиган бўлимларини ташкил этиш ҳамда фуқаролар йиғинларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарининг битта хонада ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизими йўлга қўйилса, жуда яхши бўларди. Бундан ташқари, мавжуд барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилаётган «Аёллар маслаҳат маркази»га жамоатчилик асосида раҳбарлик қилаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кам фоизли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлар ажратиш, ушбу марказни ишсиз, ишни хоҳловчи аёллар бандлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий маслаҳат масканига айлантириш ҳам яхши самара беради, деб ўйлайман.

— «Темир дафтар»га киритилган оилалар таҳлил қилиняптими? Уларни қандай масалалар қийнамоқда?

— Туман бўйича мавжуд 30 минг 843 та хонадондаги 30

Барча йиғинларда бўлгани каби айни кунларда Самарқанд вилояти маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш бўйича амалий ишларга киришилди. Бу юмушга, айниқса, вилоятнинг Булунғур туманида катта эътибор қаратиляпти. Туман ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Абдували ҲАЗРАТҚУЛОВнинг фикрича, фақатгина бу билан хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиб бўлмайди.



ёшдан юқори бўлган 22 минг 858 нафар аёлнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш мақсадида 55 та маҳалла фуқаролар йиғинида бугунги кунда ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 6 декабрига қадар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан 21 минг 116 та хонадон хатловдан ўтказилиб, 20 минг 992 нафар аёл учун анкета сўровномалари тўлдирилди. Уларнинг 19 минг 812 нафари электрон базага киритилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган хонадонлар бўйича тўлдирилган анкета сўровномалари таҳлил қилинганда, 30 ёшдан юқори бўлган 2 минг 184 нафар аёл «темир дафтар»га киритилгани, 148 нафари боқувчисини йўқотгани, 171 нафари оиласидан ажрашгани аниқланган. Шунингдек, ишлаш истагани билдирган уй-бекалари 1 минг 604 нафарни ташкил қилди. 93 нафари тикувчилик қилишни, 106 нафари тадбиркорлик билан шуғулланишни, 197 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳамда 161 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга кириш истагани билдирган.

Шу билан бирга, мавжуд 55 та маҳалла фуқаролар йиғини кесимида рўйхатга олинган 51 та нотинч ва низоли оилада яшаб келаётган аёллар, 68 нафар «хи-



моя ордери»ни олишга муҳтож аёллар, турмуш ўртоғи ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйган, фарзандлари ва ўзи ҳуқуқий химояга муҳтож 38 нафар аёллар ҳам борлигини инкор қилолмаймиз.

— Ишсиз ёшлардан иборат кооперативлар тузилгани ҳақида эшитдик. Бу қандай тузилма ва у нима билан шуғулланади?

— Дарҳақиқат, бугунги кунда Булунғур туманида мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган жами 4 та — «Ёш тад томорқа», «Юқори Қўштамғали томорқа», «Мингтепа файзли ери», «Шунқорбек Синдаров» ишлаб чиқариш кооперативи мавжуд. Жумладан, «Ёш тад томорқа» ишлаб чиқариш кооперативи «Соҳибкор», «Бўдана», «Эрганакли» ва «Оқтош» маҳаллаларидаги камбағал оила аъзолари ва 56 нафар ишсиз ёшлардан иборат бўлиб, улар ажратилган 17 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Жорий йилда улар томонидан 15 гектар майдонга сабзавот экинлари экилиб, ҳосил йиғиштириб олинди. Худди шунингдек, 54 нафар ишсиз фуқарони бирлаштирган «Юқори Қўштамғали томорқа» ишлаб чиқариш кооперативининг ер майдони 21,1 гектарни ташкил қилади. Бу ерда ҳам 11 гектар майдонга сабзавот ва дуккакли экинлар экилиб ҳосил йиғиштириб олинди. Ажратиладиган субсидия миқдори 8,9 млн. сўмдан иборат.

— Туманда камбағал оилаларга эътибор қай даражада? Уларни қийнаётган муаммолар қандай ҳал этиляпти?

— Ҳозирги кунга қадар



туманда камбағал ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам тариқасида жами 4 та қорамол, 14 минг 120 та жўжа ва 190 та қўй етказиб берилди. Жумладан, «Бўдана» маҳалласида яшовчи 15 нафар, «Оқтош» йиғинида 22 нафар фуқаронинг ҳар бирига 20 сотихдан ер берилди. Бундан ташқари, худуднинг асосий ихтисослашувидан келиб чиқиб, 7,4 гектар ер майдонига помидор экиш учун 2 млн. 300 минг сўмдан субсидия ажратилди.

«Мингчинор» маҳалласида 25 та хонадон учун «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида помидор етиштириш учун 1 сотихдан иссиқхона қурилмоқда. «Олмазор» йиғини ҳудудидаги 50 гектар майдонда ҳам иссиқхона ташкил этилмоқда. У 50 та оилага 1 гектардан ажратилади. Натижада 250 та доимий ва 450 та мавсумий ишчи ўринлари ташкил этилади. Кооперация асосида чорвачиликни ташкил этиш бўйича «Янгиариқ» маҳалласида ташаббускор Ф.Боймуродов томонидан янги қорхона ташкил этиш, қорхонага банк кредити ҳисобидан 20 бош насли қорамол олиб бериш ва фуқароларга қорамол тарқатиш ташкил этилади.

Бундан ташқари, 2020 йилда ғалладан бўшаган майдонларга камбағал оила ва ишсиз фуқароларга такрорий экин экиш учун 407,9 гектар ер майдони ажратиб берилди. Шундан сабзавот 11,8 га., картошка 72,5 га., дуккакли 244,7 га., озуқа экинлари 11,3 га., бошқа экинлар 67,8 га. майдонга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экилди.

Шу ўринда бир гап. Маҳаллардаги айрим оилалар боқимандаликка шунчалик ўрганиб қолишганки, «кам таъминланган оилалар» рўйхатига кириш учун маҳалла оқсоқоли ва жамоатчилик комиссияси аъзолари билан даҳанаки жанг қилишгача боряптилар. Уларга «оилангизнинг даромади бу йил талабдаги меъёрдан ошган, энди бу рўйхатдан чиқариласиз» деб кўринг-чи, нақ балога қоласиз. Шикоят, аризабозлик бошланади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

«Mahalla» мухбири
Ёрмамат РУСТАМОВ
суҳбатлашди.

ЕР КАДРИГА

деҳқончилик

ҳадисини олган етади


Пайариқ тумани — тарихий манзиллардан ҳисобланиб, бу ерда жойлашган Имом ал-Бухорий мажмуасининг ўзиёқ қадим мозий томон етаклайди. Бежизга халқимиз орасида бу ер ҳақида: «Аллоҳнинг назари тушган маскан», деган нақл юрмайди. Чунки ҳудуд ери унумдор бўлиб, тупроғига чўп қадаса ҳам навниҳол бўлиб кўкаради.

Жорий йилда туманда деҳқончилик серҳосил бўлиб, халқнинг ризқи бут бўлди, десак, муболаға бўлмайди. «Пайариқ кластер» ва «Самарқанд коттон кластер» МЧЖлар ташкил этилиши ҳудуддаги 12 минг 459 гектар пахта даласида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга кўмаклашди. Пахта-тўқимачилик кластер корхоналари билан шартнома тузилиб, ғўза парваришлини амалга ошириши натижасида ҳосилдорлик кўлами ҳам ортди. Таъкидлаш жоизки, жорий йил давлатга 34 минг 370 тонна пахта топшириб, режа тўлиқ бажарилди.

Интенсив боғлар яратилмоқда

Туманда баҳорги мавсум бошидан буён маҳалла фаоллари томонидан экин экиш бўйича 44 минг 744 та хонадонда тарғибот ишлари олиб борилди. Мавсум бошидан буён 7 минг 909 гектар майдонга томорқа экинлари экилди. 31 та маҳалла фуқаролар йиғинида «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили бўйича 472 гектар майдонга қулупнай экиш ишлари амалга оширилиб, 18 минг 329 та мавсумий янги иш ўрни яратилди.

Худудда интенсив боғ яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Шўртепа» маҳалла фуқаролар йиғинида 350 гектар майдонга томчилатиб суғориш орқали интенсив боғ ташкил этилиб, 700 та янги иш ўрни яратилди. Айни дамда шу ҳудудда яна 300 гектар майдонга интенсив боғ яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу билан яна қўшимча



ДАРВОҚЕ...

Жорий йилда туманда 134 та оилавий ажралиш қайд этилган. 2019 йилда ушбу кўрсаткич 185 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилда 51 тага камайган. 117 та оила маҳалла фаоллари томонидан, 8 та оила туман даражасида яраштирилди.

600 нафар киши ишли бўлади.

Бундан ташқари, «Дўстлик» маҳалласи Ингичка қишлоғи ҳудудида ҳам 2000 гектар майдонда интенсив боғ яратиш ишлари режалаштирилган бўлиб, унинг амалга ошириши натижасида 4000 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланади. Ҳозирда бу ҳудудда боғ яратишни истаган боғбонлар рўйхати шакллантирилмоқда.

Дарахт бир йилда ҳосил бермаслиги мумкин, аммо авлоддан-авлодга ўтиб, ўз мевасини беради. Устига-устак, экологияни тозалашга хизмат қилади. Нуронийларимиз ва эски боғбонларимиз кўмаги билан ёшларга боғларни асраш ва уларни парваришlash борасида йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда. Шу боис «Фарзандларимга мендан боғ қолсин!» акцияси доирасида 16 минг 220 туп мевали ва 3 минг 296 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Бундай боғларнинг даромадлари ҳам ўзига хос. Ҳосил яхши ва мевалар мўл бўлса, экспорт салоҳияти

ҳам кўтарилиши тайин. Аҳолининг шахсий томорқаларига мавсум бошидан буён 79 минг 483 туп мевали, 16 минг 719 туп манзарали дарахтлар экилган. Шунингдек, боғ яратишда илғор технологиялар ва замонавий боғдорчилик усуллари ҳам кенг йўсинда фойдаланилмоқда. Бугун интенсив боғларнинг қулайлиги ва даромади ҳадисини олган киши борки, шундай боғ яратиш тараддудида. Хатто ўз томорқасида шундай боғлар яратишни истовчилар талайгина.

Меҳнат билан банд киши жиноятга қўл урмайди

Пайариқликлар томорқа ҳадисини ҳам олишган. Қиш кунига қарамай, айрим томорқаларда, янгича иссиқхоналарда турли хил кўчатлар, помидор ва бодринглар етиштирилиб, сотувга ҳам чиқариляпти. Маҳаллалар бир-бири билан томорқачилик ва боғдорчилик тажрибалари билан бўлишмоқда. Шундай маҳаллалар борки, банан етиштиришга ихтисослашмоқда. Яна қанчадан-қанча оилалар эса лимон парваришlash сир-асрорини аллақачон ўзлаштириб олишган, ундан даромад кўра бошлаган.

Албатта, меҳнат билан банд бўлган киши жиноятга қўл урмаслиги ёки ҳуқуқбузарликка вақти бўлмаслиги тайин. Иши ва даромади бор кишининг оиласида ҳам, маҳалласида ҳам ўз ўрни бўлади. Тумандаги қизғин иш жараёни оқибатида ҳудудда жиноятчилик кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан анча қисқарди. Маҳаллаларда йиғинлар раислари, ўринбосарлар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилган профилактика тадбирлари натижасида туман бўйича мавжуд 65 та маҳалланинг 34 тасида жиноятлар (талончилик, товламачилик, босқинчилик ва транс-



Дилфуза МАМАСОЛИЕВА,
Пайариқ тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

порт воситасини олиб қочиш каби турлари бўйича) содир этилмади. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оила-турмуш доирасидаги низоли ҳолатлар мавжуд бўлган 43 та оиланинг муаммолари кўриб чиқилиб, 27 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 14 та оила ажралиб кетишининг олди олинди. Бундан ташқари, проба-ция ҳисобида турган фуқароларнинг оилавий шароитлари ўрганилиб, кам таъминланган, пандемия даврида оғир шароитга тушиб қолган оилалардан 18 тасига ҳомийлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ободлик юртга ярашар

Янгилинишлар оғушидаги Пайариқнинг бугунги ҳаёти ҳавас қиларли. Истиқлол нуридан чирой очаётган қайси бир маҳалла ёки кўчасида бўлманг, ўзига хос ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Йўлларнинг ҳар қадамида гуллар поёндоз, замонавий архитектура талаблари асосида қад ростлаётган бинолар ва аҳоли тураржойлари сизни ўзига ром этади.

Шунга монанд ободлик ишлари ҳам авжида. Хусусан, жорий йилнинг ўзида туманда 475 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Уларга қарийб 1000 нафардан зиёд фуқаро жалб қилинди. Ободонлаштириш жараёнида 195 минг метр ариқлар қазилиб, тозаланди, 250 мингдан зиёд дарахтга шакл берилиб, оқланди, 295 туп дарахт кўчатлари ўтқазилди. 15 тоннадан зиёд чиқиндилар «Тоза ҳудуд» корхонаси орқали чиқариб ташланди.

14 минг 584 та объект, жумладан, 129 та кабристон, 2 та зиёратгоҳ, 14 минг 532 та аҳоли хонадони ва 50 та якка-ёлғиз, ногирон, қарияларнинг уйлари ободонлаштирилди. Бу ишларга 130 дан зиёд техникалар жалб қилинди.

Бир сўз билан айтганда, туманда ишлар қизғин. Деҳқончиликнинг ҳадисини олиб, ундан яхши даромад олаётган кишилар ернинг қадрига етишади. Дастурхонларимиз тўкинлиги, бозорларнинг арзонлигига ўз ҳиссаларини қўшишади. Излаган имкон топар, деб шунга айтишади-да. Келгуси йилда янги режалар ва янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси халқ фаровонлиги ва юрт равнақи учун хизмат қилиши тайин.



АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — халқ турмуш даражасини юксалтириш

Мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири – халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шартли сифатида белгиланган. Бу борада Президентимиз 2019 йил февраль ойида вилоятимизга ташрифи давомида хотин-қизлар, хусусан, қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича муҳим топшириқлар берган эди. Мазкур топшириқ ижроси доирасида туманимиздаги «Ибрат», «Теракзор», «Бешбулок» ҳамда «Дўстлик» маҳаллаларида 4 та тикувчилик цехи ишга туширилиши режалаштирилган.

Биргина «Ибрат» маҳалласида ишга туширилган «MISS MILEDI» МЧЖга қарашли «БАРАКА ЧЕВАРЛАРИ» тикувчилик цехида 300 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Дастлаб улар 2 та касб-хунар коллежи базасида ташкил этилган Хотин-қизларни тикувчилик касбига ўқитиш қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди.

Бугун «Ибрат» маҳалласида яна бир – «Garnet teks» тикув трикотаж цехи фаолият юритмоқда. Бу ерда 85 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Россия ва Тожикистон давлатлари билан шартнома тузган корхона йил охирига қадар 500 та ишчи ўрни яратмоқчи.

Вилоятимизда жорий йилнинг 15 июлдан «UZ.Hunarmand-Ta'lim» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мақсад – имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни, бандлиги таъминланмаган фуқароларни, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ҳунармандчилик билан шуғулланишга йўналтиришдир.

Ушбу лойиҳада қатнашиб, ўқиш истагини билдирган 20 нафар фуқаро билан 4 нафар устоз-хунарманд ўртасида шартномалар имзоланди. Шартнома ва буйруқларга асосан, устоз-хунармандларга ойлик, шогирдларга стипендия ва ўқув-машғулотларда ишлатилган хомашёлар учун маблағлар ажратилди. Ўқув-машғулотларни тугатган шогирд-хунармандларга сертификат ва ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномаси берилди.



Йигит-қизлар бандлиги таъминланди

Президентимизнинг топшириқлари асосида ишсиз аёллар ва ёшлар билан ишлашда «темир дафтар» сингари янгича тартиб асосида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни юритиш бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада махсус штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Туманда 4 минг 643 нафар камбағал аҳоли бор. «Темир дафтар»га киритилган 291 нафар ишсиз хотин-қизнинг 177 нафари ишга жойлаштирилди, шундан 3 нафари ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтди.

Бугунги кунда туманимизда 30 ёшдан юқори 16928 нафар аёл бўлиб, уларнинг 315 нафари ишга муҳтож. 14898 нафар (18-30 ёшлилар) йигит-қизларнинг эса 805 нафари ишсиз. Шу боис йил якунига қадар 21 нафар аёлни тадбиркорликка жалб этиш, 23 нафар хотин-қизга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томони-

5 та муҳим ташаббус доирасида вилоятда биринчилардан бўлиб, туманимизда Ахборот-кутубхона маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу хайрли ишнинг давоми сифатида туман марказида китоблар дунёси – «Book safe» фаолияти йўлга қўйилди.

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан «Ибрат» маҳалласидаги ичимлик суви етиб бормаган 1300 метр масофага ҳашар йўли билан тоза ичимлик суви қувири ётқизилди.

Ҳашар йўли билан барча маҳаллаларнинг ички йўллари-га тошли шағал ётқизилди.

дан 230 млн. сўм кредит ажратиш, 44 нафар ишсиз хотин-қизни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, 75 нафар хотин-қизни эса ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтишга кўмаклашиш режалаштирилган. Яна 32 нафар хотин-қиз касбга ўқитилади.

Ишсиз ёшларнинг эса 25 нафари қурилиш ишларига, 119 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 209 нафари тадбиркорлик субъектларида, 210 нафар ёшга ўзини ўзи банд қилиш йўналишлари бўйича фаолиятини ташкил этишга кўмаклашилади. 10 нафар қизга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 100 млн. сўм кредит ажратилади. Шу билан бирга, бандлиги таъминланмаган 80 нафар ёшни компьютер тизимларига хизмат кўрсатувчи мутахассис, электр пайвандлаш устаси, тракторчи-машинист, аёллар сартароши(модельер), бухгалтер, тикувчилик, рус тили каби йўналишларда қисқа муддатли қайта тайёрлов курсларида ҳунарга ўқитиш орқали касбий малакасини ошириб, тумандаги мавжуд бўш иш ўринларига жалб қилинмоқда.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили амалда

Фаолиятимиз натижадорлиги бевосита маҳаллаларимизнинг тинч ва осойишталигига боғлиқ. Шу боис тумандаги барча – 25 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарларини жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси



Шухрат ХУШМУРАТОВ,
Гулистон тумани ҳоки-ми ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

борасидаги касбий билим ва малакасини ошириш мақсадида онлайн ўқув машғулотлар, семинарлар ўтказилди. Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги криминоген жойларга 130 дан ортиқ видео-кузатув камералари ўрнатилди. Натижада 6 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 3 та маҳаллада жиноят қайтарилишига эришилди.

Кунлик тезкор маълумотлар асосида маҳаллаларда содир этилган ҳар бир жиноят муҳокама қилиниши алоҳида назоратга олинган. Жиноят кўп содир этилган маҳаллаларга ўз вақтида тақдимнома киритилиб, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганилмоқда.

Хавфсиз маҳаллани яратиш борасида ҳар ҳафтанинг пайшанбасида жазони ижро этиш муассасасидаги фуқароларнинг оила аъзолари, профилактик ҳисобда турганлар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган фуқаролар билан профилактик суҳбатлар олиб борилиб, аниқланган муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Шунингдек, ҳар шанба кунини маҳаллаларда аҳоли иштирокида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «Ёшларнинг профилактикаси», «Ёшларнинг профилактикаси», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» тарғиботи кунлари ўтказиб келиняпти. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида эса ҳафтанинг ҳар жума кунини соҳа мутахассислари иштирокида ўқув машғулотлари ўтказиб борилаяпти.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида «Фидокор ёшлар» гуруҳи ташкил этилиб, маҳаллалар ҳудудида патруллик гуруҳлари амалга оширилмоқда. Улар профилактика инспекторларини ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар ҳамда ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўз вақтида хабардор этмоқда. «Фидокор ёшлар» гуруҳи аъзолари маҳаллалар ҳудудидаги ташқи ва ички постларида ҳам фаолият олиб боришяпти.

ДАРВОҚЕ...

Жорий йилда 10 та маҳалла ўз хизмат биносига эга бўлди. Бешбулок қишлоқ фуқаролар йиғини биноси эса тўлиқ қайта таъмирланди.

3 декабрь ногиронлар кунини арафасида 39 та ногиронлиги бор шахсларга қўлтиқ таёқ, ҳасса, эшитиш мосламаси, ногиронлар аравачаси тарқатиб чиқилди.

KITOB DUNYOSI BOOK CAFE



АЁЛНИНГ БАНДЛИГИ РЎЗБОРГА МАДАД, ОИЛАГА КЎМАК ДЕГАНИ

Аёлларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан барқарорлиги, албатта, уларнинг бандлиги орқали таъминланади. Шу боис аёлларни муносиб иш билан таъминлаш, уларни касб-хунарга тайёрлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келятимиз. Бу борада Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этаётгир.

Туманда 22 нафар хунараманд расмий рўйхатдан ўтказилиб, уларга 110 нафар ишсизлар шогирд сифатида бириктирилди. Улар металдан буюм ясаш, каштачилик, миллий пойабзал, гул босилган газлама ва чокли буюмлар йўналишлари бўйича касбга ўқитилди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ҳам 110 нафар ишсиз хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган 55 нафар хотин-қиз умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига, соғлиқни сақлаш тизимига, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди. Кам таъминланган оилалардаги 32 нафар хотин-қиз «Бахт текс Фарм», «Сирдарё барака чеварлари», «Мега Люкс» тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштирилди. Икки нафарига тадбиркорлик қилиш учун имтиёзли кредит берилиб, 26 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Иш билан таъминланмаган, қарамоғида ногирон фарзанди бор хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни уй шароитида доимий даромад манбаига эга бўлиш имкониятларини яратиш мақсадида 10 нафар аёлга Касаба уюшмалари федерацияси томонидан тикув машиналари олиб берилди. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 89 нафар хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилган бўлиб, шундан 46 нафари ҳозирда ўз фаолиятини бошлаган.

Норасмий фаолият юритаётган хунараманднинг 16 нафари расмий рўйхатдан ўтказилиб, 11 нафари «Хунараманд» уюшмасига аъзо қилинди. 9 нафарига имтиёзли



кредит олишда амалий ёрдам берилди.

163 нафар хотин-қизга 4 млрд. 714 млн. 300 минг сўмлик кредит берилди

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва иш ўринлари яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 ойи давомида 163 нафар хотин-қизга иссиқхона қуриш, тикувчилик, паррандачилик, қуёнчилик ва хунарамандчилик йўналишлари бўйича «Ҳар бир оила – тадбиркор» лойиҳаси доирасида 4 млрд. 714 млн. 300 минг сўмлик кредит маблағлари берилди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан эса 691 млн. сўм пул маблағи миқдоридagi кредит 33 нафар хотин-қизга ажратилди. Ушбу аёллар ажратилган кредитлар асосида тикувчилик, қандолатчилик, иссиқхона ва гўзаллик салони ташкил этиб, 103 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади.

Туманда тадбиркорлик қилиш ва ўз тадбиркорлигини кенгайтириш истагида бўлган хотин-қизлар учун семинарлар ўтказиб келинапти. Жумладан, «Кўёш» маҳалласида ўтказилган семинарда томорқадан унумли фойдаланиш ва даромад олиш, иссиқхоналар ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳатлар берилди. Ўн кун давом этган семинарда 250 дан ортиқ хотин-қиз қатнашиб, томорқасини даромад манбаига айлантирган, иссиқхоналардан даромад олаётган хонадонларга ташриф буюриб, амалда ўрганиш ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Малик агросаноат касб-хунара коллежида ишсиз хотин-қизларни бўш иш ўринларига жалб этиш мақсадида ўтказилган семинарда имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлигини бошлаган хотин-қизлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашди.

Нуронийлар – доимий эътиборимизда

Нуронийлар, айниқса, якка-ёлғиз кексалар ҳамда ўзгалар парва-

ришига муҳтожлар доимий эътиборимизда. Кексаларимиз сафида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti иштирокчилари ҳам бор. «Аёллар мурувват» уйида истиқомат қилаётган 250 нафар аёлларни йўқлаш ҳам анъанага кирган. Улар учун доимий хайрия тадбирлари ўтказиб турилади.

Кексаларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун 1 ноябрдан 30 ноябрга қадар ўтказилган «Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа тарихий обидаларга саёҳат ташкил этилди.

Маҳаллаларда ташкил этилган «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари», «Кексалар маслаҳати» гуруҳи ва «Бувижонлар мактаби» аъзолари иштирокида аҳоли ва ёшлар ўртасида «Одамларга меҳр-оқибат, одамийлик ва эзгулик улашиш», «Ёшлар ўртасида дўстлар орттириш имконияти қай даражада мавжуд», «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, кўни-кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида «Кўшнинг тинч, сен тинч», «Бир болага етти маҳалла ота-она» мавзуларида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Сувсиз кўчаларга сув келди, кўчалар чароғон бўлди

«Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида ўтказилган «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» дастури доирасида маҳаллалар, хонадонлар тартибга келтирилиб, аҳоли уй-жойлари оқланди, 3224 та якка тартибдаги ва 162 та кўп қаватли уйдаги камбағал оилаларда ҳашар уюштирилиб, хонадонлари таъмирлаб берилди. 197



Аҳад ДЎСМАТОВ,
Сирдарё тумани ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

та кўча тартибга келтирилиб, 26,7 километр йўл таъмирланди. 116 та тунги ёриткичлар ўрнатилиб, 8 км. электр симлари тартибга келтирилди. 8 та кўчага оқова сув келди.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили ўз самарасини бермоқда

Жорий йил тумандаги 38 та маҳалладан 21 тасида (2019 йил 15 та) жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган, 5 тасида (2019 йил 10 та) жиноят камайишига эришилган бўлса, 8 тасида (2019 йил 8 та) эса барқарор натижа сақланиб қолинишига эришилди. Шу билан бир қаторда, 4 та (2019 йил 12 та) маҳаллада жиноят салмоғи ошган.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, маҳалла ва жамоатчилик билан олиб борилган огоҳлантирув-профилактик ва тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида туман ҳудудида қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш каби оғир турдаги, шунингдек, автоуловни олиб қочиш каби жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади. Талончилик жинояти борасида барқарор кўрсаткичда қолишга эришилган бўлса, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар эса туман миқёсида 4 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (2019 йили 10 та содир этилган) 6 тага камайишига эришилган.

Туман ҳудудида жиноятларнинг келгусида содир этилишининг олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш билан бир қаторда, жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини тўлақонли таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар органлари, Миллий гвардия, «Фидокор ёшлар» гуруҳи аъзолари имкониятидан кенг фойдаланиш борасида ўзаро ҳамкорлик янада кучайтирилди. Ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш борасида узлуксиз ҳамкорлик қаттиқ назорат остида олинди.

Афсуски, узоқ йиллар туманимизда соғлиқни сақлаш, аҳолини уй-жой ва доимий иш билан таъминлаш, таълим каби ижтимоий муаммолар тўп-ланиб қолганди. Сув, газ, сифатли йўллар, истироҳат боғлари ва спорт иншоотларининг етишмаслиги одамларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини пасайтирди.



БОЁВУТДА бунёдкорликлар бўй кўрсатмоқда



Саодат МИРЗАЕВА,
Боёвут тумани ҳокими ўрин-
босари, Маҳалла ва оилани қўл-
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.



ташқари, парламент юқори палатаси раиси Т.Нарбаева Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва «Учтургон» маҳалла фуқаролар йиғини биноларининг очилишида иштирок этди.

Маҳалла ходимларига зарур иш шароитлари яратилмоқда

Дарҳақиқат, бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла фуқаролар йиғини ходимларига етарли иш шароитини яратиш, моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича туманда бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2 та маҳалла биноси бугунги кун талаблари асосида янгидан қурилди, 3 таси жорий таъмирланди, 5 та фуқаролар йиғини компьютер жиҳозлари билан таъминланди.

Яна 5 та маҳаллада янги замонавий «Маҳалла марказлари» бинолари қурилмоқда. «Маҳалла маркази» бинолари ота-оналар, мактаб ҳамда маҳалла ҳамкорлигини яхшилаш мақсадида маҳалладаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудида қурилмоқда. Бинолар 5 та хонадан иборат бўлиб, 4 та хона маҳалла маркази ходимлари учун, 1 та хона эса кутубхона учун ажратилмоқда. Кутубхонага маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 3000 донна китоблар олиб берилиши орқали 1 нафар ишсиз аёл иш билан таъминланади. Бундан ташқари, 4 нафар ишсиз ёш тадбиркор сифатида банкдан 84 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, пуллик компьютер хизматини ташкил қилади.

Хотин-қизлар муаммолари ҳал этилмоқда

Боёвут туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тад-

бирлар дастури ишлаб чиқилган. Аввало, уйма-уй юрган ҳолда 156 нафар хотин-қизнинг муаммолари аниқланиб, 160 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди, 37 нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Жумладан, 8 нафарининг уй-жойлари жорий таъмирланди, 3 нафарига тикув машинаси берилди. 2 нафарининг коммунал тўловдан қарздорлиги тўланди. 18 нафарининг тиббий ёрдам масаласида мавжуд муаммолари бартараф этилиб, 6 нафарига республикамиз ҳудудларидаги сihat-гоҳларда даволаниши учун бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Шунингдек, «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, яқка-ёлғиз яшаётган 112 та оиланинг уй-жойлари жорий ва капитал таъмирлаб берилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг оилавий шароитини яхшилаш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 44 нафар хотин-қизга 568 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 58 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланишига эришилди. Шунингдек, реабилитация воситаларига эҳтиёжи бўлган 22 нафар хотин-қиз ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар билан таъминланди. 47 нафар оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизнинг барчаси ишли қилинди.

«Темир дафтар»га киритилган 2 минг 905 та оиланинг 430 нафар хотин-қизлари ҳам доимий иш билан таъминланди, «темир дафтар»дан чиқарилди.

5 ойда 500 та иш ўрни яратилди

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига асосан, Боёвут

шаҳарчаси ҳудудидаги бўш турган давлат объекти ўрнида «SELLO MODA» МЧЖ томонидан қиймати 2,5 млрд. сўм бўлган тикувчилик фабрикаси ташкил этиш белгиланган эди. 5 ой муддатда бино қайта реконструкция қилиниб, 500 та иш ўрни ва йилига 18 минг донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика қуриб битказилди.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари Италия, Россия, Чехия, Беларусь ва Қозғоғистонга экспорт қилинадиган корхонада 350 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. «SELLO MODA» МЧЖ томонидан келгусида қўшимча 100 иш ўринли тикув цехи қурилиши ҳам назарда тутилган ва бунинг учун амалий ишлар бошланган.

Шунингдек, кам таъминланган 120 нафар ишсиз хотин-қиз Муқимий номли маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган «Боёвут Барака чеварлари» корхонасида меҳнат қилиб, оиласига даромад келтирмоқда.

Етиштирилган пахта ҳосилини туманининг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказадиган «Боёвут техно кластер» корхонаси томонидан ҳам амалий ишларга қўл урилмоқда. Биргина ип-йигирув фабрикасининг қурилиши туфайли келгусида 900 та янги иш ўринлари яратилади.

Нурли келажак тимсоли яратилди

Боёвут туманининг марказидан оқиб ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали қирғоғида замонавий кўринишдаги майдон барпо қилинди. Майдонни янгитдан барпо этиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан мақсад, бахтли оила ва нурли келажакимиз тимсолини яратишдир. Бугун ушбу майдон сув бўйида ўзининг замонавий меъморий ечими билан сўлим сайилгоҳ, мўъжаз зиёратгоҳга айланди.

Қолаверса, туман ҳокимлиги биносига яқин жойлашган ҳудуд қайтадан реконструкция қилиниб, унинг марказида юртимиз байроғи ўрнатилди. Бунга қадар туман марказида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва оилавий ташриф буюриладиган сайилгоҳ йўқ эди. «Юрт байроғи» майдони савдо мажмуалари, мусиқий фаввора, ёшлар ва нурунийлар масканидан иборат ансамбль туман аҳолисининг оилавий ташриф буюриб, маданий ҳордиқ чиқарадиган сайилгоҳга айланиб улгурди.

Шукрки, бугун бевосита Президентимизнинг ташаббуслари билан мазкур муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб борилмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам доимий эътиборда.

Биргина Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги «2020-2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастур доирасида туманда 50 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 2632 та янги иш ўрни яратилади. Қолаверса, 5 та мактабгача таълим, 4 та умумтаълим мактаби реконструкция қилиниши, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаси таъмирланиши, туман тиббиёт бирлашмаси 5 турдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланиши ҳамда 5 та маданий объект қурилиши режалаштирилган.

Аҳамиятлиси, Боёвут туманида қисқа вақт ичида бир қатор эзгу ишлар рўёбга чиқарилди. Хусусан, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун маскан, оилавий ташриф буюриладиган сайилгоҳ, хотира мажмуалари қурилди. Йўл, коммунал хизмати ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантириш, ижтимоий соҳа ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги лойиҳалар ишга туширилди.

Куни кеча туманда мазкур дастур доирасида «Ўзбекистоним – шон-шухратим, Боёвутим – саодатим!» мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нарбаева мазкур семинар доирасида бир қатор объектларга ташриф буюрди ҳамда туманда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Хусусан, Сенат раиси «Боёвут туманини обод марказга айлантирмиш» мажмуасида бўлди. Бундан

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»

Оилалар фаровонлигига хизмат қиляптими?

Олтинсой тумани — Сурхон воҳасида ўзининг бетакрор табиати, меҳнаткаш ва меҳмондўст одамлари билан ажралиб туради. Айниқса, олтинсойликлар узум етиштиришнинг ҳадисини олган ва бу ҳақида афсоналар ҳам бор. Эмишки, Амир Темур бобомиз Бойсунда яшаган Ҳазрат Вале Балагордон билан кўришмоқ учун келганида Ҳазрат каромат кўрсатиб, ғойибдан узум олган экан.

Соҳибқирон учун олинган узум ниҳоли Олтинсой тупроғига қадалган экан. Бу афсона ҳаётга қанчалик яқин экани бизга қоронғи, аммо туманда етиштирилдиган узумларнинг мазаси тилни ёриши аниқ. Бу эса Олтинсойнинг бугунги иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал этишда қўл келиши тайин.

Узумчиликдаги ютуқлар қайтади

Айтиш керакки, ўтган давр мобайнида мавжуд узумзорлардан унумли фойдаланилмади. Узум етиштиришда айрим камчиликлар юзага келди. Шу боис туманнинг мазкур соҳадаги салоҳиятидан тўла фойдаланиш учун 2020-2021 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, яроқсиз ва иқтисодий самарасиз тоқзорлар ва боғлар ўрнига янгидан замонавий тоқзорлар ва интенсив боғлар барпо этилади. Шунингдек, узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни кластер усулида ишлаш, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, туманда «Best-veg» МЧЖ шаклидаги корхона фаолият юритиб келмоқда. Мазкур корхонада 20 минг тонна сабзавотларни қуритиш ва хо-



рижга экспорт қилиш имконияти мавжуд. Ўтган йили ушбу корхона томонидан 2 миллион долларлик қуритилган қизил лавлаги, ширин булғар қалампири ва қуритилган пиёз ҳамкорларга етказиб берилди. Жорий йилдан бошлаб сабзавотчилик кластери жамоаси салкам 1,5 гектар майдондаги иссиқхонада кластерга бириктирилди. У ерда 17 та фермер хўжалиги учун сабзавот экинлари кўчатлари етиштирилмоқда.

Туманнинг иқтисодий аҳволи ҳақида гап кетганда, тадбиркорлик, ишлаб чиқаришда қўлга кириштирилган ютуқларни ҳам эътироф этиш зарур. Бугунги кунда ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг ривожланиши ялпи ички маҳсулот ўсишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 9 ойи якунида саноат маҳсулотлари 105,4 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 101,8 фоизга, хизматлар 100,7 фоизга, савдо 85,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 103 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткичларнинг асосий улуши фермер ва тадбиркорлик субъектларига тўғри келади. Бу эса туман тадбиркорларининг эришаётган ютуқлари далолати-дир.

Аёллар бандлиги қандай таъминланмоқда?

Шу ўринда юртимизда долзарб масала бўлиб турган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Олтинсой туманида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва уларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш мақсадида 128 та ижтимоий кам таъминланган хотин-қизларга олий ўқув юртига кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилди. Шунингдек, уларни касб-хунарга ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 390 нафар аёл гиламдўзлик, тикувчилик ва қандолатчилик бўйича ўқитилди. Қолаверса, 46 нафар кам таъминланган ва эҳтиёжманд аёлларга иссиқхона қуриши учун 156 млн. сўмлик субсидия маблағлари берилди.

Ҳозирги кунда туманда 54 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳар бир маҳаллада «Аёллар дафтари» бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилган. Улар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ишсиз хотин-қизлар рўйхати шакллантирилган. Ҳозирги кунда туманда 1 минг 32 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида 823 нафар, касбга ва қайта касбга ўқитиш борасида 50 нафар хотин-қиз ўзини ўз банд қилган.

Эътиборлиси, туманда хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун 350 нафар ўринга мўлжалланган тикувчилик корхонаси ташкил этилиб, лойиҳанинг биринчи босқичида 220 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу кўрсаткичлар туман иқтисодини барқарорлаштириш билан бирга, аҳоли ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларга ҳам ечим бўлади.

Туризм имкониятлари кенг

Олтинсойнинг туризм салоҳияти ҳам юқори. Хусусан, шу вақтгача ички зиёрат туризми мавжуд эди. Воҳанинг бошқа туманларида яшайдиган кўпгина юртдошларимиз Катта ваҳшивор қишлоғида мангу кўним топган улуғ аллома Сўфи Оллоёр бобомиз зиёратига келади. У ерда нафақат Сўфи Оллоёр бобомизнинг мақбараси, балки у

Қудрат САФАРОВ,
Олтинсой тумани ҳоқими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.

киши ҳаётлик чоғида экилган тут дарахти ва қадимий масжид ҳам бор. Бу ҳам келаётган меҳмонлар қизиқишини оширади.

Яна бир ҳудуд — тоғ бағрида жойлашган «Хўжаипок ота» зиёратгоҳидир. Ушбу зиёратгоҳ ёнидан оқиб ўтган дарё ва ҳудуднинг табиий иқлим шароити санаторий-курорт муассасаларини ривожлантириш, агро, тиббиёт ва зиёрат туризми учун қулай. Бу ердан минерал шифобахш сув оқиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, ғордан оқиб чиқадиган олтингургут суви ўн бешдан ортиқ оғир, ўткир ва юқумли касалликлардан фориг бўлишга ёрдам беради. Табиий самарали восита сифатида таянч ҳаракат тизими, акушер-гинекологик касалликлар, асаб тизими, жигар, буйрак, тери таносил ва бошқа хасталикларни даволашга кўмаклашади.

Эндиликда юртдошларимиз замонавий масканда малакали шифокорлар назоратида бу имкониятдан янада унумли фойдаланиши мумкин бўлди. Яъни «Хўжаипок ота» зиёратгоҳи яқинида 200 ўринли замонавий санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси барпо этилди. Ушбу беш қаватли мажмуа барча замонавий қулайликларга эга бўлиб, уни қуриб фойдаланишга топшириш учун 85 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бу ерда 200 ўринга мўлжалланган маданият саройи, 10 минг китоб фондига эга кутубхона, турли рангда жилланидиган фаввора қурилган. Санаторийда 20 дан ортиқ физиотерапевтик даволашга мослаштирилган замонавий ускуналар, шунингдек, УзИ, ЭКГ ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилган. Фитобар, ёпиқ бассейн мавжуд. Бу ерда кардиологик, неврологик, таянч ҳаракат, гинекологик, стоматологик, урологик ва бошқа касалликларга даволаниш учун барча шароит яратилиб, 150 киши иш билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, Олтинсой тумани ҳам янгича қиёфа касб этиб боряпти. Ушбу жараёнда маҳалла тизими ходимларининг ҳам ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради. Шу билан бирга, туманимиз, шу орқали Ватанимиз истиқболига хизмат қилишдек шарафли юмушни бажаришда халқимиз билан ҳамжиҳат бўлишни ният қилганмиз.



Россиянинг коронавирусга қарши «Спутник В» вакцинаси Ўзбекистонга олиб келинди.

ХУДУДДАГИ ЎЗГАРИШЛАР одамлар ҳаётида акс этяптими?



Айни пайтда бажарётган ишларимиз келажакимизнинг қандай бўлишини белгилаб беради. Шунинг учун бугун ижтимоий-иқтисодий барқарорлик йўлида изчил ислохотлар олиб бориляпти. Албатта, иқтисодий барқарорлик бўлган жойда жиноятчилик, оилавий низолар каби ижтимоий муаммолар ҳам камаяди. Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шундай масалаларни ечишга қаратилган катта ўзгаришлар бошланди.

Буни амалга ошириш осон эмаслиги аниқ. Лекин буни бажармасдан ҳам бўлмайди. Мана шу мураккаб жараёнда эса маҳалла фаолларининг ўрни ҳар доимгидан да муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда маҳалла институтига алоҳида эътибор қаратилиб, вазирлик ташкил этилиши ана шу улкан мақсадга эришиш томон ташланган катта қадамлардан бири бўлди. Энди вазирлик зиммасидаги мана шу вазифаларни тўғри ва тўлиқ бажариш учун ҳар бир маҳалла раисидан тортиб, оддий фуқаросигача бирдек ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Кексаларни эъзозлаган кам бўлмайди

Президентимиз ижобий ўзгаришларни инсонлар ўз ҳаёти мисолида бугун ҳис этиши кераклигини бежиз таъкидламайди. Юртдошларимиз оғирини енгил қилиш, жамиятдаги муаммоларни ҳал этиш бугунимизнинг долзарб вазифасидир. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз азалдан ҳар бир ишни

адо этишда ҳаёт тажрибасига эга нуронийлардан маслаҳат сўраган, уларнинг умр йўлидан ибрат олган. Бугун туманимизда амалга оширилаётган ҳар бир ўзгаришда ана шундай нуронийларимизнинг ҳиссаси бор. Таъкидлаш керакки, ҳудуддаги 103 та маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий фаол кексалардан иборат «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва «Фахрийлар ибрати» кенгашлари ташкил этилган. Мазкур гуруҳларга меҳнат фаолиятида ютуқларга эришган, жамиятда, шу билан бирга, ўзи яшаётган маҳаллада оиласи намунали бўлган, ўз ўрнини топган фахрий кексалар жалб қилинган.

Ўз ўрнида нуронийларимизга ғамхўрлик қилиш ҳам маҳалла фаолларининг вазифасидир. Шунинг учун кексалар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир маҳалладаги нуронийлар бошчилигида кекса отахон ва онахонларнинг ҳар куни эрталаб 6.00 дан 7.00 га қадар, кечки пайт соат 20.00 дан 21.00 га қадар кунига 1 соат пиёда юришлари ташкил этилди. Шунингдек, якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, ҳар бирига ҳар ойда 153 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Қолаверса, маҳалла раислари ўз ҳудудидаги кексалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туришини таъминлади.

Яна бир жиҳат: ёшларга тўғри тарбия бериш, уларни юрт равнақиға ҳисса қўшадиган авлод қилиб улғайтиришда нуронийлар ўрни беқиёс. Шу боис икки авлод ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатиш мақсадида ёлғиз кексаларнинг уй-жойлари, хонадонларини ободонлаштириш ишларига ёшларни жалб этишга аҳамият берилмоқда. Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда маҳалла-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Тадбиркорлик фаолиятининг бошламоқчимисиз? Денов тумани ҳокимлиги сизга ёрдам беради.

Денов тумани ҳокимлиги ҳисобидаги захира ерларида томчилатиб суғориш технологиялари асосида янги боғ ва узумзорлар ташкил этадиган ташаббускорларга сув таъминотини яхшилаш мақсадида 35 гектарга 1 донга ўрнатиладиган бурғулаш қудуғи учун 120 миллион сўмгача қайтарилмаслик шарти билан субсидия берилади.

Томчилатиб суғориш технологиялари асосида янги ташкил этилган 1 гектар боғ ва узумзорлар учун 8 миллион сўмгача қайтарилмаслик шарти билан субсидия берилади.

лардаги ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 22 нафар кексага жамоатчилик ҳамширалари бириктирилиб, уларга тиббий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Аёллар бандлиги — маҳалла тинчлиги демакдир

Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка ўргатиш, яшаш шароитларини яхшилаш масаласида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган муддат ичида ишсиз хотин-қизларнинг 2 минг 239 нафарининг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, 374

Маҳмуд РАСУЛОВ,
Денов тумани ҳокими ўринбосари,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

нафар опа-сингилларимиз корхона ва ташкилотларга, 950 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган бўлса, 334 нафари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Айни вақтда касбга ўқиш ниятида бўлган 504 нафар хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилди. Тумандаги тадбиркорлар томонидан 224 нафар аёлга иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, айни мақсадларда 224 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган тикувчилик корхонаси ташкил этилиб, унга 1,5 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан ҳар ойда касб-хунарга ўқитилаётган хотин-қизларнинг ҳар бирига 223 минг сўмдан стипендия ҳамда уларга хунар ўргатаётган ўқитувчиларга иш хақи тўлаб берилмоқда.

Айни пайтда туманимизда 30 нафар хотин-қиз гилам тўқиш асбоб-ускуналари билан таъминланиб, уларни айни йўналишда касб-хунарга ўргатиш мақсадида жамғарма томонидан 91 млн. сўм маблағ ажратилди. Қолаверса, 150 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган гилам тўқиш цехини ташкил этиш учун 115 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Маҳаллада тадбиркорлар кўп бўлса...

Маҳаллаларда ишбилармонлар сафи қанча кўп бўлса, ҳудудлар шунчалик обод бўлиб бораверади. Улар билан баҳамжиҳат фаолият олиб бориш эса маҳаллалар зиммасидаги яна бир вазифадир. Бунга туманимиздан мисоллар кўп. Жумладан, «Гулистон» маҳалласида жойлашган «Фидойи-А-6» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан Гулистон шохқўчасининг бир қисми кенгайтирилиб, асфальт қилиб берилди. «Кўзичоқли» йиғинидаги 2516-автокорхона ҳомийлигида Бешкапа кўчасининг носоз қисмига шағал тўкиб берилди.

Шунингдек, «Остона» йиғинида яшовчи тадбиркор Эшбой Бобомуродов яшаш уйида 28 ўринли болалар боғчаси очиб, тўртта иш ўрни яратди. Умуман олганда, туманимизнинг ривожланиши ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишда тадбиркорларимизнинг ўз ўрни бор. Улар давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан тўғри фойдалана олишида эса маҳалла институтининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда, келгуси ишларимизни режалаштириб олганмиз. Умид қиламиз, режадаги ишларни тўла адо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Ўзбекистонда «ToBRFV» вирусига чидамли биринчи помидор нави яратилди.

ОДАМЛАР ҲАР КУНИ

янгиликлар оғушида яшамоқда

Сурхон воҳасининг баланд тоғлар бағрида жойлашган Сариосиё туманининг гўзал табиатига монанд очиққўнғил, меҳнаткаш ва самимий инсонлари юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган изчил ўзгаришлар туман аҳли кўнглида эртанги кунга ишонч руҳини янада мустаҳкамламоқда. Бу ўз-ўзидан фарзандлар келажагига ҳам дахлдордир.

Шу маънода туманимиздаги бунёдкорлик ишлари орасида таълим масканларига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Жумладан, Шарғун шаҳри «Боғишамол» маҳалласи ҳудудида «Азбука-зиё» МЧЖ томонидан 75 ўринга мўлжалланган «Илк қадам» нодавлат мактабгача таълим маскани қуриб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга ушбу таълим ташкилотига 11 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Умумий қиймати 1 млрд. 700 млн. сўм бўлган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1 млрд. 140 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилгани юртимизда ёшлар таълимига қаратилаётган эътибордан дарак. Қувонарлиси, туманимиз миқёсида бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Кичик ГЭС қурилиши якунланмоқда

Халқимизни рози қилиш учун бугун мамлакатимиз миқёсида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу ўзгаришлар катта шаҳарлардан тортиб, олис маҳаллаларда ҳам бирдек намоён бўлиши зарур. Шундан келиб чиқиб, туманимизда ҳам халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига босқичма-босқич ечим топиляпти. Жумладан, лойиҳа қиймати 80,4 миллион доллар бўлган «Зарчоб-1» кичик ГЭСи декабрь ойи сўнггида фойдаланишга топширилади. Ушбу лойиҳанинг қуввати 37,80 МВт.дир



Жиззахда 168 ўринли мактаб қурилиши учун тендерсиз шартнома тузилди. Лойиҳага 65 миллиард сўм ажратилган.



«Зарчоб-1» кичик ГЭСга 2 та гидроагрегат ўрнатиш белгиланган бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, созлаш ва синовдан ўтказиш, автоматик тизим бошқарувини марказлашган тарзда мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу объектдаги қурилиш ишлари 2017 йилнинг август ойида бошланган эди. ГЭС учун зарурий технологик қурилмалар Хитойнинг етакчи компаниялари томонидан етказиб берилди. Эътиборлиси, ушбу ГЭС ишга тушгач, Сариосиё, Узун, Денов, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой туманлари маҳаллаларига электр етказиб берилади ва ҳозир мавжуд муаммолар ечим топади. Қолаверса, 80 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Маҳаллаларда қанча иш ўрни яратилди?

Албатта, бундай катта лойиҳа-

лар туман, хусусан, аҳоли ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, бугун Сариосиё туманида тадбиркорликни кенгайтириш, ҳудуднинг имкониятларидан оқилона фойдаланишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, юртдошларимиз иш билан таъминланаяпти.

Жумладан, «Нурбулоқ» маҳалласи ҳудудида иш фаолиятини бошлаган «Нури Ниҳон» МЧЖ қиймати 4 млрд. 400 млн. сўм бўлган тикувчилик дастгоҳлари ўрнатиб, ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйди. Ушбу тикув цехида бугунги кунда 104 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Эътиборлиси, ойига 45 минг дона тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, экспорт қилинмоқда.

Яна бир ташаббус — «Янги ҳаёт» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Asia electron» МЧЖ томонидан умумий қиймати 15 млн. доллар бўлган «Маиший техника ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш» лойиҳасига қўл урилди. Ушбу лойиҳа икки босқичда — 2021-2022 йилларда амалга оширилади. Натижада 200 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Яна бир мисол — Шарғун шаҳридаги «Кончилар» маҳалласида «Шарғун локомотив ғишт заводи» МЧЖ томонидан қунига 24 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали маҳалладаги 20 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Чорвачилик ҳадисини олган боғдорчиликда бошқаларга намуна

Сариосиё деганда, кўз олдимизга баланд тоғлар билан бирга, ана шу қирларда ўтлаб юрган қўй-қўзилар, мол боқиб юрган чў-



Шухрат РАҲМОНОВ,
Сариосиё тумани ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

понлар ва чўққилар этагига ниҳол қадаб, боғ яратган боғбонлар келади. Дарҳақиқат, сариосиёликлар азалдан чорвачиликнинг ҳадисини олган, боғдорчиликда бошқаларга ҳам намуна бўлиб келган.

Бугун ана шу инсонларнинг авлодлари тобора глобаллашиб бораётган бозор иқтисодиётига мослашиб, соҳадаги илғор технологияларни ўзлаштириб бормоқда. Биргина чорвачилик мисолида оладиган бўлсак, ҳозир катта яйловларни банд қилмасдан, кўпроқ даромад олиш зарурати туғилмоқда. Бунда хориж тажрибасини ўрганиш, хусусан, насли молларни олиб келиш керак. Бу борада ҳам чорводорларимиз қувонарли ишларга бош қўшган.

Жумладан, «Теракзор» маҳалласида «Имкон» хусусий фермер хўжалиги томонидан 2 млрд. сўм кредит маблағи эвазига бўрдоқчилик комплексини ташкил этиш мақсадида Украина давлатидан 161 бош сергўшт «Абердин-ангус» қора-мол зоти олиб келинди, 10 та янги иш ўрни ташкил этилди. Кейинги босқичда ғўшт ва сутни қайта ишлаш технологиясини олиб келиш режалаштирилган. Шунингдек, «Себзор» маҳалласидаги «Феруз» фермер хўжалиги томонидан Украина давлатидан 121 бош зотдор қорамоллар олиб келинди.

Шу ўринда таъкидлаш керак, «Теракзор» маҳалласи Телпакчинор қишлоғида «Телпакчинор омади» деҳқон хўжалиги томонидан куз-қиш мавсумига мўлжалланган серҳосил ва эртапишар навли сабзавот ниҳоллари етиштириш йўлга қўйилган. Деҳқон хўжалиги томонидан иссиқхонада помидор, бодринг, бақлажон ҳамда булғор қалампирининг касалликка бардошли ва эртапишар навлари етиштирилиб, маҳалладаги ишсиз ёшлар иш билан банд қилинган.

Умуман олганда, сариосиёликлар ҳар куни қандайдир янгиликка қўл уриб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиб истагида яшамоқда. Уларнинг бу истагини амалга оширишда эса маҳалла фаолларининг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарлидир.

Жамият ривожланиши, аҳоли турмуш тарзи яхшиланишига энг кўп ким масъул? Ишониб сайланилган депутатларми ёки йўналиши бўйича вазирлик масъулларими? Балки ҳар бир инсон ўзи учун ўзи ҳаракат қилиш вақти келгандир? Бугун турли манбаларда Ўзбекистоннинг рейтинглардаги ўрни юқорилаётгани, халқаро экспертлар ислохотлар одимини юқори баҳолаётгани ҳақида ўқиямиз.

Эришилаётган натижалар, катта-катта рақамлар келтирилиб, оғиз кўпиртиришяпти. Булар мамлакатдаги тараққиёт одимларини баҳолаш учун кифоя қиладими? Фикримизча, баҳою даражани фақат биргина ўлчов ҳаққоний кўрсатиб беради, бу ҳам бўлса, фуқароларнинг бугун бахтли яшашидир.

Хўш, аҳолининг ҳозир ҳаётдан рози бўлиши учун қилинаётган ишлар амалда нечоғли ўзини оқламоқда? Айни саволга жавоб топиш мақсадида ҳар бир сонимизда вилоят ва туман масъуллари билан суҳбатлар уюштиряймиз.

Очиғини айтиш керак, жараёнда чиндан ҳам ҳудудий масъуллар фаолиятида жонланиш кузатилаётгани исботини топмоқда. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина.

Бу гал Пискент тумани ҳокими



ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Абдулла ДЕҲҚОНОВ билан йил давомида эришилган

ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар сарҳисобини қилдик.

— Давлатимиз раҳбарининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан

НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ АМАЛИЁТ ЖОРИЙ ЭТИЛЯПТИ



маҳалла тизими масъуллари зиммасига юклатилган вазифалар ижроси қай даражада таъминланди?

— Фармонга мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва озод қилинадиган ҳоким ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқлари лавозими жорий этилди. Шунингдек, ислохотларни аҳолига етказишда асосий куч бўлган маҳалла раислари билан суҳбатлар ўтказилди. Ҳозирда 27 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 25 нафарини амалдаги, 4 нафарини янги сайланган раислар ташкил қилади. Сайловдан сўнг 5 нафар фуқаролар йиғини раиси ўз хоҳишига кўра ишдан бўшади. Уларнинг ўрнига фуқаролар йиғини ишчи гуруҳлари томонидан муносиб номзодлар кўрсатилиб, лавозимларга сайланди. Фуқаролар йиғинларига сайланган раисларнинг сифат таркибига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Амалиётда илк бор татбиқ этилган фуқаролар йиғини раисининг Ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимларига фуқаролар йиғини кенгашининг қарорларига асосан, 27 та раис ўринбосарлари тайинланди.

— Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққа-

тинг оз бўлар», деган нақл бор. Шу маънода, Пискент тумани маҳалла фаолларининг самарали фаолият юритиши учун шароитлар етарлими? Қулай меҳнат муҳитини яратиш учун бўлим томонидан йил давомида қандай ишлар қилинди?

— Дарҳақиқат, шароит бор жойдаги ишда унум ҳам бўлади. Шу боис туманимиздаги маҳалларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш диққатимиз марказида. Ҳудудимиздаги 27 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 16 таси ўз балансидаги бинога эга. 11 таси эса бошқа ташкилот биноларида фаолият юритмоқда. Айни пайтда «Митан», «Янгиобод» ва Ойбек номидаги фуқаролар йиғини биноларида қурилиш ишлари кетяпти. Уларнинг иккитаси давлат шерикчилик асосида бунёд этилмоқда. Аслида уларнинг қурилиш ишлари алақачон якунланиши керак эди, аммо баъзи сабабларга кўра тўхтаб қолди. Шу боис жорий йилда фақат Ойбек номидаги маҳалла фаоллари янги бинога кўчиб ўтди.

— Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда фуқаролар йиғинлари раиси ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги муҳим. Бу йилда туман маҳаллаларида мана шу ҳамкорлик тизими таъминландими?

— Афсуски, туманимизда жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган. Жумладан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўрсаткичи камайишига эришилган бўлса-да, аёллар ўртасида ҳам қонун талаблари бузилиш ҳолатлари кузатилди. Албатта, бу рақамлар бизни ташвишга солади. Уларнинг содир этилиш сабаблари таҳлил қилинди.

Ўрганишларимиз натижасига кўра, 172 та жиноятдан 40 таси ишсиз ва ҳеч қаерда ўқимаганлар томонидан содир этилган. «Дўнгқўрғон» ва «Зоминувул» маҳаллаларида эса жиноятчилик кузатилмади. Бу борадаги ишларни жонлантириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида туманда жиноят содир этилган маҳаллада 3 кун ичида ҳудуддаги маҳалла фаоллари, кўчабошилар ва мутасадди раҳбарлар билан чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижросига эътибор қаратиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган фуқаролар билан яқка тартибда маҳалла раиси ҳамда профилактика инспекторлари томонидан ишга жойлаштириш чоралари кўриляпти. Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида 446 та кўчага 1150 га яқин видеокузатув камералари ўрнатилди.

«Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» концепцияси доирасида жиноят содир этилган маҳаллалар сонини кескин камайитиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Бунинг учун сектор раҳбарлари билан оила-турмуш доирасида жиноят содир этилишини камайитириш учун нотинч оилалар билан мунтазам мулоқотда бўлиш амалиётга жорий этиляпти.

— Юқорида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари ошгани ҳақида айтдингиз. Инсоннинг баъзида эгри йўлни танлашига етишмовчилик, ишсизлик ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жорий йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлашда нималар қилинди?

— Жорий йилда «Аёллар дафтари»га киритилган 533 нафар ишсиз аёлнинг 68 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 134 нафари жамоа ишларига жалб қилинди. Ҳудудимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 23 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Йил якунига қадар яна 48 нафар хотин-қизни тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликка жалб этишни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, опа-сингилларимизни янги касбларга ўқитишни ҳам режалаштирганмиз. Йил якунига қадар Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси томонидан 19 нафар аёлга кредит маблағи ажратиш кўзда тутилган.

Садоқат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.



НАТИЖАЛАРИМИЗ

яхши бўлса-да, бу биз учун белгиланган марра эмас

Бугун маҳалла институти том маънода аҳолининг бошини қовуштирадиган, кундалик турмушда учрайдиган муаммоларга жойида ечим топадиган, бир сўз билан айтганда, аниқ мақсадга йўналтирилган тузилма сифатида такомиллашди. Айни пайтда фуқаролар йиғини маҳаллий ҳокимлик, мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолият соҳасига кирувчи вазифалар юзасидан ижтимоий шериклик асосида ишламоқда.



Анвар ИБРАГИМОВ,
Янгийўл шаҳар ҳокими
ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Янги кенгаш иш бошлади

Биргина жорий йилнинг ўтган даври давомида Янгийўл шаҳрида ҳам талай ишлар қилинди. Худудни ободонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

Ҳар бир ишни режалаштириш, тизимли бажариш, мавжуд муаммоларга асосли ечимлар топишда эса пиру бадавлатларимизнинг маслаҳатларига таяндик. Аввало, шаҳар Нуронийлар кенгаши ташкил этилиб, 15 кишидан иборат кенгаш аъзолари таркибини тасдиқладик. Уларнинг ёрдами, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоялар таъсиридан асраш, нотинч оила фарзандлари билан ишлашда яққол намоён бўлмоқда.

Хусусан, ҳар бир маҳалла кесимида уюлмаган, ёт ғоялар таъсирига тушган ва адашган, профилактик ҳисобда турган ёшлар, нотинч ноқобил оилаларнинг фарзандлари, ажрим ёқасига келиб қолган ёш оилалар рўйхати тузилди. Шунга мос равишда кексалардан иборат мураббийлар гуруҳи таркиби шакллантирилди. Ажрим ёқасидаги ёш оилаларни васийликка олиб, уларни тўғри йўлга йўналтириш ишлари ҳам тизимлилик касб этди. Ишларнинг натижадорлигини баҳолаб бориш учун мураббийлар ҳамда уларга бириктирилган ёшларнинг йиғма жилдлари ҳам юритилаётир.

Насихатдан спортгача

Шаҳримизда аср билан юзлашган 2 нафар онахонимиз бор. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли барчага ўрнак. Шунинг учун бу нуронийларимиз насихатларини ёшларга етказиш мақсадида учрашувлар ўтказилляпти. Кувонарлиси, шаҳримиз ёши улуғлари нафақат бу каби тадбирларда, балки спортда ҳам ҳаммага ўрнак.

Чунончи, Президентимиз

ташаббуси билан ўтказилаётган «Саломатлик учун 5 минг қадам» лойиҳасида нуроний отахон ва онахонлар иштирок этишди. Тадбир давомида нуронийлар тиббий кўрикдан ўтказилди. «Нуронийларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни», «Нуронийлар ҳаёт йўлларида», «Уч авлод учрашуви» каби мулоқотлар эса ёшларда катта таассурот қолдирди.

Семинарлар нега керак эди?

«Бувижонлар мактаби» жамоатчилик кенгаши фаол ва ташаббускор онахонларимизни бир ерга жамлаган. Аксарият кишиларда жамоатчилик асосида ташкил этилгандан сўнг ҳисоб сўрашмайди, номигагина ташкил этилган тузилма бу, деган қараш бор. Биз айни шу қарашларга барҳам бериш учун маҳалларимиздаги жамоатчилик асосидаги тузилмалар фаолиятини доимий мониторингини юритяпмиз.

Биргина «Бувижонлар мактаби» кенгаши аъзолари турли ёшдаги ва қарашдаги аҳоли билан мулоқотда бўлади, бу эса ўзига хос маҳоратни талаб қилади. Айни жиҳатларни ҳисобга олиб, уларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар ўтказилди. Машғулотларда йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга қўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Фаоллар учун саёҳат

Маҳаллалар томонидан худудимиздаги 12 та мактабнинг ҳар бирига Нуронийлар жамоатчилик кенгаши вакиллари бириктирилди. Кексаларимиз томонидан ўтилаётган «Маънавият дарс соатлари» эса тарбияси оғир болалар билан

ишлашда, айниқса, қўл келяпти.

Мана шундай фаол пиру бадавлатларимизни руҳлантириш учун «Кексалар саёҳат ойлиги» доирасида уларнинг Усмон Юсупов уй музейига ташрифи ташкиллаштирилди. Саёҳат ҳам мароқли ҳордиқ чиқаришга, ҳам ўзаро фикр алмашишга замин яратди.

Кун тартибдаги доимий масала

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилашда ёши катталарнинг насихатларига суянамиз. Ана шундай ҳамфикрликда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи доим кун тартибимизда туришига келишганмиз.

Чиндан ҳам бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, опа-сингилларимизни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича бир йилда шаҳримизда қилинган ишлар ҳам буни амалда кўрсатади.

Ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни доимий даромад манбаига эга бўлиши учун бирдамликда ҳаракат қилдик. Масалан, шаҳримизда 3 та «Кичик саноат зона»си ташкил этилган бўлиб, биргина саноат зонасида 14 та корхона фаолият юритмоқда. Улардан 2 таси тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ҳар бирида 75 нафардан жами 150 нафар хотин-қиз банд.

Бундан ташқари, аёллар бандлигини таъминлашда яна бир асосий йўналишлардан бири –

оилавий ва хусусий боғчаларни ташкил этишга эътибор қаратяпмиз. Жорий йилнинг ўзида 2 та хусусий ҳамда 1 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги боғча қуриб битказилди. Бу билан 25 нафар аёл-қизимиз ишли бўлди.

Ҳар бир қатлам эътиборда

Жамиятимизда аёлларимизнинг тутган ўрнини биргина тадбиркорлик соҳасида таҳлил қиладиган бўлсак, шаҳарда мингдан ортиқ ишбилармон аёл ўз бизнесини юритмоқда.

Хунармандчиликка қизиққан қизларимиз эса «Устоз-шоғирд» аънанаси асосида қўл меҳнатини ўрганишга киришган. Ўзини ўзи банд қилиш бўйича қабул қилинган қарорга асосан, жуда катта имтиёзлар берилиши натижасида жорий йилда 34 нафар аёл давлат рўйхатидан ўтказилди. Опа-сингилларимизнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларни ҳимоя қилиш мақсадида, тазйиқ ва зўравонликка учраган ожизаларга «ҳимоя ордери»лари берилди, шундан 12 нафари билан яраштирувлар амалга оширилди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарнинг 10 нафарига бошланғич бадал тўлаб берилди. Уларнинг юз-кўзидаги миннатдорликни кўриб саъй-ҳаракатларимиз қалбларга қувонч улашаётганидан қувондик.

Сирасини айтганда, зиммамиздаги ҳар бир вазифа ижросига масъулият ва ўзаро ҳамкорликда ёндашяпмиз. Натижаларимиз яхши бўлса-да, бу биз учун белгиланган марра эмас.



ТАТУда соврин миқдори 60 000 000 сўм бўлган «IT Marafon – 2021»га старт берилди.

БУНЁДКОРЛИК ҲАР ҚАЛБ, ҲАР МАҲАЛЛАДА БҮЙ КЎРСАТМОҚДА

Ўз уйи, юртини обод қилиб, шундан мамнун бўлиб яшаш инсон умрига маъно беради. Шу маслак ҳаётимизга ўзгача шукуҳ бахш этади. Қачонки, ҳар уй, маҳаллада яшаётган одам озодаликка ҳисса қўшса, юрту кентларимиз гўзаллашиб бораверади. Шу боис Оҳангарон шаҳри ҳам йилдан-йилга кўркамлашмоқда.

Аҳолининг кўп йиллик орзуси ушалди

Йил бошида замонавий тиббиёт муассасаси фаолиятини бошлаганди. "Янгилик" маҳалласида қад ростлаган оилавий поликлиника 38 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бугун мазкур икки қаватли тиббиёт муассасасида 52 нафар шифокор меҳнат қилмоқда.

Янги тиббиёт маскани аҳолининг кўп йиллик орзусини ушалтирди. Пойтахтдан келган малакали шифокорлар томонидан бепул тиббий кўрик ташкил этилгани эса бу қувонччи минг чандон оширди.

Ҳамкорлик мақсадли бўлиши керак

Шаҳримизда 21 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, маҳаллалар асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Уларнинг ён-атрофини тоза-озода сақлаш, таъмирталаб уйларни таъмирлаш, том қисмларини янгилаш ишлари тизимли олиб бориляпти. Кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳолини электр, иситиш тизими тармоқларининг носозлиги муаммоси ҳамisha қийнайди. Айниқса, қорли қиш кунларида биргина носозлик сабаб бир неча ўнлаб уйларнинг иситиш тизими ёки электр энергиясиз қолиши хавфи туғилади.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун хусусий уй-жой ширкатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, шаҳардаги 14 та маҳалладаги коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф этиш бўйича ҳам ишляпмиз.

Янги ташаббус

Жорий йилда яна бир ташаббусга қўл урдик. Анчадан буён фойдаланилмаётган "Жамоатчилик назорат масканлари"ни аҳоли гав-



жум яшайдиган маҳаллаларнинг марказларига кўчирдик. Уларни «Жамоатчилик маърифат маркази»га айлантирдик. Мақсад — ҳозирги пандемия шароитида патронаж ҳамшираларнинг мурожаати, шифокорлар маслаҳати, оила мустақамлиги бўйича маҳалла фахрийларининг доно ўғитлари, соғлом овқатланиш қоидалари, касалликдан сақланиш тарғиботлари айти шу жойдан радиоузел орқали амалга оширилади.

Шу кунга қадар «Адолат» ва «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Жамоатчилик маърифат маркази» ташкил қилинди. Кейинчалик бу тажрибани барча фуқаролар йиғинларида амалга оширишни режалаштирганмиз.



Муаммо ҳал бўлди, янги иш ўрни яратилди

Фармацевтика соҳасида 45 йиллик тажрибага эга доришунос Зуҳра Жонузоқованинг ташаббуси эса кўпчиликнинг оғирини енгил қилди. Гап шундаки, ишбилармон аёл ўз сармояси ва 250 млн. сўм банк кредити ҳисобидан «Хонобод» маҳалласида янги дорихона ишга туширди. Бу билан нафақат аҳолининг узоқ манзили яқин бўлди, балки 4 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Эътиборлиси, З.Жонузоқова бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Келгусида аҳолининг тиббий хизмат билан боғлиқ муаммоларини камайитириш мақсадида стоматология клиникаси куришни режалаштирган.

Иқтисодиётнинг янги тармоғи

Шаҳримизда газобетон ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлаши эса ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини яна бир поғонага юксалтирди. «East Mining Invest» корхонаси Туркиянинг йирик компанияси билан ҳамкорликда газобетон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион доллар бўлиб,

унинг 6 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан тўлдирилди. Айни вақтда корxonанинг биринчи линияси ишга тушди. Иккинчи линия 2021 йилнинг баҳорида якунланиши кўзда тутилган. Корxonанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 120,0 минг метр куб газобетон блокни ташкил этади. Унинг фаолияти доирасида 150 га яқин иш ўрни яратилади. Бу шунча оила рўзғорига барака инади, деганидир.

Маҳаллаларимиз замонавийлик касб этаётир

Бугун иш жараёнимизни ахборот технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Улар ишимизни енгиллаштиради, узоғимизни яқин қиладди. Маҳалла фаолларига фаолият жараёнида ахборот алмашишида қулайлик яратиш мақсадида 21 та маҳалланинг ҳар бирига компьютер ва рангли принтерлар берилди.

Йил якунига қадар «Гулистон»



Ҳакима АБДУЖАББОРОВА,
Оҳангарон Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи биринчи ўринбосари.

МЕҲР ТАНТАНАСИ

Саховатпеша тадбиркорлар томонидан Оҳангарон шаҳридаги 120 нафар имконияти чекланган фуқарога 21 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, бир нафар ногиронлиги бор фуқарога ногиронлик аравачаси тақдим этилди.

Кўрсатилган эътибор ва мурувватдан қўнгли тоғдай кўтарилган аҳоли вакиллари дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик, омонлик тилади.

ва «Нўғойкўргон» маҳаллаларининг янги бинolari фойдаланишга топширилади. «Ёшлик», «Ватан» ҳамда Охунбобоев номли фуқаролар йиғинларига бинolar ажратилади. Ҳудудимиздаги 16 та маҳаллага шаҳар телефонлари ва модем ўрнатилди. Оҳангарон шаҳар хокимлигининг 2 қаватли биноси бўлимимиз балансига ўтказилиб берилётгани эса фаолиятимизни янада самарали ташкил этишимизга ёрдам беради.

Бундан ташқари, «Адолат», «Бахт», «Бирлик», «Бўстон», «Дўстлик», «Илоқ», «Мустақиллик», «Намуна», «Кўргон», «Орзу», «Умид», «Шодлик», «Янгилик» ва «Янгиобод» йиғинлари биносига шаҳар ҳокимлигининг маҳалла балансига ўтказиш бўйича қарорлари чиқарилди. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун 6 млн. сўмга яқин маблағ ўтказиб берилди.

Сирасини айтганда, вазифалар ижросида сусткашликка йўл қўймаслик учун бирдам, баҳамжихатликда ҳаракат қиляпмиз. Шаҳримизни обод қилишда эса ҳар бир фуқаро ҳиссасини қўшмоқда.



Наманган туманида бир йўла иккита кичик саноат зоналари очилади.

«ЯҚИНЛАРИМИЗ ЁНИДА ЯШАШ ҚАДРИГА ЕТДИК»

Дунёда ҳар бир инсон учун кимдир ёки нимадир қадрли: ота-она, фарзанд, ёру дўст, соғлиқ... Лекин ҳаётда билиб-билмай содир этилган жинояти учун жавоб бераётган — озодликдан маҳрум кишидан бу ёруғ оламда нима қадрли деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмай «озодлик» дея жавоб бериши аниқ...

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманитар сийёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Мазкур ҳужжат асосида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилиб, оиласи, яқинлари бағрига қайтарилди. 50 нафари жазони ўташдан муддатидан ил-

гари шартли озод қилинган бўлса, 7 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

104 нафар инсон, 104 тақдир... Президент авфи эса шунча оиланинг қувончи росманасига татиши, рўзғори обод бўлиб, қозони яхшироқ қайнашидан дарак. Президент авфи — зулмга қарши зулм эмас, бағрикенглик билан, шафқату маърифат билан курашиш йўли тугал танланганидан далолат. Тўғри, ҳозир авф этилганларнинг қилмиши — жиноят. Аммо асл ҳикмат хатосини англаб, ундан пушаймон бўлган инсонга бағирни очиб, муруват кўрсата билишда.

Афв этилганлардан бири — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жамолiddин Сайдахмедов юртимизда тақиқланган диний ташкилотларга аъзо бўлгани учун озодликдан маҳрум қилинган эди. Қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, муҳими, ҳаётда тўғри йўл танлашни мақсад қилган Жамолiddин қамоқдан озод бўлиб, яқинлари бағрига қайтди.

— Президентимизнинг афв этиш



тўғрисидаги фармони бир зумда ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Ж.Сайдахмедов — Бугун оилам ва уч нафар фарзандим бағрида эканимдан бахтиёрман. Давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлигига жавобан бу йўлда энди хато қилмаслик, турмуш ўртоғим ва болаларимга ўзим бош бўлишим кераклигини таъкидлашди. Қандай ёрдам зарурлигини сўрашиб, биринчи навбатда, яшаб турган хонадонимизнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб берадиган бўлдилар.

Фармонга кўра, афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун тегишли ташкилотлар, жумладан, маҳаллалар барча зарур кўмакни кўрсатади.

— Маҳаллаларда афв этилган фуқароларнинг ҳолидан хабар

олинди, оилавий шароити билан яқиндан танишиб, бандлигини таъминлаш борасида амалий чоралар қўрилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси Фароғат Шокирова. — Масаланинг энг муҳим жиҳати — уларнинг эркин ҳаётга кўникишига кўмаклашишдир. Бу борада уларга мураббийлар бириктирилиб, мунтазам равишда профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Ҳа, кўглаб инсонлар ўз оиласи бағрига, жамиятга қайтди. Уларга бундан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди. Умид қиламизки, давлатимиз раҳбари кечирган ушбу 104 нафар шахс ўзига билдирилган ишонччи оқлайди. Юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади.

«Уйимизга борамиз, уйимизга!..»

Давлатимиз раҳбарининг бевосита назорати остида амалга ошириб келинаётган «Меҳр» операциясининг навбатдаги босқичи доирасида Сурия мамлакатининг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан жами 98 нафар юртдошимиз, яъни 25 нафар аёл ва 73 нафар бола Ватанимизга қайтарилди.

...Бу норасидаларнинг гуноҳи нима? Қонли урушлар, қуролли можаролар, вайронлар, аянчли қисмат, йўқотишлар, фожиалар ичида туғилганими? Бахтсиз болаликнинг бадалини ким тўлайди? Уларнинг қалб жароҳатларига малҳам борми? Бу каби саволларнинг адоғи йўқ. Ачинарлиси, Яқин Шарқ мамлакатларида ҳамон тўхтамаётган қуролли тўқнашувлар сабаб миллионлаб болалар вайронларда оч-наҳор, қаровсиз ҳолда яшашти.

Афсуски, бу жараёнларда ўзбекистонлик фуқаролар ҳам билиб-билмай, айрим радикал кучларнинг таъсирига тушиб, инсонийлик чегарасидан чиқишди. Тўғри йўлдан адашиб, ҳатто яқинлари, оиласи, фарзандларини ҳам ватангадоликка дучор қилишди. Она заминдан кечиб кетиб, дину диёнатдан адашгани етмаганидек, сарсон-саргардонликда дунёга келган фарзандларига ҳам жангтоҳларни раво кўрган



оналар аҳволини ҳам тасаввур қилиш оғир.

Ўзбекистон раҳбарининг, аввало, инсоний жасорати, кечиримлик, тинчликсевар ташқи сийёсати туфайли бугун юзлаб адашганлар учун юртга қайтиш имкони берилмоқда. Аввало, Сурия лагерларида оғир шароитда қолаётган болалар ва аёлларга ёрдам қўли чўзилди. Ўта мураккаб, таҳликали вазиятларга қарамай, «Меҳр» операциялари муваффақиятли бажарилди.

— Ҳар тонгни таҳлика билан кутиб, ҳар тунда осуда кунларимиз ўтган уйимиз тушимга кирарди, — дейди Мадина Исахонова. — Афсус ва надоматдан бошқа чора тополмай юрганлар қай манзилда бўлмасин, киндик қони тўкилган ватанни

қўмсайди. Афсуски, қанча тақдирлар хатога бой берилди. Ўзим ҳам ана шундай хато қурбониман. Ҳар дақиқада ўқ овозлари ичида, доимо ўлим хавфини ҳис этиб яшардик. Муҳтожлик, очликдан жуда қийналдик, яшашга ҳолимиз қолмаганди. Бизга ишонч билдириб, юртимизга қайтарган Президентимиздан бир умр миннатдормиз ва ишонччи оқлаш учун қўлимиздан келадиган барча ишни қилишга тайёрмиз.

— Сурияга борганимнинг биринчи йилида қайтишимга ишонардим, лекин охириг икки йилда у ерда шунчалик кўп урушлар, очарчилик, ўлимлар бўлдики, қайтишдан умидимни узгандим, — дейди Мухлиса Исроилова. — Ёнимдаги кўпчилик ёш қизлар, болалар фақат урушни,

бузилган, вайрон бўлган хароба биноларни кўришган ва чодирларда яшашган. Биз ҳозир қайтиб келган жойларда ҳамон турли миллат кишилари яшашади. Яқинда бизни ушлаб турган аскарлар ватанимизга олиб кетиш учун ёрдам келаётганини айтишди. Буни эшитган бошқа миллатдагилар бизга шунчалик ҳавас қилишдики, мен ўша пайтда илк бор ўзбек эканимдан, бизни яхши кўрувчи инсонлар, миллатдошларим борлигидан фахрланиб кетдим, кўп йиғладим.

Меҳрга ташна бу инсонлар энди барча қулайликлар яратилган соғломлаштириш муассасасига жойлаштирилиб, иссиқ овқат, кийим-кечак ва бошқа барча зарур шароитлар билан таъминланади. Уларга мутахассислар томонидан тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

...Ҳозиргача фақат бугуни билан яшаб келган, ҳар кеч жони ҳадиқда, яна тонг отишига ишониб-ишонмай уйкуга ётган 98 нафар инсон бугундан эътиборан, эртанги кунга ишонч туйғуси билан, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаётда умр кечира бошлайди. Президентимиз ташаббуси, ҳукуматимиз, масъул вазирлик, идоралар саъй-ҳаракати билан улар қалбига эзгулик, меҳр, қўйингки, барча инсоний фазилатлар уруғи қадалди.

Саҳифани
Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ЭНДИ

диний эркинлик бўйича махсус кузатувда эмас

Очиқлик, ошқоралик ва адолат – та- раққиёт калити. Халқаро майдонда Ўзбекистон мана шундай тамойил- ларга риоя қилиб, обрў-эътибор топ- моқда. Танланган демократик йўлдан қайтилмаслигини бот-бот такрор- лаётган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотпарвар сиёсатчи сифатида эътироф этишаёт- гани алоҳида эъти- борга молик.

Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси, мажбурий меҳнатга қарши кураш- ни давом эттириш, диний эркин- ликни таъминлаш каби йўналиш- ларда ҳам Ўзбекистон тажрибаси муттасил тилга олинаётгани бежиз эмас, албатта. Бунинг яққол далили ўлароқ, АҚШ давлат ко- тиби Майкл Помпео Ўзбекистон диний эркинлик бўйича «Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати»- дан (Special Watch List) чиқарилган- ини эълон қилди.

Дунёнинг энг қудратли давла- ти – АҚШнинг Ўзбекистондаги ўзгаришларга бераётган эътибори ва эътирофи, шубҳасиз, халқаро майдонда Ўзбекистонимизга бўл- ган ишонччи яна ошириб юборди.

«Махсус кузатув остидаги давлатлар рўйхати» нимани англади?

«Махсус кузатув остидаги дав- латлар рўйхати» нимани англа- тади, деган савол туғилади. Гап шундаки, Кўшма Штатлар дунёда демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири деб билади. Шунинг учун АҚШда 1998 йилда қабул қилинган қонунга кўра, давлат диний ҳуқуқларни оёқости қилинадиган мамлакат- лар билан ҳамкорликни чеклаши ва уларга нисбатан чора кўриши лозим. Диний ҳуқуқларни чек- лаган давлатлар ёки ҳаракатлар билан Вашингтон ҳамкорликни чеклайди. Бу борада ҳар йили Дав- лат Департаменти дунё давлатла- ридаги диний эркинлик юзасидан ҳисобот тарқатади. АҚШ Давлат Департаментининг бундай рўйха- тидан бир қатор нуфузли давлат- лар қатори Аш-Шабаб, ал-Қоида, Боко Ҳарам, Толибон ва қатор гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар эътиқод эркин-

лигини поймол этиб келаётган- ликда қораланади.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкама- си раҳбари ўз маърузасида АҚШ экстремист ва террорчи гуруҳлар- га инсонларни дини учун азоб- лашга йўл қўймаслигини эслатиб ўтди. «Вашингтоннинг бу бора- даги ёндашуви ўзгармас. Ижобий ўзгаришлар ҳам бор. Судан ва Ўзбекистон махсус кузатувдаги давлатлар рўйхатидан чиқарил- ди, чунки ҳукуматлар ўтган йил давомида салмоқли ва конкрет ўзгаришларни амалга оширди», – дея эълон қилди давлат котиби. Помпео таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда ислохотлар давом этиб, қонунлар янгиланмоқда ва улар амалда сезилиб, бу жараён- лар бошқа давлатларга ҳам ўрнак бўла олади.

Янги давр

Инсон ҳуқуқлари бобида Ўзе- кистон ва АҚШ ҳамкорлиги ўз са- марасини берди. Ўзбекистон йил- лар давомида алоҳида хавотирга молик давлат сифатида кўрилгани, кейинчалик бу рўйхатдан чиқари- либ, махсус кузатувга қўйилгани ва муайян шартлар асосида янги бир даврга қадам кўяётганини конст- руктив жараёнлар маҳсули. Хусусан, Ўзбекистонда диний ташкилотлар- нинг рўйхатга олинishi борасида янгиликлар кузатилган, шунинг- дек, диний сабаблар билан қамал- ган шахсларнинг ишлари қайта кўриб чиқилган ва чиқилмоқда, катта қисми афв этилган.

Аслида АҚШ Давлат департа- ментининг Халқаро диний эркин- лик бўйича 2019 йилги ҳисоботи Ўзбекистон учун муҳим воқеа бўлганини бир ёдга олайлик.

2020 йилнинг июнида АҚШ Давлат котиби Майк Помпео нутқ сўзлаб, ўз фуқароларининг эъти- қод эркинлигига қарши босим ва тўсиқларга барҳам бериш мақ- садида дадил қадам ташлаган мамлакатларни санаб ўтди. Улар орасида узоқ йиллар диний реп- рессия кўлланиб келинган собиқ совет иттифоқи таркибида бўлган Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон ҳам бор эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон диний эркинлик борасидаги кўрсат- кичларини яхшилаш учун зарур чораларни кўлади. 2019 йилда рўйхатдан ўтмаган диний гуруҳ- лар жамоатини таъқиб қилиш ҳолатлари қайд этилмади.

АҚШнинг Диний эркинлик бўйича махсус элчиси Самуэл Браунбек ҳам диний эркинликлар соҳасидаги Ўзбекистон ташлаган



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

қадамларга юқори баҳо берди: «18 ёшдан кичиклар авваллари Ўзбекистонда масжидга киритил- мас эди. Бу тақиқ олиб ташланди. Мамлакатда саккизта ибодатхона рўйхатга олинди. Биз шу пайт- га қадар бажарилган ишлардан мамнунмиз». Шубҳасиз, эътиқод эркинлигини таъминлаш билан мамлакатлар иқтисодий барқа- рорлик ва хавфсизликка эришади. Ўзбекистон шу мақсадда илгарил- ламоқда. Бошқаларга яхши кўри- ниш учун эмас. Боз устига, Ўзе- кистон ҳуқуқ ташкилотларининг тавсия ва хавотирларига бефарқ эмас. Ҳукумат Ўзбекистонда ҳам, жаҳон бўйлаб ҳам ҳуқуқ ва қонун устуворлиги билан боғлиқ вазият яхшиланишини хоҳлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси- нинг бу йилги 75-сессиясида сўз- лаган нутқида, мамлакатда исло- хотлар давом этади, адолат ва та- раққиёт томон қадам ташлашдан тўхтамайди ва ортга қайтмайди, дея бежиз таъкидламади. Энг ав- вало, халқаро саҳнадаги фаоллик Ўзбекистонда шу кунгача ҳуқуқ ва қонун устуворлиги борасида эри- шилган ютуқларни асраб-авайлаш учун имкон беради. Боз устига, давлат идораларида масъулиятни ошириш, очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши кураш, афв этиш ва оқлов, адлия ислоҳоти, суд мустақиллиги, уруш майдонларидан ватандош- ларни олиб келиш, қийноқларга барҳам бериш, жазони ўташ муас- сасаларини мониторинг қилиш, диний эркинлик ва бошқа жабҳа- ларда ҳам ижобий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттириш гарови ҳамдир.

Фақат Ўзбекистон учун эмас, халқаро ҳамжамият учун ҳам аҳамиятлидир

Қолаверса, Ўзбекистон ёпиқ жа- миятдан очиқ жамиятга айланишни истади. Мана шу трансформацион жараён фақат Ўзбекистон учун эмас, халқаро ҳамжамият учун ҳам аҳамиятлидир. Шу боис республика ўз тажрибасини дунё билан баҳам кўришдан тортинмайди.

Бу тажриба шундаки, қисқа вақт ичида мамлакатимизда мажбурий

ва болалар меҳнати тўлиқ туга- тилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан жорий йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқа- ролиги берилди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенг- лик мустаҳкамланмоқда.

Судларнинг чинакам муста- қиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Корруп- цияга қарши мурасимиз кураш янги босқичга кўтарилди. Ўзе- кистон сўнгги йилларда эришган бу каби муҳим натижаларнинг барчаси – Ўзбекистоннинг барча стратегик шериклари ва дунё давлатлари томонидан эътироф этилди.

Айтиш жоизки, республика ташқи дунё маслаҳатлари ва тав- сияларини ҳеч қачон ҳозиргича- лик инobatга олмаган. Туб муам- моларни тан олиб, уларга ечим излаш, ҳар жиҳатдан тараққий этиш, глобал меъёрларни татбиқ этиш, ҳар бир соҳада жаҳон таж- рибасини ўрганиш сари қадамлар ташлаётгани бунинг яққол исботи. Хорижий экспертларни ва ва- тандошларни жалб этиш, давлат идораларида уларнинг кўмагига таянган ҳолда ўзгаришлар қилиш, иқтисод, молия ва сармоя ҳам- да давлат бошқаруви ва умуман, тизимли ислохотларда йирик халқаро ташкилотлардан масла- ҳатчиларни таклиф этиш бугунги Ўзбекистон учун нормал ҳолга айлангани ҳам, айна ҳақиқат.

Янги қонунлар устида ишлаш- дан тортиб, уларни амалга оши- риш ва назорат қилишгача, халқа- ро мутахассисларнинг тавсиялари кенг тарзда инobatга олинмоқда. Ҳозирда ҳар бир муҳим ҳужжат, ҳар бир стратегия халқаро таш- килотлар ва экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда ва уларнинг таклифлари инobatга олинмоқда. Бир сўз билан айтган- да, Ўзбекистон 2017 йилда бош- ланган ислохотларни, адолат ва қонун устуворлиги томон йўлни кенгроқ очаверади, орқага қайт- майди.



ЎЗМУ халқаро тоифадаги
кадрлар тайёрлайди.

ЭКОЛОГИЯ

Жарима миқдори оширилдими?

— Эшитишимча, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўққанлик учун жарималар оширилибди. Айтинг-чи, экологияга оид яна қандай жарималар амалга оширилмоқда?

Фарида БЎТАЕВА.
Тошкент шаҳри.



Умаржон АБДУЛЛАЕВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Президентимиз томонидан 2020 йил 3 декабрда имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир нечта Кодекси, Қонун ҳамда Ҳукумат қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят кодексига киритилган ўзгартишга кўра, оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга олиб келиш жинояти учун жавобгарликнинг жарима миқдори оширилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришга кўра, юридик шахсларга тегишли бўлган ёки ўзларига бириктирилган ҳудудларда дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўққанлик учун эндиликда фуқароларга маъмурий жавобгарлик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача (223 минг сўмдан 669 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан 20 бараваригача (2 млн. 230 минг сўмдан 4 млн. 460 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (илгари бу миқдор фуқароларга 111 500 сўмдан 669 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса 669 минг сўмдан 1 млн. 115 минг сўмгача эди).

СОЛИҚ

Ижтимоий солиқни тўламаса иш стажи ёзиладими?

— Ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида «soliq» мобил иловасидан фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтдим, лекин ижтимоий солиқни тўламадим. Энди менга иш стажи ёзиладими?



Бобур ЙЎЛДОШЕВ.
Андижон вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

— Ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи (111 500 сўм) ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ҳамда ўша шахснинг келгусида ҳисобланадиган пенсия миқдорига таъсир этади. Пенсия яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда ҳисобланади. Демак, ижтимоий солиқ тўловини амалга оширмаган жисмоний шахсга иш стажи ва пенсия ҳисобланмайди.

АЛИМЕНТ

Ҳеч қаерда ишламайдиган шахсдан қанча алимент ундирилади?

— Ҳеч қаерда ишламайман, лекин мендан алимент талаб этишяпти. Тўлаш имкониятим бўлмаса ҳам алимент тўлашга мажбурманми? Қонунчиликда бу ҳолатда нима дейилган? Умуман, ҳеч қаерда ишламайдиганлар қанча алимент тўлаши керак?



Ш.ҚОСИМОВ.
Фарғона вилояти.



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Агар алимент тўловчи ишламайдиган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундириладиган вақтда алимент Ўзбекистондаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Агар қарзни бундай белгиланган тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, манфаатларига путур етказилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаши мумкин.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Янги ўрнатилаётган ҳисоблагичлар кўп ҳисоблайдими?



— Бизнинг ҳудудда ҳам «ақлли» электр ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бироқ айримлар янги ўрнатилаётган ҳисоблагичлар кўп ҳисоблайди дейишмоқда. Айтишларича, ҳатто чироқ ўчган пайтида ҳам ҳисоблагич ишлайвераркан. Шу ростми? Ўзи истеъмолчи ҳисоблагични алмаштиришга мажбурми, алмаштиришни хоҳламаса-чи? Ҳисоблагич алмаштириш бепулми? Бу ҳисоблагичлар неча йилда даврий қиёсловдан ўтказилади?

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ.
Қашқадарё вилояти.

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ матбуот котиби:

— Бу ҳисоблагичлар кўп ҳисобламайди, балки аввалги ҳисоблагичлар кам ҳисоблагани ва бу ҳисоблагичларнинг аниқлик синфи юқори бўлганлиги учун фуқароларимиз назарида шундай тушунча пайдо бўлган. Электр таъминоти бўлмаганда ҳам тизим билан алоқа мавжудлигини билдирувчи чироғи ўчиб ёниши ва хотира батареяси борлиги сабабли рақамларни кўрсатиб туриши туфайли ишлайверади, деган фикр туғилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳисоблагични алмаштириш мажбурий ҳисобланади. Хоҳламаганлар тармоқдан узилади.

Ҳисоблагич, алмаштириш хизмат ҳақи, тамғалаш, ҳужжатларни расмийлаштириш текин, лекин ҳисоблагичга бўлган яроқсиз симни янги сим олиб бериш ва янгисига алмаштириш, яроқсиз автомат/рубилникни сотиб олиш ва алмаштириш ва бошқа қўшимча электр иш хизматлари бундан мустасно. Ўрнатилаётган ҳисоблагичлар ҳар 10 йилда бир марта даврий қиёсловдан ҲЭТК томонидан ўтказилади.

